Муҳаммад ҲАКИМОВ, Мухторали ЗОКИРОВ
Соҳиба ЗОКИРОВА, Мафтуна ҒОЗИЕВА

# ТИЛ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Муҳаммад ҲАКИМОВ, Мухторали ЗОКИРОВ,
Соҳиба ЗОКИРОВА, Мафтуна ҒОЗИЕВА

# ТИЛ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

*Тил назарияси фанидан амалий машғулотлар учун ўқув-услубий қўлланма*

«Фарғона» нашриёти,
2016 йил

УЎК: 81`1
КБК: 81.2
Т49

*Фарғона давлат университети Илмий кенгашининг 2015 йил 25 июндаги 10-сонли йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.*

**Масъул муҳаррир:**
**А.Нурмонов,** филология фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**
**С.Мўминов,** филология фанлари доктори, профессор;
**Д.Набиева,** филология фанлари доктори, профессор.

**ҲАКИМОВ Муҳаммад, ЗОКИРОВ Мухторали,**
**ЗОКИРОВА Соҳиба, ҒОЗИЕВА Мафтуна**
**Т49 ТИЛ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ:** Тил назарияси фанидан амалий машғулотлар учун ўкув-услубий қўлланма/ илмий нашр/ М.Ҳакимов ва бошқ. – Фаргона: «Фарғона» нашриёти, 2016. – 208 бет.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма тилшуносликнинг асосий муаммолари ҳақида бўлиб, хозирги замон тилшунослигидаги асосий йўналишлар хакида кенг маълумот беради. Шу билан бирга, тилшуносликнинг анъанавий хамда замонавий тармокларига тааллуқли бўлган назарий масалалар қамраб олинган. Қўлланманинг биринчи кисмида тилшунослик фанининг предмети, лингвистик оқим ва мактаблар, йирик тилшунос олимларнинг назарий қарашлари ўз ифодасини топган бўлса, иккинчи қисмида тилшунослик назарияларига оид ижодий топшириклар келтирилган.

Мазкур қўлланма филология ва тилларни ўкитиш (ўзбек тили, инглиз тили, немис тили, француз тили), хорижий тил ва адабиёти йўналишлари талабаларига тил назарияси фанидан амалий машғулотлар олиб бориш ҳамда уларнинг билимларини синаш учун мўлжалланган.

УЎК: 81`1
КБК: 81.2

ISBN: 978-9943-980-54-9

©М.Ҳакимов ва бошқ. – 2016.

## СЎЗ БОШИ

Илм-фаннинг ҳар қандай соҳасида эришилган ютуқлар мазкур соҳага оид илмий адабиётлар воситасида мустаҳкамланади. Шу жумладан, тил илмининг ривожи ҳам бевосита соҳага оид тадқиқотларнинг бажарилиши ва адабиётларда акс эттирилиши орқали таъминланади. Шу маънода тилшунослик соҳасига оид дастлабки атамалар, тушунчалар, қарашлар, назариялар мазмунини ўзида акс эттирган ўқув-услубий қўлланма, дарслик ва монографияларнинг мавжудлиги, янгиларининг яратилиши қувонарли ҳолдир.

«Тилшунослик назарияси» номи остида тақдим этилаётган ушбу ўқув-услубий қўлланма тўрт қисмдан иборат бўлиб, асосан, соҳа мутахассислари, тадқиқотчилар ва филология факультети талабаларига мўлжалланган. Биринчи қисмда тилшунослик фанининг предмети, мундарижаси, тадқиқот объекти ҳақида назарий маълумотлар берилган. Мазкур маълумотларда умумий ва хусусий тилшуносликка тааллуқли фикрлар жамланган. Фикрнинг ифода шакллари – лингвистик, паралингвистик ва экстралингвистик воситалар, шунингдек, бу воситаларнинг турли тилларда қўлланилиши баён этилган.

Ўқув-услубий қўлланманинг иккинчи қисми интралингвистика масалаларига бағишланган бўлиб, унда тил сатҳи бирликларининг анъанавий ва систем-структур тадқиқига оид назарий маълумотлар берилган. Жумладан, фонетик-фонологик, лексик ҳамда грамматик сатҳ бирликлари, шунингдек, тил ва нутқ ҳодисалари хусусий ва умумий тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Қўлланманинг учинчи қисми универсал лингвистика масалаларига бағишланган. Унда дунё тилларини илмий асосда

ўрганувчи компаративистика йўналишлари ҳақидаги назарий маълумотлар чуқур таҳлиллар ёрдамида тушунтириб берилган.

Ҳар бир қисмда айтилган илмий-назарий маълумотлар асосида савол ва топшириқлар ҳамда тест материаллари тузилган. Бу топшириқлар илмий қарашлар ва назарий маълумотларнинг чуқур сингдирилганлиги, фойдаланувчининг мавзу ва масалаларни ўзлаштирганлигини мустақил текшириб кўриш имкониятини яратади.

Китоб ҳам илмий-назарий, ҳам услубий-методик жиҳатдан мустаҳкам асосга эга адабиётлар қаторида тилшунослик фани ривожига муносиб ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

**А.НУРМОНОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

## *НАЗАРИЙ БЎЛИМ*

# ТИЛШУНОСЛИК ФАНИ, УНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА БЎЛИМЛАРИ

Тилшунослик (лингвистика) – тил ҳақидаги фандир. У инсон тилини ўрганади. Инсон тили ёки нутқининг шаклий ва мазмуний структурасини таҳлил килади.

Тилшуносликнинг тадқиқот объекти тил саналади. Тилшунослик фани тақдим қилаётган маълумотлар ҳар бир инсон учун фойдалидир, шунинг учун тил ҳақида нашр қилинаётган оммабоп илмий адабиётлар кенг китобхонлар учун мўлжалланган бўлади. Бироқ бу фанни билиш, унда янги чўққиларни эгаллаш, асосан, филологларга тааллуқлидир.

Инсон дунёга келибдики, бутун умри давомида тил билан боғлиқ бўлади: сўзлайди, ўқийди, ёзади, тинглайди, англайди, ўзаро мулоқотга киришади. Биз тил борлиги туфайли ҳеч қачон кўрмаган нарсаларимиз ҳақида фикр-мулоҳаза юрита оламиз, унинг мавжудлигини тасаввур қила оламиз – яъни фикрлаймиз. Тилсиз, сўзсиз ўйлаш имкони борми, деган савол устида бош қотириш мумкин. Бунда фикрлашнинг моҳияти фақат тил, нутқ деган тушунчалар билан боғлиқ эмаслигини эътироф этиш зарур. Шу маънода инсон объектив оламдаги нарса, ҳодиса, воқеа ҳақида фикр юритар экан, у ўзи ўйлаган нарсалари ҳақида нолисоний воситалар орқали ҳам ахборот бериши мумкин. Ахборот ифодалашнинг турли шакллари мавжуд экан, унинг асосида тил илми масалаларини ўрганишнинг икки ярусини фарқлаш мумкин. Тил ҳақидаги фаннинг тадқиқот объекти бир-бирини тақозо этувчи ва тўлдирувчи икки жиҳатни қамраб олади: биринчиси, ҳар қандай шаклда ифодаланган ахборотнинг мазмуний томони; иккинчиси, ҳар қандай мазмуннинг турли шакллар ёрдамида ифодаланиши.

Демак, лингвистика фани тор маънода фақат лисоний воситалар орқали ифодаланган бирликларнинг мазмуний ва шаклий структурасини ўрганишни ўз олдига асосий мақсад қилиб олади. Кенг маънода эса инсон томонидан айтиш эҳтиёжи юзага келган фикрни нолисоний шакллар орқали ифодаланишини ўрганувчи

соҳани ҳам лингвистика деб эътироф этиш мумкин. Бу йўналиш мутахассислар тили билан экстралингвистика деб номланади. Фаннинг ҳар икки соҳасида ҳам мазмуний ва шаклий структура асос қилиб олинади. Шу маънода тил алоқа воситаси сифатида асосий коммуникатив функция бажаради, айни пайтда коммуникатив функция бажарувчи бошқа воситалар ҳам борлигини унутмаслик зарур.

Тилсиз жамоа бўлиб фаолият юритиш, илм-фанни такомиллаштириш, санъатни ривожлантириш мумкин эмас. Ҳар қандай жамоада тил ижтимоий восита сифатида шаклланади, жамоа аъзолари эса ундан алоқа воситаси сифатида фойдаланади. Тилшунослик фани ана шу алоқа воситасини назарий жиҳатдан ўрганади.

Тилшунослик фани тил ва унинг структурасига оид илмий маълумотларни тил фактларини таҳлил қилиш орқали йиғади, синтез қилиш орқали эса умумлаштиради. Натижада тил назариясига оид маълумотлар юзага кела бошлайди. Тил назариясига тааллуқли масалаларнинг юзага келиши фактларнинг қиёсий тадқиқи асосида рўй беради. Қиёсий тадқиқотлар натижасида солиштирилаётган икки фактнинг умумий ва фарқли белгилари асосида янги – учинчи назарий фактлар аниқланади. Соф илмий лингвистика ана шу учинчи маълумотлар таркибида янги назарияни шакллантиради. Тил фактлари таҳлилида ўхшашлик ва фарқланишларнинг қиёсланиши, бунинг юзага келиш сабабларини изоҳлаш янги назарияларнинг шаклланишига туртки бўлади.

## ТИЛШУНОСЛИК МАКТАБЛАРИ ЁКИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қадим замонлардан буён ўрганилиб келишига қарамай, бугунги кунда ҳам тил ҳақидаги фан олдида анчагина муаммолар мавжуд. Бу муаммоларнинг пайдо бўлиши тил фактлари тадқиқига оид методлар масаласи билан боғлиқ. Агар тадқиқот методи тўғри танланган бўлса, натижа ва илмий хулосалар объектив бўлади. Акс ҳолда, натижа ва илмий хулосалар субъектив томонга оғади. Фанда субъектив деган тушунчанинг пайдо бўлиши муаммоларнинг кўпайишига олиб келади. Шу маънода, аввало, тилшунослик фанининг предметини тўғри белгилаш – муаммолар объектив ҳал қилиниши асосидир.

Масала тилшунослик фанининг предметини тўғри белгилаш устида борар экан, бунда нималарга эътибор бериш керак? Бу ўринда асосий саволлар: тил ўзи нима, у қайси белгилари билан характерланади, унинг табиати ва моҳияти қандай, инсондан бошқа мавжудотларда ҳам тил воситаси борми, инсоннинг нутқ товушлари табиатдаги бошқа товушлардан нимаси билан фарқланади кабилардан иборат бўлади. Бу каби саволлар асосида тилшунослик фанининг структурасини тасаввур қилиш имкони туғилади.

Барча даврларда тилшунослар тилни тилшуносликнинг предмети деб ҳисоблаб келдилар. Бироқ тилнинг табиати ҳамда моҳиятини аниқлашда турли хил фикр ва қарашларни илгари сурдилар. Натижада эса фанда турли мактаб, йўналишлар юзага келди ва ушбу тенденция ҳозир ҳам давом этиб келмоқда.

Тилни табиий ҳодиса деб тушунувчи натуралистик оқим вакиллари тилга тирик организм сифатида қараганлар – тил туғилади, яшайди ва ўлади, деб ҳисоблаганлар. Фикрларини асослаш учун лотин, санскрит каби ўлик тилларни мисол сифатида келтирганлар. Уларнинг фикрича, тил ҳам табиат қонунлари каби объектив бўлиб, табиий қонуниятлар асосида ривожланади. Тилда ҳам тирик организмлардагидек табиий жараёнлар мавжуддир. Бу ғоя вакиллари бўлмиш XIX асрнинг буюк немис тилшунослари А.Шлейхер ва М.Мюллерлар ўз даврида тилшунослик фанида баъзи жиддий камчиликларга йўл қўйдилар, шу билан бирга, лингвистика дунёсига янгиликларни ҳам олиб кирдилар. Мазкур

тилшунослар сўзнинг кайси морфологик типга мансублигини аниклаш максадида биологиядаги морфология терминини лингвистикага олиб кирдилар.

Ҳакикатан, тил кўп ҳолларда табиий ҳодисаларга ўхшаб кетади. У бизга юриш, йиғлаш, нафас олиш ҳодисалари каби табиий жараёндек туюлади. Инсон юришни ҳам, гапиришни ҳам ўрганади, лекин бу билан мазкур ҳолатларнинг моҳияти бир хил, деб караш тўғри эмас.

Инсонда психофизиологик қобилиятлар мавжуд бўлганлиги учун у юра бошлайди. Бунда инсоннинг қайси мамлакатда, қайси жамиятда яшаши ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Ҳаракатланиш қобилияти инсоннинг наслий, биологик функцияси туфайлидир. Тилга эса юқоридагилардан фарқли ҳолатда ижтимоий макон маҳсули деб каралади. Тилнинг шаклланиши ижтимоий муҳит таъсири билан боғлиқдир.

Инсон тили ва нутқининг шаклланиши унинг қаерда ва қандай жамиятда яшаши билан узвий алоқадордир. Гўдакнинг хайвонлар орасида яшаши, ҳаракатланиши, озиқланиши – буларнинг барчаси наслий биологик функцияларнинг мавжудлиги туфайлидир. Бироқ у вербал жамиятдан ажралиб қолганлиги сабабли, сўзлашиш ва мулоҳаза юритиш функцияларини бажара олмайди. Демак, ҳаракатланиш ёки озиқланиш ва сўзлашиш каби ҳодисалар моҳиятини бир нарса деб талқин килиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, тил инсоннинг инстинктив, биологик функцияси асосида шаклланмайди, аксинча, инсоннинг жамиятга боғлиқ ижтимоий функциясидир.

Ўрта асрларда тилшуносликда мантиқийлик назарияси вужудга келган бўлиб, жуда кўп XVIII-XIX аср тилшунослари томонидан бу ғоялар қўллаб-қувватланган. Мантиқшунослар тил ва тафаккур – бир нарса, барча тил қонуниятлари тафаккур қонуниятларидан келиб чиқади, деб қараганлар. Грамматик ҳодисаларни таҳлил килишда мантиқ таянч нуқта бўлади, деб ҳисоблаганлар. К.Беккер, Ф.И.Буслаевлар мантиқийлик оқимининг вакиллари саналади.

Бироқ, тилшуносларнинг кузатишларича, мантиқшунослар томонидан тақдим қилинган тил лойиҳаларига нисбатан жонли тиллар бой ва ранг-барангдир. Чунки мантиқшунослар тилда

мавжуд бўлган тагмаъно, эмоция, экспрессия, услубий хосланиш қаби тушунчаларни ҳисобга олмаганлар.

XIX асрда психология фани катта ютукларга эришди. Бу эса тилни тадқиқ этиш жараёнига ўз таъсирини кўрсатди. Тилшунослар янги оқим яратдилар ва тилни сўзловчи психологияси билан қиёслай бошладилар. Тилнинг психологик хусусиятлари инсон психологияси билан боғлиқ, деган ғоя фанда бу йўналишнинг ривожланишига сабаб бўлган. Ҳар қандай нутқда муаллиф психологияси акс этган бўлади, деган қараш асос бўлган. Масалан, XIX аср буюк немис тилшунослари Г.Пауль, К.Бругман, Г.Остгоф, Россияда Ф.Фортунатовлар тилнинг моҳияти ҳар бир сўзловчининг психологиясидан келиб чиқади, деб ҳисоблайдилар. Мазкур йўналиш «индивидуал психологизм» номини олди. Бу йўналиш вакиллари борлиқда фақат индивидуал тил мавжуд, деб ҳисоблаганликлари учун айнан индивидуал нутқни ўргандилар. Улар тилнинг ижтимоий функциясини, унинг кишилик жамияти билан боғлиқлик жиҳатлари мавжудлиги ҳамда ривожланишидаги ўрнини эътибордан четда қолдирдилар.

Тил психологизми остида индивид психологиясини эмас, балки яхлит жамият психологиясини назарда тутиш зарур. Тилнинг моҳиятида бир гуруҳ одамлар психологияси ифодаланади. Тил жамият маҳсули бўлиб, у жамиятга хизмат қилади. Бундай қараш XIX-XX аср психологик социологизмининг француз мактаби вакиллари қарашларида учрайди. Фердинанд де Соссюр, А.Мейе, Ж.Вандриес, А.Сеше, Ш.Балли, Э.Бенвенистлар мазкур мактаб намояндаларидир. Россияда эса бу анъана И.А.Бодуэн де Куртенэ қарашларида кўзга ташланади. Социологик мактаб вакиллари биринчилардан бўлиб тилнинг ижтимоий ва социал масалаларини ўртага ташладилар. Натижада тилшуносликда социологизм деган йўналиш ривожлана бошлади.

Немис тилшуноси К.Фосслер тил муаммоларига бошқача тарзда ёндашди. У тилнинг фақат экспрессив функциясини ҳисобга олган ҳолдагина тилнинг моҳиятини очиб бериш мумкин, деб ҳисоблайди. К.Фосслернинг фикрича, тил ҳис-туйғу ва эмоцияларни ифодалаш воситасидир. Психологик социологизм мактаби вакиллари тилнинг коммуникатив хусусиятларини тўғри ва қатъий кўрсатишларини

К.Фосслер рад этган. Тил – индивидуал ижод маҳсули, тил жамоаси ундан фойдаланувчига ҳеч қандай чегара қўя олмайди. К.Фосслер тилдаги ҳар қандай ўзгариш ва тилдаги ривожланиш жараёнларининг бошланғич омили сифатида эстетик факторни кўрсатган. Бу йўналиш лингвистик эстетизм номини олди.

Тил моҳиятини асослаш ёки унинг предметини аниқлаш мақсадида XX асрнинг 30-40 йилларида америкалик тилшунос Л.Блумфильд ғоялари ўртага ташланди ва тилшуносликда янги йўналиш юзага келди. Тилшуносликда унинг ғоялари психологиядаги бихевиоризм назарияларига асосланган. Бихевиоризм назарияси, инсон онги билан боғлиқ равишда, унинг мулоқот хулқи ва бошқа жиҳатларининг тилдаги ифодасини белгилайди. Бу бир жиҳатдан тилшуносликда янги шаклланаётган лингвокультурология соҳасига тааллуқли назарияларга боғланади. Инсон нутқи унинг тафаккур дунёси негизида намоён бўлади. Объектив борлиқ ҳақидаги тушунча ва қарашлар, инсон тили шаклланган «кичик жамият» тарбияси унинг нутқида ифодаланади. Бу эса инсоннинг мулоқот хулқи сифатида бихевиористик (психологик йўналиш) қарашларни ташкил қилади.

Структурализм, тилшуносликдаги замонавий йўналишлардан бири сифатида, тил элементларининг ўзаро парадигматик муносабатини тадқиқ қилишни назарда тутади. В.Брендалнинг таъкидлашича, лингвистикадаги структурализм йўналишининг асосий масалаларидан бири – бу тилнинг яхлитлигидир, яъни тилнинг структураси ҳақидаги тушунча ҳам ушбу йўналиш моҳиятини белгилайди. Бу йўналишнинг яна бир асосий хусусиятларидан бири лингвистик белгини бошқа белгиларга муносабати билан изоҳланиши асосида юзага чиқади. Бундай қараш натижасида семиотика ва у билан боғлиқ дескриптив лингвистика назарияси шаклланди. Бу назарияга кўра, лингвистик фактлар таҳлили юзасидан умумлаштирилаётган қоидалар тилнинг система эканлиги нуқтаи назаридан изоҳланди. Ёлғиз олинган тил фактлари таҳлили ва улар юзасидан чиқарилган қоидалар анъанавий тилшунослик методлари эканлиги қатъий таъкидланди. Лекин дескриптив лингвистика вакиллари томонидан айтилган бундай фикрлар анъанавий тилшунослик вакиллари қарашларини

рад қилади, дегани эмас. Тадқиқот материали битта, метод иккита, илмий тадқиқот усули ҳар хил. Мана шундай тарзда тилшуносликнинг замонавий йўналишлари юзага кела бошлади.

Тилшуносликнинг замонавий йўналиши сифатида структурализмнинг турли мактаблари мавжуд ва улар ўзаро фарқланади. Бу йўналиш расман XX асрнинг 30-40 йилларида Прага лингвистик тўгараги негизида юзага келди. Прага структурализми мактабини функционал лингвистика мактаби деб ҳам номлашади. Н.С.Трубецкой, Р.Якобсон, С.Карцевский, В.Матезиус, В.Скаличка, Б.Трнка, Б.Гавранек, И.Вахек ва бошқалар бу мактабнинг кўзга кўринган вакиллари саналади. Бу мактаб вакиллари тил бирликларининг ички муносабати, шунингдек, тилнинг ташқи нолисоний факторлар билан боғланиш ҳолатлари каби масалалар билан қизиқдилар. Прага мактаби вакиллари фонетика ва фонологияни қатъий фарқладилар, фонема тасвирида эса структур методларни ишлаб чиқдилар. Фонологик структурализм ҳақидаги асосий фикрлар ушбу мактаб вакиллари томонидан алоҳида эътироф этилди. Грамматик структурализм фонологик структурализм асосида ўзига хос тарзда тадқиқ қилинди.

Копенгаген мактаби структурализмнинг иккинчи йўналиши сифатида ажралиб чиқди. В.Брендаль, Л.Ельмслев, К.Тогебю, Х.Ульдалль ва бошқаларни бу йўналиш вакиллари қаторида кўрсатиш мумкин. Мазкур лингвистик йўналиш вакиллари ўз олдиларига «тил алгебра»сини яратишни мақсад қилиб қўядилар. Улар тилшунослик фани ҳам математика фани сингари абстракт хусусиятга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, бу мактабнинг яна бир бош мақсади универсал лингвистик назария яратиш бўлган.

Америка структурал мактаби эса, дистрибуцион методга асосланган ҳолда, тилни формал усуллар билан тасвирлашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди. Бу мактаб дескриптив лингвистика мактаби деб ҳам номланади. Бу мактабнинг шаклланишида Л.Блумфилд, Э.Сепир, Б.Блок, З.Харрис, Е.Найда, Н.Хомский, Ж.Трейжер, Ч.Хоккет, Г.Хойер, К.Пайк, Е.Бенвенист каби олимларнинг хизматлари беқиёс.

Структурализм ҳақидаги назариялар учта йўналишда шакллан-

ган бўлса-да, уларнинг моҳияти лингвистик бирликларнинг систем таҳлили билан узвий боғлиқдир. Бу йўналишларнинг фарқи тил сатҳи бирликларининг шаклий ва мазмуний структураси таҳлилида кўзга ташланади. Бундан шуни тушуниш мумкинки, фонетик ва фонологик бирликлар тадқиқи гарчи систем структура асосида амалга оширилган бўлса-да, семантик структуранинг катта тил сатҳи бирликларидек мавжуд эмаслиги учала йўналиш назарияларининг умумийлашишига олиб келади.

Демак, юқоридагилардан шуни тушуниш мумкинки, тилшунослик фанининг предметини белгилаш, тилнинг табиати ва моҳиятини турлича тушуниш натижасида тилшуносликда турлича йўналишлар, мактаблар, таълимотлар юзага келди.

Тил кўп аспектли ва мураккаб ҳодисадир. У инсон тафаккури ва психологияси билан узвий боғлиқдир. У умумжамиятга ва алоҳида индивидларга хизмат қилади. У мантиқийлик ва эмоционаллик хусусиятига эга. Тилнинг алоқа-аралашув воситаси сифатидаги коммуникатив функцияси унинг асосий функцияларидан биридир. Коммуникатив функциясиз уни тил деб ҳисоблаб бўлмайди. Шу билан бирга, коммуникатив функция унинг ягона функцияси эмас. Хусусан, тилнинг номинатив, эмоционал, экспрессив, аккумулятив функцияларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

## ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ МЕТОДЛАРИ

Лингвистиканинг асосий муаммоларидан бири сифатида лингвистик таҳлил усуллари ёки методларини кўрсатиш мумкин. Бироқ метод ҳақида гапиришдан олдин методология атамаси ифодалаган тушунчалар ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай методнинг ортида тадқиқотчи дунёқараши ва мақсади билан боғлиқ маълум бир методология мавжуд бўлади. Бу методология фалсафий ва мантиқий йўналишга асосланган бўлиши мумкин. Ҳар қандай фан ўзининг тадқиқот усулларини ишлаб чиқади. Ҳодисаларни ўрганувчи қоидалар ва усуллар йиғиндиси илмий тадқиқот методлари саналади. Шунингдек, тилшунослик фани бошқа фанларнинг

усул ва методларидан ҳам фойдаланади. Хусусан, фонетика экспериментал метод асосида махсус приборлар ёрдамида товушлар тадқиқотини ўтказади. Артикуляция ҳаракатларини тадқиқ этишда эса физиологик соҳага оид методлардан фойдаланилади. Тилларни классификация қилиш жараёнида эса лингвогенетик методларнинг жорий қилиниши кўзга ташланади.

Кейинги пайтларда илм-фанга оид тадқиқотларда аниқ фанлар методларини қўллаш одат тусига кириб бормоқда. Шу қаторда тилшуносликда математик методлардан фойдаланиш ҳолатлари кўпайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Тилшунослик ўзининг тадқиқот усуллари ва илмий методларини ишлаб чиқди. Ўтган давр мобайнида дунё тилшунослигида компаратив методдан кенг фойдаланилди. Бу эса қариндош тилларнинг тарихий шаклланиши ва ривожланишини қиёсий аспектда тадқиқ қилишдан иборат бўлди. XIX асрнинг биринчи чорагида қиёсий-тарихий методдан фойдаланиш оммалашди. Ўзбек тилшунослигида Маҳмуд Кошғарий XI асрдаёқ «Девони луғотит-турк» асарини яратиш жараёнида уруғ ва қабилалар тили, яшаш ҳудуди (географияси), урф-одатлари кабиларни ўзаро қиёслаб ёритиш орқали қиёсий-тарихий методга асос солган эди. Мазкур метод ёки тадқиқот усули туфайли тилшуносликда дунё тилларининг генеологик таснифига асос солинди. Айни пайтда лингвогенетик тадқиқот усули асосида янги методлар шаклланди.

Тилларнинг қариндошлиги турли тилларнинг сатҳ бирликларида соҳаларидаги айрим ўхшашликлар борлиги ҳақида маълумотлар беради. Бу ўхшашликлар, биринчи навбатда, лексик ва грамматик формаларда кўзга ташланади (аффикслар, префикслар ва ёрдамчи сўзларда намоён бўлади).

Масалан, ҳинд-европа тилларида *бўлмоқ* феълининг бирлик шаклда тусланишида шундай ўхшашликларни кузатамиз[1]:

| | **Қадимги ҳинд тили (санскрит)** | **Грек тили** | **Лотин тили** | **Гот тили** | **Қадимги рус тили** | **Рус тили** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| I шахс | asmi | (eimi) | sum | im | -ѥсмь | есть |
| II шахс | asi | (ei) | es | is | -ѥси | есть |
| III шахс | asti | (esti) | est | ist | -ѥсть | есть |

1 А.А.Акишина. *Пособие по курсу «Введение в языкознание»*. М., 1969, с.11.

Бу ўхшашлик қариндош тилларда умумий фонетик асослар мавжудлиги билан ҳам тасдиқланади.

Ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб бўлган рус, латиш, лотин, қадимги юнон, инглиз ва немис тилларида сонларнинг бир хил ўзакларда ифодаланишининг ўзи ҳам тилларда маълум ўхшашликлар мавжудлигини, қариндошлигини тасдиклайди.

Тиллардаги ўзгариш қонуниятларининг умумийлиги ва шакл жиҳатдан яқинлиги ҳисобга олинса, ўша тиллардаги қадимий шаклни тиклаш имконияти вужудга келади. Масалан, рус тилидаги *брат (ака ёки ука) сўзи* қадимги славян тилидаги братръ, немис тилида – bruder, инглиз тилида – brother, лотин тилида – frater, санскритда – bhrata шаклида ифодаланади.

Бу шаклларни қиёслаш жараёнида товуш ўзгаришлари қонуниятини ҳисобга олиб, барча сўзларнинг қадимий праформасини – ўзагини – b h rater деб ҳисоблаш мумкин.

Қиёсий-тарихий тадқиқотларнинг тилшуносликда кўпайиши янги фан соҳаси юзага келишига сабаб бўлди. Этимология деб аталган бу соҳага сўзнинг келиб чиқиш тарихи билан шуғулланиш асос килиб олинди. Аслида, тилда бу назариянинг юзага келиши стоикларнинг тадкикот натижалари билан боғлиқ. Улар сўзнинг структурасидаги алоҳида талаффуз қилинган товушдан биринчи маънони қидирдилар[2].

## ТИЛШУНОСЛИКНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

Тил ўзининг коммуникатив функцияси асосида, биринчи ўринда, мулоқот мақсадларига хизмат қилади, у жамият томонидан яратилади ва мазкур жамиятга хизмат кўрсатади. Ана шу жамиятда шаклланади, айни пайтда жамиятнинг тараққий этганлик даражаси тилнинг функционал услублардаги дифференциациялашувида кўзга ташланади. Тил функционал нуқтаи назаридан қанча кўп фарқланса, ўша жамиятнинг тараққиёти шу даражада шаклланган

2 С.Усмонов. Умумий тилшунослик. Т., 1972.

бўлади.

Тилни тадкик қилиш фақат тилшунослик фани доираси билан чекланиб қолмайди. Фалсафа, тарих, этнография ва шу каби ижтимоий фанлар доирасида ҳам тил фактлари таҳлил қилинади. Шу билан бирга, тил инсон тафаккури маҳсули бўлиб, тафаккур, мантиқ ва психология билан боғлиқдир.

## ТИЛШУНОСЛИКНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИК БИЛАН АЛОҚАСИ

Тил дунёни акс эттиради. Тилда объектив олам элементлари ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам тил бадиий образлар ератиш воситасидир, у бадиий адабиёт ва публицистика, бадиий ва илмий символика воситасидир. Тил мазмуний воситалар ифодачиси сифатида адабиётшунослик билан узвий боғланади. Икки фан оралиғида мавжуд бўлган стилистика, бир жиҳатдан, луғавий бирликлардаги бўёқ ва ўзига хос жиҳатларни акс эттирса, иккинчи томондан, борлиқдаги воқеаларни бадиий тасвирлашда ёзувчининг индивидуал услубини ифодалаш учун хизмат қилади. Шундай қилиб, бу икки фан оралиғида ҳам лингвистика, ҳам адабиётшуносликка дахлдор бўлган лингвопоэтика каби фаннинг янги соҳаси шаклланади. Лингвопоэтика илми ривожида – икки фан оралиғида стилистика асосий кўприк вазифасини бажаради.

Стилистика фани фикр ифодалаш, борлиқдаги воқеа-ҳодисаларни тасвирлашда муаллиф муносабатини ифодаловчи фан сифатида тил ва адабиёт соҳаларини ўзаро умумлаштиради. Муаллиф предмет ифодасида тасвир воситаларидан фойдаланади, бу воситаларга бўёқ беради, турлича оҳанг ва интонациялар ёрдамида унинг ранг-баранглигини таъминлайди. Бу фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ёзувчи борлиқдаги воқеликнинг бадиий тасвирида лисоний восита, лисоний бўёқ, лисоний ранг-ранглиқдан унумли фойдаланади. Натижада шаклий ва мазмуний структура асосида жанрлар дифференциацияси юзага келади. Шеърият тили, бадиий асар тили, ёзувчи тили деган тушунчалар қаторида функционал услублар ва унинг сўзлашув, бадиий,

публицистик, илмий ҳамда расмий услубларига хослик белгилари асосида оригинал шакллар пайдо бўла бошлайди. Лингвистика инсон тилини ўрганувчи фан деб қаралгани ҳолда, у ўзининг янги тармоклари билан шаклланади. Шунинг учун ҳам тил лингвистикаси деган фаннинг йўналиши базасида нутқ лингвистикаси деган тушунча вужудга келади. Агар тил лингвистикаси шу кунга қадар шаклланган маълум бир тилга хос бўлган лисоний бирликлар ва ана шу тилга хос грамматик қоидалар таҳлили билан шуғулланган бўлса, нутқ лингвистикаси нутқ вазияти билан боғлиқ ҳолда, мулоқот контексти талаби билан шаклланган ва реал талаффузга эга бўлган лингвистик бирликларнинг вариантларини ўрганади. Тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикасида ҳам стилистика ҳақидаги қоидалар мунтазам амал қилади. Стилистика тил ва нутқда мавжуд турли услубларни ўрганувчи соҳа сифатида шаклланди. У оғзаки ва ёзма нутқ услублари, поэтик нутқ шакллари, публицистик нутқ хусусиятлари, бадиий нутқ структурасига хос услублар, катта ва кичик адабий жанр услублари, алоҳида ёзувчилар ва адабий йўналишлар услублари билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этади.

Стилистика, бир томондан, функционал услублар, яъни турли вазиятлардаги нутқ кўринишларини ўрганади, иккинчи томондан, махсус қўшимча мақсадлар учун хизмат қиладиган воситаларни тадқиқ қилади. Хусусан, лингвистик бирликлар орқали ифодаланадиган эстетик, эмоционал, экспрессив, поэтик маъноларнинг ифодаланишини ўрганади. Бу билан фанда янги тадқиқот объектини – лингвопоэтикани шакллантиради. Лингвистик бирликлар инсон хотираси ва луғавий бирликларнинг денотатив маъноси, унинг таркибида мавжуд бўлган нозик маъно оттенкалари воситасида намоён бўлади. Мисол учун, одатда, изоҳли луғатларда сўзлар стилистик белгилари орқали изоҳланади. Масалан:

1) сўзлашув нутқига оид хусусиятлар, уларда эмоционалликнинг мавжудлиги, бу бирликларда сўзловчи шахс хусусиятларига оид ҳазилона оҳанглар;

2) китобий ифодалар, инсон кайфиятига таъсир қилувчи кўтаринки маънолар, шеърий ифодалар ёки поэтик бирликлар;

3) оддий сўзлашув тилига оид бўлган бетакаллуф ёки қўпол

сўзлар;

4) ўқиганда енгил ҳазм қилинадиган халқ тили тушунчаси таркибида яшайдиган поэтик шакллар;

5) ҳазил-мутойиба, киноя ёки ироник муносабат маънолари акс этган лисоний бирликлар;

6) маъно структурасида камситиш, ҳақорат каби оҳанглар мавжуд бўлган лисоний бирликлар.

Стилистика фани фақат умумхалқ стилистик имкониятлари билан боғлиқ ҳодисаларнигина тадқиқ этмайди, балки индивидуал стилистик имкониятларни ҳам ўрганади. У алоҳида ёзувчилар услубини, уларнинг нутқига хос неологизмлар, бадиий образлар ва тасвир баёнига тааллуқли бўлган услубий хусусиятларни ҳам ўрганади. Стилистика тилшунослик ва адабиётшуносликни ўзаро узвий боғлайди ҳамда иккала фан материалларидан озуқа олади.

## ТИЛШУНОСЛИК ВА МАНТИҚ

Тилшунослик ва мантиқ фанлари кесишган жойда тил ва мантиқнинг ўзаро таъсири каби муҳим масала вужудга келади. Маълумки, мантиқ тил ёрдамида амалга оширилади. Мантиқшунос тил орқали мантиқ қонуниятларини очишга ҳаракат қилади. Тилшуносни эса тил ва мантиқнинг ўзига хослиги, уларнинг фарқли жиҳатлари, мантиқнинг тил қурилишига таъсири, тилнинг мантиққа таъсир ўтказиши ёки ўтказмаслиги каби масалалар қизиқтиради.

Бугунги кунда Ер куррасида 3 мингга яқин тил ва 3 мингга яқин алоҳида шевалар мавжуд, деб ҳисобланади. Мазкур тиллар турли ва ранг-барангдир, ваҳоланки, барча тиллар учун мантиқ қонуниятлари қатъий чегараланган ва бир хилдир. Бу қоида Пор-Рояль грамматикасида аллақачон таъкидланган. Турли миллат вакиллари конкрет предмет ҳақида бир хил фикрлайдилар. Бироқ унинг ифода шакли турли тилларда турлича бўлади. Мантиқ фикрнинг моҳиятини таҳлил қилади, тил эса шаклнинг ранг-баранглигини таҳлил қилади. Мантиқда умумийликни топиш мантиқшуноснинг, тиллардаги фарқларни кўрсатиш тилшуноснинг

вазифасидир.

Сўз тил бирлиги саналади, тушунча мантиқий бирлик ҳисобланади, гап лисоний бирликдир, мулоҳаза эса мантиқий бирлик ва мантиқий категориядир. Бироқ буларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бири учун хизмат қилади. Ҳар икки фан тадқиқот давомида ўз атама ва тушунчаларини фарқлаши зарур.

Масалан, бир сўз бир неча тушунчани ифодалаши мумкин: стол – 1) мебель тури (*ёзув столи*); 2) амал, лавозим (*олса, столини олади-да, артелимга бориб, яна раислигимни қилавераман. А.Қаҳҳор*); 3) махсус ишлар билан шуғулланувчи муассаса ёки муассасадаги бир бўлим (*паспорт столи*).

Бир неча сўз бир тушунчани ифодалаши мумкин: *тилшунослик – лингвистика.* Сўз умуман тушунча ифодаламаслиги мумкин, масалан, ундов сўзлар (*тисс, чу, оҳ, вой*).

Вақт ўтиши билан тушунчани ифодаловчи сўзнинг ўзи (*манглай-пешона*) ёки аксинча, сўз ифодаловчи тушунчанинг мазмуни ўзгариши ва ниҳоят, сўз кучли эмоционал бўёққа эга (*қизим, қизгинам*) бўлиши мумкин.

Мантиқ доим тилшуносликка катта таъсир кўрсатиб келган. Тилшунослик тарихида шундай босқичлар бўлганки, тилшунослар мантиқ ва тил категорияларини аралаштириб, мантиқ қонунларини тилга татбиқ қилишга ҳаракат қилишган. Шу сабабли тилшуносликдаги бир қатор грамматик таъриф ва атамалар мантиқ фани таъсирида шаклланган: субъектив, объектив муносабатлар, атрибут, предикат ва ҳоказо.

Биринчи бўлиб 1660 йили шундай грамматика Париж шаҳри яқинида жойлашган Пор-Рояль ибодатхонасининг донишманд роҳиблари Антон Арно ва Клод Лансло томонидан француз тилида ёзилиб, Парижда нашр қилинган. Бу грамматика «Ақл асосларига қурилган аниқ ҳамда табиий усулда баён қилинган гапириш санъатини асослаб берувчи умумий грамматика» деб номланади, лекин тилшуносликда у кўпроқ Пор-Рояль грамматикаси деб юритилади.

Лансло ва Арно ўз асарларида барча тиллар учун умумий қонун-қоидалар ҳамда уларда мавжуд бўлган фарқларнинг сабабларини

ўрганишга ҳаракат қилишган.

Мазкур грамматика Декарт (картезиан) фалсафаси асосида яратилган. Асарда грамматика ва мантиқ орасидаги боғланиш назарий асослаб берилган. Агар тил тафаккурни ифодаласа, тил категориялари фикр категорияларининг мужассамлашувидир, деб ҳисобланган. Демак, тилни ўргатаётган грамматика мантиққа таяниши керак. Грамматика тил категорияларини фикр категорияларининг мужассамлашуви сифатида қабул қилинганлиги сабабли *рационал бўлиб, бу бошқача айтганда*, мантиқий грамматикадир. Агар бутун инсониятда мантиқ битта бўлса, демак, грамматика ҳам умумий ва универсал бўлиши керак. Умумий грамматика битта алоҳида олинган тилнинг грамматикаси бўла олмайди. Шундай қилиб, турли тилларнинг нафақат мазмуний, балки грамматик томони ҳам ягона грамматик махражга келтирилади. Арно ва Лансло бу асарда тилларнинг *умумий жиҳатларини аниқламокчи бўлганликлари* сабабли, ўз грамматикаларига француз тилидан ташқари лотин, юнон ва қадимги яҳудий тилларидан олинган маълумотларни ҳам киритганлар.

Албатта, мантиқий ҳамда грамматик категорияларнинг маълум мувофиқлиги бор, лекин бу мантиқнинг барча категориялари тўғридан-тўғри тилда ўз аксини топиши керак, тил ҳодисалари мантиқ чегараларидан чиқа олмайди, дегани эмас. Фикрнинг ҳар бир ифодаси мантиқ, психология ҳамда тилшунослик нуқтаи назаридан турлича таърифланиши мумкин. Тилшунослар фақат лингвистик томони билан шуғулланишлари керак. Шунинг учун тилга лингвистик ёндашувни мантиқий таҳлилга алмаштирув муайян тилнинг грамматик хусусиятларини аниқлашда чалкашликларни юзага келтиради, тилдаги ўзига хосликларни инкор қилади, амалиётда тасдиқланмаган хулосаларга олиб келади. Ҳар бир тилда мантиқий тушунчалар акс этмайдиган, фақат ҳис-ҳаяжон, хоҳиш-истакни ифодалаш билан боғлиқ сўзлар ҳам мавжуд.

Мантиқий грамматика таъсирида умумий (универсал) грамматикалар яратиш ғоялари вужудга келди. Мантиқшуносларни тил хусусиятлари эмас, балки тиллар учун умумий бўлган ҳодисалар қизиқтирган. Масалан, К.Бекер таълимотига кўра,

фикр тилга нисбатан априорлашган ҳодисадир (текширилмаган ва асосланмаган) ва бизнинг барча тушунчаларимиз 12 асосий тушунчадан келиб чиққан[3], деб таъкидланади. Айрим мантиқий грамматика тарафдорларининг асарларида ҳар бир тилда 6 та келишик, грамматик жинс, сон, чоғиштириш даражалари ва тусланиш тизими бўлиши керак, деган фикрлар учрайди. Кейинчалик мазкур фикрлар Г.Штейнталь томонидан танқид қилинган. У, аксинча, тилларда умумий тушунча ҳам, доимий грамматик категориялар ҳам бўлмайди, деб ҳисоблаган. Лекин тилшунослар кўп сонли мисоллар асосида аксарият тил категорияларининг умумийлигини исботлашди. Айрим тилшунослар, масалан, немис филологи Ф.Г.Финк тил ҳодисаларининг бир хиллигига таяниб, Ер юзидаги барча тиллар бир манбадан келиб чиққан, деб ҳисоблаган. Аслида эса, тиллардаги кўп категорияларнинг ўхшашлиги уларнинг умумий манбадан келиб чиқиши билан эмас, балки мантиқ категорияларининг умумийлиги, колаверса, физиологик ва психологик умумийлик билан боғлиқ.

Инсон ақл-заковати ҳар қандай илм-фанда ўхшаш жиҳатлар, умумий қонуниятлар, ҳодисаларни топишга ҳаракат қилади. Мантиқшунослар ҳам барча тиллар ўз асосида умумийликка эга бўлиши керак, деган ғояга таянадилар. Лекин улар тилларни ўрганиш жараёнида умумий грамматикани нотўғри талқин қилишган, чунки улар тилни тафаккурга алмаштирганликлари сабабли тилдаги умумий ҳодисалар ҳақида эмас, балки тафаккурдаги умумий қонуниятлар ҳақида сўз юритганлар.

Замонавий тилшунослик бугунги кунда тиллардаги умумий ҳодисалар ҳақидаги масалани ўзгача нуқтаи назар билан таҳлил қилиш масаласини ўртага қўймоқда. Бу нуқтаи назардан тил элементлари бир-бири билан маълум муносабатда бўлган структурани ифодалайди. Агар бирор-бир тилда А элементи мавжуд бўлса, унда албатта А элементи билан алоқадор В элементи ҳам бўлиши керак. Демак, Х тилда В элементини топганимизда, унда А элементи ҳам борлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин, чунки улар тилда ўзаро алоқададирлар.

3 А.А.Акишина. Пособие по курсу «Введение в языкознание». М., 1969, с.36.

Замонавий тилшунослик универсалияларнинг уч турини ажратади: фонетик, грамматик ва семантик.

Фонетик универсалияларга мисоллар:

1) барча тилларда унли ва ундошлар мавжуд;

2) барча тилларда ундош билан бошланадиган ва унли билан тугайдиган бўғинлар мавжуд, яъни барча тилларда куйидаги бўғин тури мавжуд: ундош + унли (CV)

3) портловчи ундоши йўқ тиллар мавжуд эмас;

4) агар тилда портловчи ва қоришиқ ундошлар бўлса, демак, унда сирғалувчи ундош ҳам бор.

Масалан, агар тилда [т] – [ц] фонемаларининг зид қўйилиши мавжуд бўлса, бу тилда албатта [с] ундош фонемаси ҳам мавжуд бўлади ва ҳоказо.

Грамматик универсалияларга мисоллар:

1) барча тилларда от ва феъл туркумига оид сўзлар бор;

2) барча тилларда олмошлар бор;

3) мазкур тилда сўз тартиби ва сўз структураси ўртасида боғлиқлик мавжуд;

4) барча тилларда отларда жинс категорияси мавжуд бўлса, сифатларда ҳам мавжуд бўлади, деган қоида қатъийдир.

Семантик универсалиялар ҳар бир тил учун умумий бўлган тушунчалар мавжудлиги ва уларнинг ифодаланиш воситалари (грамматик ёки лексик) каби масалалар билан шуғулланади.

Масалан, жинс категорияси. Айрим тилларда (рус, француз) у мажбурий, яъни грамматикдир (рус тилида қўшимча орқали: кот – м.р., кошка – ж.р.; француз тилида артикль орқали ифодаланади). Инглиз тили учун эса жинс мажбурий эмас, у лексик воситалар орқали ифодаланади (масалан, he-cat, she-cat, mae-cat, cat-female).

Халқаро сунъий тилларни яратиш лойиҳаларининг вужудга келиши ҳам рационализм фалсафаси билан боғлиқ. Биринчи бўлиб XVII аср француз файласуфи Рене Декарт рационал сунъий тил яратиш ғояси билан чиққан. Мазкур масалага рационализмнинг яна бир намояндаси Готфрид Вильгелм Лейбниц (1646-1716) ҳам катта эътибор билан ёндашган. Таъкидланишича, 300 йил давомида 600 дан кўпроқ сунъий тиллар яратилди. Умумий грамматика ғоялари билан қувватланган масаланинг фалсафий томони ўз аҳамиятини

аста-секин йўқотиб, унинг ўрнини соф амалий мулоҳазалар гипотезаси эгаллади. Ҳақиқатан, Ер юзида 3000 дан ортиқ турли тилларнинг мавжудлиги одамларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишлари учун жиддий тўсиқ бўлган. XIX асрнинг охирида воляпук, идо, эсперанто каби сунъий тилларнинг юзага келиши XVII асрдаги сунъий тил яратиш ғоясини амалиётда исботлади. Мазкур тиллар ўзига хос хусусиятлари билан жонли тиллардан кескин фаркланди. Табиий тилларда мавжуд бўлган хусусиятлар уларда акс этмади. Ижтимоий муҳит ёки махсус жамият томонидан қўлланилмаганлиги сабабли сунъий тиллар жонли тиллар қаторида ривожланмади.

Энг катта муваффақият варшавалик врач Людовик Заменгоф томонидан 1887 йили яратилган эсперанто тилига насиб бўлган. Машҳур француз тилшуноси Антуан Мейедан сунъий тил яратилиши мумкинми, деб сўрашганда: «Бу масалага оид баҳс мавзуси ҳал қилинган, чунки эсперанто мавжуд», – деб жавоб берган.

Эсперанто лотин тилидан *умид қилувчи* деб таржима қилинади. Бу ном Заменгоф ниятларига мос тушарди. Эсперанто бошқа сунъий тилларга нисбатан устунликка эга бўлди.

Эсперанто тарафдорларининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда эсперанто тилида гапирувчилар сони 7 миллиондан ошиқ. Бу тилда 100 дан кўпроқ журнал чиқади, жаҳон адабиётининг мумтоз асарларини ўз ичига олган етти мингдан ортиқ таржима китоблардан иборат адабиёт яратилган. Мазкур тил бўйича қўлланмалар ва луғатлар яратилмоқда. Эсперанто тилида бадиий адабиёт яратилмаса керак, чунки бу коллекционерлар, спортчилар, врачлар, филологлар орасида машҳур бўлган соф амалий восита тилдир.

Эсперанто тилидаги сўз ўзакларининг 60 фоизи роман, 30 фоизи герман, 10 фоизи славян тилларидан олинган. Заменгоф 900 ўзак қўллаган бўлса, бугунги луғатлар 25 минггача ўзакка эга. Эсперанто грамматикаси 16 та асосий қоидага эга ва миллий тилларда мавжуд бўлган кўп сонли истисно ҳамда чекинишлар бу тилда мавжуд эмас.

## ТИЛШУНОСЛИК ВА МАТЕМАТИК МАНТИҚ

Тилшунослик фани масалалари фақат шу фан қоидалари асосида ҳал қилинмайди. Айрим муаммоларнинг моҳиятини аниқлаш учун бошқа фан қоида ва принципларидан фойдаланишга ҳам тўғри келади. Шунинг учун ҳам лисоний ҳодисалар таҳлилида, бошқа ижтимоий фанлар қатори, табиий фанлар қоида ва методларидан ҳам унумли фойдаланиш зарур. Гап айнан математик мантиқ хусусида борганида, дастлаб математик мантиқ фақат табиий фанларда қўлланилганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Кейинчалик амалий эҳтиёжлар натижасида у фаннинг гуманитар соҳаларига ҳам татбиқ қилина бошланди.

Мантиқ математика фанининг асосидир. Шунинг учун ҳам у муҳокама юритишнинг қонун-қоидалари, усуллари ва формалари ҳақидаги фан бўлиб, унинг асосчиси қадимги юнон олими Аристотель ҳисобланади. У биринчилардан бўлиб бу соҳада дедукция назариясини яратди. Дедукция тушунчаси ҳодисалар таҳлилида мантиқий хулосалар чиқариш билан боғлиқ бўлиб, мантиқий хулосалар чиқариш формал характерга эга бўлади.

Аристотелнинг таълимоти Форобий, Беруний, Умар Хайём, Алишер Навоий каби буюк олимлар томонидан давом эттирилди.

Немис файласуфи ва математиги Г.Лейбниц (1646-1716) биринчилардан бўлиб мантиқий фикрлашнинг ҳисоб характерига эга эканлигини кўрсатди. Унинг фикрича, барча илмий тушунча ва мулоҳазаларнинг асосини мантиқий элементлар ташкил қилади. Бу мантиқий элементларни муайян символлар билан белгилаш мумкин бўлади.

Лейбниц ғоялари факат XIX асрдагина амалга ошди. Немис олими Г.Фрёге, инглиз олими Ж.Буль, рус олими П.Порецкий ишларида символик мантиқ асослари яратилди. Хусусан, Ж.Буль мантиқ операциялари учун қуйидаги символларни киритди:

- предметларнинг борлигини белгилаш учун **x, y, z** ҳарфларини;
- предметлар сифатини белгилаш учун катта лотин **X, Y, Z** ҳарфларини;
- бир-бирига акслантирилган мулоҳазалар учун перпендикуляр «⊥» белгисини;

- билдирилаётган мулоҳазаларда йўкликни билдирувчи «**0**» белгисини;

- мулоҳазаларнинг мантикий қўшилишини билдирувчи белги сифатида «**q**» ҳарфини.

Шунингдек, 1-мулоҳазага 2-мулоҳаза мутлақо зид келса, «–» белгиси қўйилади.

Мулоҳазада одатий сўз бирикувлари мавжуд бўлса, «**u**» белгиси қўйилади.

Мулоҳазада ноодатий бирикувлар бўлса, «∩» белгиси қўйилади.

Математик мантиқнинг вужудга келиши тилшуносликка тез таъсир ўтказди, чунки машина таржимаси дастурларини яратишда унинг методларидан фойдаланилади. Математик мантиқ белги, символлардан фойдаланади. Масалан:

- қўшув (+) – «ёки»;
- нукта (.) – «ва»;
- ( белгиси – «...да жойлашган»;
- ↔ белгиси – «фақат ва фақат ўшанда»;
- *Е* ҳарфи – «мавжуд»;
- Σ белгиси – «жами» ва ҳоказо.

Мазкур белгилар бугунги тилшуносликда ҳам қўлланилади. Булар тилда илмий символика деб номланади. Илмий символикада ҳам маълум ахборотлар ифодаланади.

Ҳар қандай содда мулоҳаза А ҳарфи билан, агар у инкор бўлса, Ā белгиси билан ифодаланади. Шунингдек, чин мулоҳаза 1 (бир) рақами билан, ёлғон мулоҳаза 0 (ноль) белгиси билан ифодаланган.

Агар, *ёмғир ёғяпти* ибораси ҳақиқатга тўғри келса, у чин мулоҳаза бўлади ва А=1 шаклида ёзишимиз мумкин.

Унда Ā=0 шакли ҳам тўғри келади.

Бундан қуйидаги мулоҳазалар келиб чиқади: агар ижобий мулоҳаза чин бўлса, инкор мулоҳаза ёлғон бўлади. Яъни *ёмғир ёғяпти* ибораси чин бўлса, *ёмғир ёғмаяпти* ибораси ёлғон бўлади.

Формула шаклида бу қуйидаги кўринишга эга бўлади: агар А=1 бўлса, унда Ā=0 дир.

Ва аксинча: агар А=0 бўлса, унда Ā=1.

Демак:

1) А ёки Ā=1 (А+ Ā=1);

2) А ва $\bar{A}=0$ ($A. \bar{A}=0$).

Мазкур формулаларни қуйидагича тушуниш мумкин:

1) икки мулоҳазадан (*ёмғир ёғяпти* ва *ёмғир ёғмаяпти*) бири чиндир;

2) икки мулоҳаза бир вақтнинг ўзида чин бўлиши мумкин эмас, чунки улар бир-бирига зиддир.

Формула шаклида ҳар қандай мураккаб мулоҳазани ҳам бериш мумкин. Масалан: *Агар билет топа олсам ёки дўстларим мени таклиф қилишса ва шу куни имтиҳон бўлмаса, мен кинога бораман.*

Мазкур мулоҳаза қисмларини ҳарфлар орқали ифодалаймиз:

M – *мен кинога бораман*;

B – *агар билет топа олсам*;

D – *агар мени дўстларим таклиф қилишса*;

I – *агар имтиҳон бўлмаса*.

Мулоҳаза формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$M = (B+D). \bar{I}$.

Жон Буль содда арифметик амалларга асосланиб,

0 X 0 = 0 0 + 0 = 0

0 X 0 = 0 0 + 1 = 1

1 X 0 = 0 1 + 0 = 1

1 X 1 = 1

мантиқ қоидаларини тартибга келтиради:

чин + ёлғон = чин, чунки 1 + 0 = 1;

ёлғон + чин = чин, чунки 0 + 1 = 1;

ёлғон + ёлғон = ёлғон, чунки 0 + 0 = 0;

чин + чин = чин, чунки 1 + 1 = 2.

Мазкур иш асосида машина таржимасига оид дастурлар яратила бошланди.

## ТИЛШУНОСЛИК ВА ПСИХОЛОГИЯ

Психология психик ҳодисалар ҳақидаги фан бўлиб, у инсон ҳис-туйғулари ва истаклари, қизиқиш ва эҳтиёжлари, қобилият ва имкониятлари билан шуғулланувчи илмий йўналишлардан биридир. Гап фан соҳалари ва улар ўрганувчи тадқиқот объектлари ҳақида борар экан, албатта, психология фани соҳасига тааллуқли бўлган ва унинг объекти билан боғлиқ бўлган бошқа фан муаммоларини ҳам ўйлаб кўриш керак бўлади. Хусусан, психология муаммолари инсон қизиқишлари билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам, бу масалаларнинг моҳияти инсон тили орқали ифодаланишини ҳисобга олиб, психологик тадқиқотлар қаторига лингвистик ҳодисалар таҳлилини ҳам қўшиш мумкин. Бунда ҳар иккала фан учун ўрганилувчи манба инсон руҳияти ва тафаккурини ўзида акс эттирган тил ҳисобланиши керак. Кишилар вербал ҳамда новербал мулоқот жараёнида ўзаро психологик муносабатга киришадилар. Алоқа воситаси ҳисобланган лисоний ва нолисоний воситалар орқали улар бир-бирларига таъсир кўрсатадилар. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги нутқий актлар билан боғлиқ ҳолда психик жараёнларнинг моҳияти очилиб боради. Булар ҳам психология нуқтаи назаридан, ҳам лингвистика нуқтаи назаридан тилга ва психологияга оид муаммоларни ўртага ташлайди. Натижада икки фан уйғунлигидаги тадқиқот объекти юзага келади ва унда психологик илмий парадигмалар тилга оид муаммоларни ҳам изоҳлаш учун хизмат қила бошлайди. Айни пайтда лингвистик илмий парадигмалар психологияга оид муаммоларни ҳал қилишда кўмак беради.

Психология фани ҳам, лингвистика фани ҳам борлиқдаги предмет ва унинг номи киши онгида ўзаро қандай боғланганлигини изоҳлашга ҳаракат қилади. Киши онгида мавжуд бўлган ном ва қоидалар, турли хил контекстда ўхшаш белгилари мавжудлиги учун ҳам, бошқа предмет ва ҳодисаларга нисбатан қўлланилади, уларни «қайта номлайди». Бу эса сўз семантик структурасидаги дастлабки маъно асосида сўз маъносининг кенгайишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам тилда метафора, синекдоха ва бошқа сўз маъноларининг кўчиши билан боғлиқ ҳодисалар юзага келади. Тилда бундай

лингвистик ҳодисаларнинг пайдо бўлиши кишилар хотирасида дунё ва унинг элементларини ассоциация қилиш ҳодисалари билан боғлиқдир.

Хотира, англаш, ассоциация каби тушунчалар психологик элементлар сифатида лисоний ҳодисаларни шакллантирувчи асос ҳисобланади. Агар инсон объектив оламни ҳис қилмаса, дунёдаги нарса ва ҳодисалар образини хотирада шакллантирмаса, уларни онгда идрок қилмаса, демак, у фикрламайди. Фикрламаслик, идрок қилмаслик, ҳис қилмаслик, дунёни онгда кўрмаслик киши руҳиятининг илдизи ҳисобланган психологик компонентларнинг ишламаслигидан далолат беради. Инсонда психологик компонент ва унинг элементлари мавжуд бўлмаса, инсон нутқи онг томонидан бошқарилмаса, талаффуз қилинган нутқ ёки тил мантиқи объектив олам мазмунини акс эттира олмайди. Шунинг учун ҳам лисоний бирликларнинг дастлаб психологик жиҳатдан, сўнг лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш асосида психолингвистик муаммолар ҳақида илмий хулосалар чиқариш масалаларнинг тўғри ҳал қилинишига олиб келади. Юқоридаги фикрлар асосида лингвопсихология ёки психолингвистика фани вужудга келганлиги исботланади.

Психолингвистика масалалари билан қизиқиш фанда XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўлганига қарамасдан, турли даврларда бу масала билан психологлар, лингвистлар, мантиқшунослар, баъзи ҳолатларда эса семиотиклар ҳам шуғулланганлар. Қайси даврда бўлмасин, психолингвистика масалалари билан шуғулланган барча мутахассислар бу фан муаммоларини ўз нуқтаи назарларидан таҳлил қилганлар. Яъни психологлар[4] психологик аспектда, лингвистлар тил нуқтаи назаридан, мантиқшунослар[5] мантиқий жиҳатдан, семиотиклар эса психолингвистик муаммоларни белги ва унинг хусусиятлари асосида таҳлил қилишга уринганлар. Шунинг учун ҳам психолингвистика шу кунга қадар ўзининг конкрет тадқиқот объектига ва аниқ муаммолар мундарижасига эга бўлмади. Бундай қараш А.Акишина томонидан ҳам алоҳида

4 Н.И.Жинкин. Речь как проводник информации. М., «Наука», 1982.

5 В.З.Демьянков. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода. //«Вопросы языкознания», 1994. №4. с.17-33.

таъкидланади[6]. Психолингвистикага бағишланган барча илмий асарларда ҳам мазкур фикрлар таъкидланган ҳолатларни кузатиш мумкин[7].

Психолингвистика фани лингвистик бирликлар таркибида ифодаланувчи ахборот мазмуни билан боғлиқ бўлади. Инсон тили орқали тасвирланаётган нутқ предмети психик қонуниятлари асосида таҳлил қилинади. Таҳлил материали эса тил фактларидан иборат бўлади. Лисоний воситалар орқали ифодаланаётган ахборот мазмунида, яъни лисоний шаклларда инсон психологияси билан боғлиқ маънолар таҳлилга тортилади. Шунинг учун ҳам тил жараёнларини тушуниш учун психик қонуниятларни ҳам билиш зарур бўлади. Одатда, кишилар ўзаро нутқий мулоқотга киришар эканлар, дастлаб бир-бирларининг психологияларига қулоқ соладилар. Инсон тили, нутқи, тасаввури, идроки шу даражада кучли ва ҳозиржавобки, ўзига қаратилган ифода мазмунидан сўзловчи психологиясини тез ўзлаштиради. Шунинг учун киши нутқида унинг руҳияти тез кўринади. Лингвопсихология фани эса психолингвистикага турдош илмий соҳа сифатида психологик ҳодисаларни лисоний фактлар таҳлили орқали амалга оширади. Ўқувчи, ўқитувчи психологияси деган тушунчалар уларнинг нутқлари орқали таҳлил қилинади.

Психолингвистика фани янги илмий парадигма сифатида қуйидаги муаммоларни ўртага ташламоқда: инсон нутқий хулқининг элементар механизмини тадқиқ қилиш. Масалан, нутқнинг фонетик томонининг яратилиши ва идрок қилиниши[8], шунингдек, нутқнинг семантик томонини тадқиқ қилиш ва бошқа лингвопсихологик муаммолар. Инсоннинг нутқий хулқи деган тушунча бирданига пайдо бўладиган жараён эмас. Инсонда тилнинг шаклланиш давридан бошлаб нутқий хулқ деган тушунча ҳам шакллана бошлайди. Булар миллий урф-одатлар, ҳаётий тажриба, кишилар

6 А.А.Акишина. Пособие по курсу «Введение в языкознание». М., 1969, с.40.

7 А.Леонтьев. Языкознание и психология. М., «Наука», 1966; А.Леонтьев. Психолингвистика. Л., «Наука», 1967; А.Нурмонов, Ш.Искандарова. Умумий тилшунослик. Андижон, 2007.

8 Л.А.Чистович, Н.И.Жинкинларнинг мазкур масалага бағишланган ишларига қаранг.

ўртасидаги ўзаро муносабатлар базасида шаклланади. Демак, ота-онага, раҳбарга, ўзидан каттага нисбатан нутқий мулоқотга киришиш миллий урф-одатлар асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам психологик ҳодиса ва жараёнлар нутққа нисбатан бирламчидир.

Тил психологияси ва халқ психологияси ҳақидаги таълимот шу асосда пайдо бўлганлигини инкор этиб бўлмайди.

Тил психологияси ва халқ психологияси тушунчалари фанда Г.Штейнталь, М.Лацарус, Вундт, Кассирер, Ф.Г.Финк номлари билан боғлиқ[9].

Ҳар қандай тилда ўша халқнинг руҳияти акс этади, ўша халқнинг психологияси кўзга ташланади. Шундан келиб чиқиб, тилшунос олим А.А.Акишина дунё тилларини психологик белгиларига қараб тасниф қилиш ҳақида уринишлар бўлганлигини алоҳида таъкидлайди. Масалан, немис тилшуноси Ф.Г.Финк тилларни 4 темперамент типига қараб таснифлашни таклиф қилган[10]. Бизнингча, гап психолингвистика йўналиши тўғрисида, унинг муаммолари ҳақида борар экан, бир-бирига алоқаси бўлмаган масалаларни ўзаро қориштирмаслик керак. Психолингвистика муаммолари билан тиллар таснифи масалалари мутлақо бошқа-бошқа соҳага тааллуқлидир. Бизнинг назаримизда, Ф.Г.Финкнинг темпераментнинг 4 типи ҳақидаги белгилар тиллар таснифи учун принципиал асос бўлмайди. Бу янги ғоянинг йўналишини ўзгартириш керак. Киши темпераментининг 4 типи унинг нутқи асосида таҳлилга тортилса, психолингвистика ёки лингвопсихология муаммоларининг доираси янада кенгаяди. Бундан келиб чиқиб, психолингвистикага оид терминология қаторига лингвотемпераментланиш, лингвохолерик, лингвосангвиник, лингвомеланхолик, лингвофлегматик каби атамаларни қўшиш мақсадга мувофиқдир. Айнан мана шу йўналиш доирасида шахсга хос психосоциолингвистик хусусиятларни ўрганиш фанда янги илмий парадигмаларни юзага келтиради.

Илмий парадигма тушунчаси барча фанлар учун хос. Психологик парадигма соф илмий психология ҳақидаги қарашлар билан боғлиқ

---

9 А.А.Акишина. Пособие по курсу «Введение в языкознание». М., 1969, с. 41.

10 А.А.Акишина. Кўрсатилган асар. 41-б.

назарияларнинг моҳиятини ташкил қилса, соф илмий лингвистика назариялари билан боғлиқ илмий парадигмалар ҳам ўз соҳасидаги қарашлар моҳиятини ифода этиш учун хизмат қилади. Ҳар бир фан мутахассислари ўз соҳалари доирасидаги билим ва кўникмалар асосида янги илмий тушунчаларни шакллантирадилар. Бироқ ҳамма фанда ҳам шундай мураккаб илмий парадигмага хос муаммолар мавжуд бўладики, уларни бир фан доирасидаги қоидалар билан ҳал қилиб бўлмайди. Бундай масалаларни ҳал қилишда икки ва ундан ортиқ фанлар нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу маънода психологик тушунча, тасаввур, қараш ва назариялар структурасида бошқа фанлар билан ҳамкорликда ҳал килинадиган муаммолар ҳам мавжуддир. Психология фанининг тадқиқот объекти ҳам, субъекти ҳам шахс ва унинг индивидуал психологик хусусиятларидан иборатдир. Бироқ ҳар қандай шахснинг индивидуал хусусиятлари асосан унинг атрофдагиларга бўлган муносабатида, фаолиятида намоён бўлади. Бундай муносабат вербал ва новербал воситалар ёрдамида юзага чиқади. Ушбу воситалар орқали шахслар ўзаро муносабатга киришадилар ҳамда у ёки бу тарзда бир-бирларига таъсир ўтказадилар. Шундай экан, инсон муносабати унинг нутқи, жест, кинетик ва фонацион воситалар ёрдамида юзага чиқишини ҳисобга олиб, илмий психология муаммолари қаторига лингвистика соҳаси билан боғлиқ муаммоларни ҳам қўшиш керак деган фикрни илгари суриш мумкин. Икки фанга тааллуқли тадқиқот масалалари бир нуқтада бирлашгани учун масалага ҳар икки фан нуқтаи назаридан ёндашиш илмий муаммоларни ҳал қилишда аниқ хулосаларга келишга ёрдам беради. Бундан ташқари, барча фанларда ҳам фаннинг сўнгги ютуқлари сифатида янги йўналиш ва соҳаларнинг пайдо бўлиши интеграциялашув жараёни тезлашишига туртки бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиладиган бўлса, фанларнинг барча соҳаларида бўлгани каби психология ва тилшунослик фанларида ҳам янги илмий йўналишларнинг пайдо бўлаётганлигини эътироф этиш мумкин. Шу маънода тилшунослик масалалари қаторида психологик тушунчаларни ҳам ҳисобга олиб тадқиқот ишларини олиб бориш ёки аксинча, психологик масалалар қаторида

лингвистик тушунчаларни ҳам ҳисобга олиш масалалар моҳиятини очишда қўл келади.

Психолингвистика тилшунослик ва психологиянинг бир қисми сифатида қаралмайди, у алоҳида, яхлит фан бўлиб, тил ва унинг психологик феномени сифатида тилшунослик ва психология предметининг мустақил фан соҳасини белгилайди.

Тилнинг система эканлигини унутмаслик керак. У ўзининг мана шу хусусияти билан бутун инсоният ўртасида коммуникатив, аккумулятив ва экспрессив вазифалар бажаради. Тилга хос бундай вазифалар билан боғлиқ муаммоларни биргина фан нуқтаи назардан ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам психология ва тилшунослик фанлари оралиғида янги илмий йўналиш аллақачон шаклланиб улгурди. Бу илмий йўналиш фанда психолингвистика номи билан аталди. Психолингвистика фани ҳақидаги дастлабки тушунчалар ва қарашларни изоҳловчи баъзи назариялар яратилган. Психолингвистика фанининг мутахассиси ҳар икки фан назарияларини мукаммал даражада билиши билан характерланади. Шундай психолингвистлардан бири А.А.Леонтьевдир.

Психолингвистика фанининг тадқиқот объекти нутқий ҳодисалар ёки нутқий ҳолатларнинг барчасини ташкил қилиши алоҳида эътироф этилади. Шунинг учун ҳам бундай масалалар икки фан уйғунлиги асосида тадқиқ этилиши зарур. Психологик ва лингвистик тушунчаларни ҳисобга олиб, лингвистик бирликлар ҳамда психологик бирликлар умумийлиги асосида психолингвистик бирликлар каторини шакллантириш янги илмий парадигманинг моҳиятини ташкил қилади. Психолингвистик бирликлар тадқиқида янги метод ва методологияни ҳам ҳисобга олиш зарур. Психолингвистика методлари бевосита психология фанининг методлари базасида ташкил топган бўлиб, биринчи навбатда, эксперимент методларни қамраб олади. Бундан ташқари, кузатиш ва ўз-ўзини кузатиш методларидан доимо фойдаланиш керак. Шунингдек, тилшуносликка дахлдор методлар ҳам янги фан муаммоларини тадқиқ қилишда қўл келади. Хусусан, лингвистик бирликлар тадқиқи Фердинанд де Соссюр тили билан айтганда, ассоциатив таҳлил орқали амалга оширилади. Ассоциация мавжуд эмас экан, психологик тахлилни ҳам, лингвистик таҳлилни ҳам

амалга ошириб бўлмайди. Психолингвистика соҳасида тил ва нутқ ҳодисаларини экспериментал методлар ёрдамида таҳлил қилиш мукаммал илмий хулосалар чиқариш учун асос бўлади.

Экспериментал методлар энг объектив анъанавий тажриба методи бўлиб, психолингвистика соҳасидаги тадқиқотларни амалга оширишда фундаментал характерга эга. Бундан ташқари турли ассоциатив методлар ҳам қўлланилади. Ҳар қайси метод қўлланилганда ҳам, натижаларни қайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш муаммоси пайдо бўлади. Ишончли натижаларга эришиш учун ишлаб чикилган хулосалар қиёсий таҳлилларга эга бўлиши талаб қилинади. Қиёсий таҳлил ўтмишда мавжуд бўлган бир белгининг кейинчалик шаклланган иккинчи белгига ўхшашлиги ва айни пайтда фарқли жиҳатлари асосида амалга оширилади. Бу эса инсон хотирасида тасаввур деган янги бирликни шакллантиради. Тасаввурнинг шаклланиши учун шахсда ассоциатив идрок мавжуд бўлиши лозим. Бу тушунчалар таъсирида вербал ва новербал воситалар юзага келади. Психолингвистика фани масалалари эса шаклланган нутқда тил бирликларининг киши хотираси, идроки, тасаввурида ўзига хос белгиси билан фаоллашувига боглиқ бўлади. Кўринадики, қиёслаш тушунчаси идрок билан боғлиқ семиологик бирликларга бориб тақалади. Бундан келиб чиқадики, психолингвистик бирликларнинг фундаментал илмий асоси семиотика ҳақидаги назариялар билан боғланади. Демак, қўлланилган тадкикот методининг қуввати ва аҳамияти ўта муҳим бўлиб, бу ҳақда Л.В.Сахарнийнинг «...турли тажриба методларини қўллаш ва олинган натижаларни таккослаш шарт» деган қатъий фикр беришини жуда ҳам ўринли деб ҳисоблаш мумкин.

Тилшунослик фанига тааллуқли бўлган экспериментал таҳлил усулини психолингвистикада қўллаш технологиясини Л.В.Щерба ишлаб чиққан. Чунки у тилшуносликда биринчилардан бўлиб, фаннинг предмети ва моҳиятини белгилашда психологизм ғоясини илгари сурган етакчи олимлардан биридир. Унинг қарашларида модул қандай текширилаётганлигини ўрганишда лингвистик ва психолингвистик методлардан қандай фойдаланилганлигини чегаралаш ғояси мавжуд эди. Тадқиқот технологиясида модул тилга хос бўлса, тилшуносликка оид экспериментларда тил

имкониятлари ёки нутқий фаолият шакли сифатида, унда психолингвистик экспериментлар мавжуд бўлади, деб эътироф этилган. Л.В.Щербанинг психолингвистик тадқиқотлар методологиясида шакллантирувчи экспериментлар ҳам мавжуд бўлиб, у тил имкониятларинигина эмас, балки тилнинг шаклланиш жараёни билан боғлиқ ҳодисаларни ҳам ўрганади.

Шундай қилиб, психолингвистика янги йўналиш сифатида шаклланиб бормоқда. У бир неча фанларнинг объектив қонуниятларига бўйсунади, бир неча фанларнинг назарияларига асосланган лисоний бирликлар илдизини ташкил қилувчи идрок, тасаввур, фикр-мулоҳаза кабиларни ўрганувчи янги фандир. У нутққа оид жараёнлар, шунингдек, нутқни идрок қилиш, унинг шаклланиш шартлари ҳамда тил билан боғлиқ томонларини ҳамда ўзаро муносабатини ўрганиши билан характерлидир. Психолингвистика предмети бўйича тилшуносликка, тадқиқот методлари бўйича психологияга тааллуқлилиги билан ажралиб туради. Психолингвистика нуқтаи назаридан тил гапираётган, тинглаётган, ёзаётган, ўқиётган кишининг ички дунёсида рўй бераётган ҳолат ва ҳодисалар, улар билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этади. Демак, психолингвистика «ўлик», «сунъий» тиллар билан эмас, балки табиий, жонли, ижтимоий асоси мавжуд бўлган тиллар тадқиқи билан шуғулланади. Шунинг учун ҳам тил нутқ, коммуникация ва билиш жараёнлари билан боғлиқ хусусиятларни тадқиқ этади. Буларнинг барчаси психолингвистика фанининг амалий характерга эгалигини белгилайди.

## ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРИХ

Тилшунослик бошқа ижтимоий фанлар каби тарих фани билан яқин муносабатда бўлиб келади. Тил фактларини тарихий шарт-шароит ва воқеаларга таяниб тадқиқ қилади. Тил фактларининг диахрон аспектдаги тадқиқи тилнинг ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Тил доимий тараққиётда, даврлар ўтиши билан тил семантик жиҳатдан, грамматик жиҳатдан, шаклий жиҳатдан ўзгариб боради. Шунинг

учун ҳам лисоний бирликлар таҳлилида диахрон лингвистиканинг ўрни каттадир. Тилнинг луғат таркиби, грамматик структурасини қиёслаш икки аспектда амалга оширилади. Масалан, эрамиздан олдинги III асрда яратилган қўлёзма манбалардаги тил билан ҳозирги кундаги тил фактларини қиёсий ўрганиш тилда рўй бераётган ўзгаришларни кўрсатиб беради. Бу эса тилшунослик фанида тил тарихи билан боғлиқ соҳанинг ривожланишига маълум бир ҳисса бўлиб қўшилади. Тил тарихи халқ тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли уни халқ тарихидан айро ҳолда ўрганиб бўлмайди. Тил тарихи, айниқса, луғат таркибига катта таъсир ўтказади. Сўзлар таҳлилидан қизиқарли тарихий материаллар топиш мумкин. Масалан, *картошка* сўзини олайлик.

Европаликлар *картошка* билан XVI асрда Колумб Американи кашф этганидан сўнг танишганлар. Америка ҳиндулари уни *patata* деб номлашган. Испанлар картошкани Европага олиб келиб, уни худди шу ном билан аташган, инглизлар бу номни бироз ўзгартириб, *potato* деб номлашган. Европанинг бошқа халқлари картошканинг ташқи кўринишига қараб ном қўйишган: французлар – *pommes de terre*, яъни *ер олмаси*, итальянлар – *tartufolo – ер қўзиқорини* деб номлашган. Немислар мазкур сўзни итальян тилидан ўзлаштириб, унинг талаффузини бироз ўзгартириб, *kartoffel* деб аташган. Рус тилига мазкур сўз немис тилидан *картофель* шаклида ўтган бўлса-да, халқ тилига мослашиб *картошка* шаклига эга бўлган. Кейинчалик ўзбек тилига ҳам худди шу шаклда ўтган.

*Помидор* сўзининг тарихи ҳам *картошка*никига ўхшаш. Америкадан Европага келтирилган помидорни чиройлилиги ва ширалилигига қараб, *pommes de amur* (*ишқ-муҳаббат олмаси*) деб номлашган, Италияда унга *pomidoro*, яъни *тилла олма* номини беришган. Лекин шу билан бирга помидор ўз ватанидаги номи *tomate* (томат)ни ҳам сақлаб қолган.

Тилшунослик археология билан ҳам яқин алоқаларга эга. Тилшунослар турли ёзувларни ўқиб беришади, сўзлар ҳамда улар ифодалаган нарсаларнинг келиб чиқишини тушунтириб беришади. Ўз навбатида, нарсалар тарихи сўзлар тарихини изоҳлашга имкон беради. Нарса ва сўзнинг яқин алоқаси тилшуносликда «сўз таржимаи ҳолини» ўрганувчи **сўз ва нарса** йўналишининг

шаклланишига олиб келган. Масалан, Россияда Пётр I даври тарихий воқеаларини яхши билиш рус денгизчилари тилида голланд тилидан ўзлашган кўп сўзларнинг маъносини тушунишга имкон беради, болгарлар тарихини билиш эса мазкур тилда туркий элементлар кўплигининг сабабларини тушунтириб беради.

Сўз нарса маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. XIX аср немис тилшуноси Г.Шухардт шундай деб ёзган эди: «Нарса ўзи учун мавжуддир, сўз эса нарсага боғлиқ равишда мавжуд, акс ҳолда бу қуруқ товушдир». Сўз нарса билан боғлиқ ҳолда ривожланади, вақт ўтиши билан сўз маъносида, сўзнинг шаклий структурасида ўзгаришлар юз беради. Масалан:

1. *Сенат* сўзи *senex – оқсоқол* сўзи билан боғлиқ. Тарихчи учун бу факт кадимги Римда давлат органи *оқсоқоллар кенгаши* бўлганлигидан далолат беради.

2. Рус тилидаги *гвоздь* сўзи *мих* маъносини берса, чех тилида *hvozd* сўзи *ўрмон*, литва тилида *verdas – тўқмоқ,* латиш тилида *vèzda – калтак* маъносини англатади.

Мазкур сўзларнинг ўзаги битта бўлганлиги қачонлардир мих дарахтдан қилинган, деган хулоса қилишга имконият беради.

3. Исландия ороли Европа материгидан ажралганлиги сабабли, исланд тили герман тиллари ичида ўзига хос алоҳида ўринга эга. Тилнинг ривожланиш суръати бошқа герман тилларидан кескин фарқ қилади. Исланд тили деярли ўзлашган сўзларга эга эмас ҳамда мазкур тилнинг бугунги тил эгалари X-XI аср сага[11]ларини бемалол ўқий оладилар ва тушунадилар.

Рус тилидаги пул муомаласи билан боғлиқ сўзлар тарихи янада қизиқарлидир. Пул маъносини ифодаловчи *деньги* сўзи туркий тиллардан ўзлашган бўлиб, *танга* сўзидан олинган. *Танга* маъносини ифодаловчи *монета* сўзи лотин тилидан ўзлашган: *moneo – эсга солмоқ, эътибор қаратмоқ.* Қадимги римликлар маъбуда Юнонани ер қимирлашидан огоҳ қилганлиги учун шундай номлашган. Унинг шарафига Юнона ибодатхонаси қурилган бўлиб, шу ерда пул зарбхонаси ҳам очилган. *Moneo* сўзи *танга* маъносини

11 Сага (қадимги скандинав тилида – ривоят, достон, қисса) – XIII-XIV асрларда қадимги исланд тилида ёзилган, скандинав халқлари тарихи ва ҳаёти ҳақида маълумот берувчи адабий асарлар.

ифодалай бошлаган.

Инсоният тарихининг ибтидоий босқичларида кўпинча пул вазифасини турли нарсалар, кўпгина халқларда эса турли жониворлар бажарган. Масалан, Исландияда пул вазифасида треска балиғи, Эфиопияда туз, Перу ва Боливияда қалампир, Филиппинда гуруч, Россияда чорва бажарган. Шунинг учун қадимги рус тилида *скотница – хазина, скотник – хазиначи* сўзлари бўлган.

Кейинги босқичда Россия мўйна пули даврини кўрсатиш мумкин. Яъни қадимги рус пулларининг номлари мўйнали ҳайвонлар номидан келиб чиққан: *куна – куница (сувсар), векша – веверица (олмахон)*дан.

Металл тангалар пайдо бўлиши билан улар тилда ўз аксини топа бошлайди. Пул вазифасини турли зеб-зийнатлар – кулон, узук, билагузук ва ҳоказолар бажара бошлайди. Уларни ифодалаш учун *гривна – грива (бўйин), золотник – тилла қуймаси, серебреник – кумуш қуймаси* каби сўзлар қўлланилади.

Мазкур кумуш қуймаларини кичрайтириш, бўлиш натижасида *полтина – тақсимланган, рубль – чопилган* сўзлари пайдо бўлган.

*Копейка* сўзи XVI асрда пайдо бўлган, унинг шундай номланишининг сабаби мазкур тангадаги найза ушлаган суворий тасвири билан боғлиқ.

XVII асрда рус тилида *ефимка* номли танга пайдо бўлган. Бу сўз немис тилидан ўзлашган. 1518 йилда Германиянинг Иохимтале шаҳрида зарб қилинган тангани *Ioachimstaler* деб номлашган. Россияда мазкур сўзнинг биринчи қисми *Ioachim*ни ўзлаштириб, *ефимка* тангасини жорий қилишган бўлса, бошқа тилларга сўзнинг иккинчи қисми ўтиб, *талер* шаклида, кейинчалик эса бу сўздан *доллар* сўзи келиб чиққан. Юқоридаги таҳлиллар натижасида микролингвистиканинг таркибий қисми ҳисобланган этимология соҳаси ҳақидаги илмлар юзага келади.

Аслида, этимология соҳасининг ривожланиши стоиклар қарашлари билан боғлиқ. Тилшунослик фанининг дастлабки тадқиқотлар даврида тарихий манбалар таҳлили тўғри ўқиш, тўғри талаффуз қилиш тушунчалари билан боғлиқ бўлган. Шунга кўра стоиклар сўзни талаффуз қилиш жараёнида уни таркибидан бирламчи маънони, ҳозирги тил билан айтганда, бирламчи ўзакни

қидирганлар. Бундай ҳаракатлар лингвистикада этимология соҳасининг шаклланишига туртки бўлган. Шунинг учун ҳам тилшунослик ва тарих фанлари ўртасидаги тадқиқотлар тўғрисида сўз борганда ўз-ўзидан этимологик таҳлилларга мурожаат қилинади.

Тил тарихини ўрганиш халқ тарихини тиклашга ҳам ёрдам беради. Бунда **глоттохронология методи**дан фойдаланилади. Бу метод ҳақидаги тушунчалар тарих илми билан узвий боғлиқдир.

Тарих фани учун асосий муаммо бу саналар таҳлили масаласидир. Шунинг учун тарихчилар саналарни аниқлашнинг объектив ва мос методларини топишга ҳаракат қилишади. Улар қадимий ёзма ёдгорликлар, археологик қазилмаларидаги ёзув ва бошқа ахборот берувчи белгилардан янги маълумотлар излашади. Лекин ёзма ёдгорликларда улар истаган белгилар мавжуд бўлмаса, фактлар улар сўраган ахборотни бермаса, археологик нуқтаи назардан янги методларга мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Бунинг учун археологлар ўзлари учун керак бўлган сана даврини аниқлашда радиокарбон парчаланиши даврига суянадилар. Чунки фанда барча тирик организмларда радиокарбон миқдори бир хил миқдорда эканлиги исботланган. Ўлик организмда эса радиокарбон миқдори аста-секинлик билан камайиб боради. Шундай қилиб, «радиокарбон соат» организм жисмоний ўлиши билан ўз ҳисобини бошлайди. Қанча кўп вақт ўтса, ўлик организмда шунча углерод миқдори камайиб боради. Мазкур метод туфайли тарих соҳасида кўпгина саволларга жавоб топилган.

Тил фактлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда эса радиокарбон методини қўллаб бўлмайди, мавжуд ёзма ёдгорликлар ҳам инсоният тарихи олдида унчалик қадимий эмас.

Америкалик тилшунос М.Сводеш шундай тил «соати»ни топди. Унинг методи глоттохронология[12] ёки лингвостатистика методи деб номланади. М.Сводеш тилда шундай лексик ядро, ҳаётий зарур сўзлар борки, улар жуда секин ўзгаради, деб таъкидлайди. Маълумки, лексик бирликлар жуда тез ўзгаради, лекин лексик ядро жуда секин ва бир хил тезликда ўзгаради. М.Сводеш ва Р.Лиз мазкур

12 Глоттохронология – юнонча *glossa* (тил) + *hronos* (вақт) сўзларидан олинган.

ўзгарувчанликни ҳисоблаб чиқишган. Уларнинг кўрсатишича, 1000 йил давомида лексик ядродаги сўзларнинг 85 фоизи ўзгармай сақланиб қолади.

Демак, икки қариндош тил луғатлари олиб қиёсланганда, улар қачон бир-биридан ажраб мустақил ривожлана бошлаганлигини аниқлаш мумкин бўлади. Тилшуносликда мазкур метод глоттохронология ёки лексикостатистика дейилади. Масалан, М.Сводеш Шимолий Америкадаги қариндош эскимос ва алеут тиллари 2900 йил олдин бир-биридан ажраганлигини аниқлади[13]. Юқоридаги маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, тил фактларининг диахрон аспектдаги таҳлили турли хил методлардан, агар гап икки фанга алоқадор муаммолар тўғрисида борса, ҳар иккала фан методларидан ўрни билан фойдаланиш зарур бўлади. Глоттохронология ёки лексикостатистика методи лингвистика ҳамда тарих соҳаларига тааллуқли метод ҳисобланади. Тадқиқот материали билан ишлаш жараёнида янги ва турлича методлар шаклланиши ҳам мумкин.

Тилшунослик ва тарих фанларининг ўзаро алоқадорлиги, айниқса, қадимги ёзув ва матнларни ўқишда яққол намоён бўлади. Ёзув инсоният ҳаётида маданий бурилиш ясаган. Ёзув туфайли жамоавий тафаккур юзага келган, йиғилган билим ва тажрибалар авлоддан-авлодга ўта бошлаган, шунингдек, инсоният ўтмишига, халқлар тарихидаги маълумотларни билишга имконият яратилган.

Масалан, XIX аср охири – XX аср бошларида Кичик Осиёда тош ва сопол буюмларда, лойдан тайёрланган лавҳаларда номаълум тилда ёзилган матнлар топилган. Бир неча мамлакатлар олимларининг саъй-ҳаракатлари билан мазкур матнларни ўқишга эришилгандан сўнг улар қадимги хетт тилида ёзилганлиги ва энг муҳими бу тил ҳинд-европа тилларига қариндош эканлиги аниқланди. Бу эса қиёсий-тарихий тилшунослик соҳасида янги ёрқин кашфиётлар қилиш имкони борлигига ишора қилади.

Америка қитъасидаги қадимги майя халқи ёзувининг ўқилиш тарихи ҳам қизиқарлидир. Бу ёзув тури, тили, қандай ёзилганлиги ҳақида Колумб давридан бошлаб олимлар ўртасида турли,

13 М.Сводеш. Лексикостатистическое датирование доисторических этнических контактов. «Новое в лингвистике». Выпуск №1. М., 1960, с.26.

баъзан бир-бирини инкор килувчи тахминлар мавжуд бўлган. 1952 йили рус олими Ю.В.Кнозоров майя ёзувини ўкиш ишлари билан шуғуллана бошлади. Бунинг учун у кадимги испан тилини ўрганди, майя халқи тарихига оид ўнлаб китобларни ўқиб чиқди, Хитой, Миср, Месопотамия ёзув тизимларини таҳлил қилиб чиқди. Шунингдек, матн бошида берилган майя календарини ўрганиб чиқди. Ю.В.Кнозоров майя ёзувини иероглифик ёзув деб тахмин қилган ҳолда, матндаги барча белгиларни таснифлаб чиқди. Масалан, деҳқончиликка оид сўзлар, ўсимликлар, сув, ҳайвонлар номини ифодаловчи сўзлар гуруҳларини фарқлади.

Ю.В.Кнозоров кандай қилиб майя белгиларини ўқиб чиққанлигига бир мисол келтирамиз: *экмоқ* белгиси маълум, кейинги белги нотаниш. Мазкур белги «*маккажўхори*» сўзини ифодалайди деб тахмин қилинди. Нима учун айнан маккажўхори?

Биринчидан, маккажўхори майялар етиштирадиган асосий ўсимлик тури эканлиги тарихий маълумотлардан аниқланган.

Иккинчидан, майя календарига мувофиқ, бу айни маккажўхори экадиган вақт бўлган.

Учинчидан, матн остида маккажўхори худосининг расми берилган.

Жумланинг таржимаси қуйидагича бўлган: «Ёш маккажўхори худоси Кавил оқ лойдан ясалган идишларни пиширмоқда».

Мазкур таржима кейинчалик В.А.Устинов томонидан машина таржимаси учун яратилган дастур таржимаси билан ҳам тасдиқланди.

## ТИЛШУНОСЛИК ВА ФИЗИОЛОГИЯ

Тилшунослик физиология билан ўзаро алоқага эга. Чунки нутқ жараёнида инсоннинг ҳам асаб тизими, ҳам сезги органлари, ҳам нутқ органлари, ҳам мушаклар тизими фаолият кўрсатади. Санаб ўтилган инсон организми аъзолари ва уларнинг ҳаракати тадқиқ этилиши бўйича физиология фанига оиддир. Тилшунослик фани эса инсон тили ва унинг талаффузи билан боғлиқ хусусиятларни тадқиқ қилади. Бунда у бевосита нутқ товушлари талаффузи

ҳамда талаффузда иштирок этувчи органлар фаолияти билан ҳам шуғулланишга мажбур. Шу нуқтаи назардан, дейлик, каттик ёки юмшоқ танглай, товуш пайчалари структураси ва фаолиятини дастлаб физиологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган маълумотларга эга бўлиш бу органлар фаолияти натижасида ҳосил бўлган товушларнинг артикуляцион хусусиятларини очиб беришда қўл келади. Шунинг учун ҳам лингвистикада артикуляцион фонетика ҳақидаги илмнинг ривожланишига тилшунослик ва физиология соҳалари методлари асосида олинган илмий хулосалар асос бўлиб хизмат қилади.

Чақалоқ организми, айниқса, нутқ товушларини талаффуз қилишда иштирок этадиган органлар бола туғилиши биланоқ ўз фаолиятини бирданига бошламайди. Бунинг учун бола дастлаб сезги органлари орқали борлиқдаги нарса, ҳодиса, воқеага хос хусусиятларни ўзлаштириши, онгда идрок қилиши, талаффуз шакллари моделларини хотирада жойлаштириши зарур. Қачонки бола хотирасида талаффуз модели, лингвистик бирликлар модели, предметлар образи ўртасидаги фарқлар моделлари пайдо бўлса, шундагина унда нутқ элементлари шакллана бошлайди. Болалар нутқига хос *талаффуз элементлари моделлари мавжуд* бўлганлиги учун ҳам фанда «болалар нутқи» деган тушунча ва соҳа шаклланди. Артикуляцион фонетикада нутқ органлари фаолияти таҳлил қилинади. Агар бу ҳодиса икки тил ўртасидаги қиёсий таҳлил билан боғланса, типологик артикуляцион фонетика вужудга келади. Нутқ органларининг статистик тадқиқи қайси орган қачон ўз фаолиятини бошлаши ҳақидаги саволга ҳам жавоб беради.

## ТИЛШУНОСЛИК ВА ТИББИЁТ

Тиббиёт илми мия фаолиятининг бузилиши нутқ фаолиятининг бузилишига олиб келишини илмий нуқтаи назардан асослаб берди. Тилшунослик билан тиббиёт ўртасидаги алоқалар натижасида фанда нейролингвистика соҳаси шаклланди. Дунё тилшунослигида бу соҳанинг мутахассислари сифатида Макс Дакс, Поль Брок, Карл Вернике, А.Р.Лурия, Т.А.Ахутина, Л.В.Сахарний, Р.О.Якобсон,

Т.В.Черниговскаялар эътироф этилган. Нейролингвистикада нутқий фаолиятга таъсир кўрсатувчи омиллар билан боғлиқ хусусиятлар ўрганилади. Мазкур йўналиш билан боғлиқ тадқиқотларда психология, неврология ва лингвистика фанлари уйғунлиги асосида нутқий фаолиятнинг мия механизми ҳаракати ҳамда миянинг айрим қисмлари шикастланиши натижасида вужудга келадиган нутқий фаолият шакллари ўрганилади.

Тилшунослик учун бош мия айрим қисмларининг шикастланишидаги нутқий фаолият бузилишлари, афазия[14] ҳақидаги маълумотлар муҳимдир. Бу белги остида нутқнинг бузилиши, тиббиёт тили билан айтганда, нутқ фалажи ҳақидаги тушунча ифодаланади. Нутқ аппарати шикастланмаган бўлиши мумкин, бироқ инсон сўзларни талаффуз қилиш қобилиятини йўқотади. У лаблари, тили, пастки жағи билан ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириши мумкин, лекин нутқ органларини бошқарувчи мия фаолиятига алоқадор структура тизимида бузилиш юз берган бўлса, нутқий фаолият амалга ошмайди. Умуман олганда, лингвистика тадқиқ этадиган нутқий фаолият ва унинг маҳсули ҳисобланган инсон тили мия тизими структураси томонидан бошқарилади. Мия системаси инсоннинг ҳаракатларини, барча сезги органлари қаторида нутқ органлари фаолиятини ҳам бошқаради. Нутқ органлари бошқарилиши икки структурага ажратилади. Дастлаб нутқ органлари ҳаракатининг бошқарилиши, сўнгра нутқнинг мантиқий ва мазмуний структурасининг бошқарилиши. Нутқий шаклларни ҳосил қилишда иштирок этувчи мия нутқнинг мантиқийлигини ҳам назорат қилади. Мия тизимида шу механизм бузилса, инсон томонидан ҳосил қилинаётган нутқнинг мазмуни борлиқдаги тушунчаларга номувофиқ бўлади. Агар мантиқий механизм бузилмаган бўлса, нутқнинг мазмуний структураси мантиқийлик асосида шаклланади.

1861 йили француз хирурги Брока нутқни бошқариш маркази мия чап ярим палласининг маълум бир қисми – пешана қисмининг пастки бурмасида, тил, лаб, жағ ва бўғиз ҳаракатларини умумий бошқариш марказларидан ажралиб жойлашганлигини аниқлади.

---

14 Афазия – (юнонча) *а* – эмас + *fasis* – нутқ.

Мазкур «Брока маркази»нинг лат ейиши нутқ кўникмаларининг йўқолишига олиб келади.

Афазиянинг бошқа шакли нутқий карлик ҳам бўлиши мумкин. Инсоннинг эшитиш қобилияти шикастланмаган бўлишига қарамай, унга қаратиб айтилган нутқни тушунмайди. Сўзлар унга тўлқинлар шовқини каби маъносиздир. Бу сафар ҳам эшитиш қобилияти эмас, балки эшитишни бошқарадиган махсус нутқ маркази фаолияти бузилганлиги, шикастланганлиги сабаб бўлади. Мазкур нутқнинг эшитиш маркази 1874 йили немис физиологи Верникe томонидан умумий эшитиш марказидан алоҳида жойлашган мия чап ярим палласининг чакка бурмасида топилганлиги эътироф этилган ва у «Верникe маркази» деб номланган.

Ҳар икки ҳолатда – нутқий ҳамда эшитиш қобилияти афазиясида – нутқ учун зарур бўлган махсус ақлий функциялар фаолияти бузилади. Аниқланишича, «Верникe маркази»даги асаб-мия ҳужайралари радиоприёмникка ўхшаб фаолият олиб боради. Улар нутқ товушларида сўзларни ташкил қилувчи бирикмаларни ушлаб олиб, мазкур сўзларни «танийдилар», идрок қиладилар, улар онгда ассоциацияланади. Худди шундай «Брока маркази»даги ҳужайралар сўзларни лаб ва тилнинг тегишли ҳаракатларига ўтказадилар. Лекин кейинги тадқиқотларда булар инсон миясидаги ягона марказлар эмаслиги қайта-қайта таъкидланмоқда.

Тиббиёт ходимлари нутқни ташкиллашда иштирок этадиган бош миянинг янги қисмларини аниқлашмоқда. Мазкур кашфиётлар тилшуносларга тилнинг мураккаб механизмларини тушунишга имкон бермоқда.

И.М.Сеченов ва И.П.Павловларнинг таълимоти нутқ физиологияси соҳасига ойдинлик киритди. Уларнинг иккинчи сигнал тизими ҳақидаги таълимоти гапириш ва англаш жараёнларини тушунтириб беради.

Биринчи сигнал тизими, яъни моддий ташқи таъсирга жавоб деган тушунчалар ҳайвонларда бўлгани сингари инсонларда ҳам мавжуддир. Лекин инсон ҳайвондан фарқли равишда иккинчи сигнал системасига ҳам эга. Бу предметнинг ўзи каби англанадиган ва мияга таъсир қилувчи сўз маъноси, тасаввурга жавобдир.

Масалан, инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам ёнғиндаги оловнинг визуал

шакллари бир хил таъсир қилади, бу жараённи вербал ахборот системаси орқали амалга оширилса, ҳайвонларга таъсир қилиш даражаси бир хиллиги кузатилмайди. Лекин «Ёнғин, ёнғин» деган қичқириқлар инсонга ёнғиннинг визуал шакллари каби таъсир кўрсатади.

Нейролингвистика фанининг шаклланиши юқоридаги ҳодисалар тадқиқи билан амалга оширилади.

## КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб тилшуносликда «машина таржимаси», «машина тилшунослиги», «инженер лингвистикаси» каби атамалар қўлланила бошланди. Ва соҳага оид дастлабки тушунчалар шаклланди. Машина таржимаси ёки автоматик таржима дейилганда, бир тилдаги матнни иккинчи бир тилга компьютер орқали тез таржима қилиш назарда тутилади. Машина таржимасининг асосчилари муҳандис ва математик олимлар бўлиб, кейинчалик бу ишда тилшунослар ҳам фаол қатнаша бошлаганлар. Шу тариқа машина таржимаси ғоялари бутун дунёда назарий ва амалий тилшуносликнинг ривожланишида катта аҳамият касб этди. Формал грамматика назарияси юзага келиб, тил ва унинг алоҳида аспектлари моделини яратишга эътибор қаратилди. Тилнинг бу жиҳатлари математик лингвистика фанида ишлаб чиқилиб, бу ўз навбатида, компьютер лингвистикаси фанининг юзага келиши учун пойдевор бўлди. Демак, шу асосда тилшуносликнинг янги йўналиши бўлган компьютер лингвистикаси ва тилшуносликнинг бир қатор назарий ва амалий йўналишлари вужудга келди.

Компьютер лингвистикаси фанининг асосий мақсади лингвистик муаммоларни компьютер технологиялари ёрдамида ҳал қилишдан иборат бўлиб, бу компьютер дастурларини яратиш билан боғлиқ бўлади. У тилшуносликнинг амалий йўналишларидан бири бўлиб, матнга компьютер ёрдамида ишлов бериш билан боғлиқ вазифаларни бажаради. Компьютер лингвистикасининг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) чет тилларни ўқитиш;

b) билимларни текшириш;

c) матнларни турли жиҳатдан автоматик таҳрирлаш;

d) машина таржимаси учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш;

e) луғатларни ва компьютердаги матнни статистик таҳлил қилиш.

Булар компьютер лингвистикасининг ўзига хос йўналишлари деб эътироф этилади. Хорижда ва Россияда компьютер лингвистикасига оид амалга оширилган тадқиқотларнинг кўлами жуда кенгдир. Ўзбекистонда эса бу соҳага етарлича эътибор берилмаган ва ҳозирча бу соҳани ривожланган деб бўлмайди. Ўзбек тили материаллари бўйича компьютер лингвистикасига оид тадқиқот олиб борган олимлар сифатида С.Ризаев ва С.Муҳамедовларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Олимлар, асосан, статистик таҳлил йўналиши бўйича изланишларни амалга оширганлар. Ўзбек тилшунослигидаги компьютер лингвистикасининг бошқа йўналишлари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Шунга кўра, бугунги кунда ўзбек тилшунослигида компьютер билан боғлиқ ҳолда ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги вазифаларни таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

1) ўзбек тили луғат системаси асосида компьютер дастурларини ишлаб чиқиш;

2) интернет механизмига мос бўлган ахборот моделларини ишлаб чиқиш;

3) интернет сайтлари яратишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини белгилаш;

4) ўзбек тили электрон системаси базасида компьютер изоҳли ва таржима луғатларини яратиш;

5) дарсликларнинг электрон версиясини ишлаб чиқиш;

6) компьютерда инглизча-ўзбекча таржима дастурларини ишлаб чиқиш;

7) компьютердаги матнларни автоматик таҳрирлаш дастурларини яратиш.

Кўринадики, юқоридаги вазифаларни бажариш учун тилшунослар ва компьютер мутахассисларининг ҳамкорлиги талаб қилинади.

## ТИЛШУНОСЛИК ВА КИМЁ

Лингвистика кимё фани қоидалари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик қилади. Шу нуқтаи назардан лингвистик бирликлар ўртасидаги парадигматик ҳамда синтагматик муносабатнинг шаклланишида кимёга дахлдор бўлган тадқиқотлар, тушунчалар ёки методлар кўмакка келади. Бизга маълумки, кимё йўналишида валентлик назариясига дахлдор ҳодисалар моддалар бирикуви жараёнида юз берадиган ҳодисаларни тадқиқ қилади. Бир модданинг иккинчи бир моддага қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган янги модданинг структур элементлари тадқиқ этилади. Тилшунослик соҳасида ҳам киши хотирасида мавжуд бўлган парадигматик бирликларнинг нутқий жараёндаги синтагматикаси кимёдаги валентлик назарияси асосида бошқарилади.

Парадигматика элементлари бир-бири билан бирикиш жараёнида ўзлари бажарадиган функционал хусусиятлари базасида дифференциацияланади ва бирикиш жараёни юз беради. Натижада парадигматик бирликлар структурасида мавжуд бўлган денотатив маъно базасида янги коннотатив маънолар шаклланади. Бу гўёки кимёдаги бир модда билан иккинчи бир модданинг бирикишига ўхшайди. Масалан, «бахтиёр гадолар» бирикмасида ноодатий боғланиш жараёни рўй берган бўлса-да, жумланинг ҳам мантиқий, ҳам грамматик жиҳатдан тўғрилиги кўзга ташланади. Аслида эса, *гадо* деган сўз билан *бахтиёр* деган сўзнинг боғланиш имкониятлари мавжуд эмасдек туюлади. Профессор Низомиддин Маҳмудов ўзининг «Сўз эстетикаси» номли китобида «Ёлғончи фаришталар» асаридан бир жумлани келтиради: «Бу училичше дегани зўр нарса. У ерда бепул овқат берилади, бепул кийим-бош берилади, бепул стипендия берилади». Ушбу жумлада сўзларнинг ўзаро бирикишида ноодатий ҳолат, номантиқий боғланиш бордек туюлади. Бироқ валентлик назарияси ва парадигматика қоидалари асосида «бепул стипендия» каби аналогик боғланиш ҳамда унинг идроки муваффақиятли амалга оширилган.

Мантиқан олганда, бундай модель асосида сўзларнинг ўзаро бирикиши мумкин эмас. Жумла таркибидаги бўлакларда аналогик парадигма мавжуд бўлганлиги учун ноодатий бирикишда мавжуд

қоидалардан чекинилган. Сўзларнинг валентлик назарияси асосида ўзаро бирикиши натижасида лексик-семантик валентлик тушунчаси шаклланади. Масалан, *бошинг ишлайдими* ва *калланг ишлайдими* бирикувларида тўғри қўлланилган сўз шакли, аксинча, нотўғри қўлланилган шаклга нисбатан ноодатий боғланиш ҳолатини содир этади. Бу эса денотатив структуранинг илмий таҳлили билан боғлиқ. *Бош* сўзида фикрлаш семаси, *калла* сўзида эса фикрламаслик семаси мавжуд. Бу маънолар сўзлар бирикувида сўзловчининг коммуникатив нияти бошқаруви асосида ўзаро ҳам парадигматик, ҳам синтагматик жиҳатдан муносабатга киришади. Лексик-семантик валентлик деган тушунча мана шу ҳодисалар таҳлилида юз беради. Агар тилда бундай қоида мавжуд бўлса, уни лингвистиканинг бошқа соҳаларига ҳам татбиқ қилиш мумкин.

Синтактик валентлик назарияси, грамматик валентлик назарияси каби тушунчалар ҳам шу асосда шаклланади. Тилдаги сўзлар лексик ёки грамматик маънодаги умумий ёхуд ўхшаш белгилари билан маълум типларга бўлинади. Сўзлар ўртасидаги алоқалар маълум ўхшашлик ва тематик алоқадорлик муносабати асосда амалга ошади. Масалан, *гапирмоқ, сўзламоқ, айтмоқ, пичирламоқ* кишиларнинг тушунчасида семантик структура жиҳатидан ўхшашлик алоқаси асосида бир лексик-семантик гуруҳни ташкил қилади. Кўп маъноли сўзлар бир вақтнинг ўзида бир қанча лексик-семантик ва тематик гуруҳларга тегишли бўлиши мумкинлиги билан ажралиб туради. Луғавий бирликларнинг ўхшашлик асосидаги эмик белгилари ва улар ўртасидаги синтагматик муносабат тилда валентлик деб юритилади. Лексик-семантик, синтактик ва грамматик валентлик назариялари шу сатҳ бирликларининг парадигматик белгилар асосида ўхшашликларга эга бўлиши орқали юз беради. Валентлик назариясининг асоси лингвистик бирликлар ўртасидаги ўзаро бирикувдаги ассоциатив ўхшашлик ва ассоциатив фарқланиш тушунчалари билан изоҳланади. Бу назариядан ўрни билан тилшуносликнинг барча қоидаларида фойдаланиш мумкин.

Маълумки, сўз алоҳида олинганда алоқа воситаси бўлолмайди. Унинг функциялари нутқ жараёнида юзага чиқади. Бу эса ўз-ўзидан сўзларнинг ўзаро бирикув табиати билан боғлиқ бўлади. Сўз маъноси лексик-семантик ва мантиқий-семантик қатламлардан

иборат бўлади. Мантиқий-семантик қатламга тегишли бўлган компонентлар сўз маъносининг лексик-грамматик ва синтагматик структурасини белгилайди. Буни ўрганишда сўз валентлигини аниқлашнинг аҳамияти катта.

Сўзларнинг бошқа бирликлар билан бирикишида сўз маъноларининг аҳамияти катта. Масалан, *мевали, зилол, дарахт, сув* сўзларини атрибутив усулда бириктирадиган бўлсак, *мевали дарахт* ҳамда *зилол сув* бирикмаларини ҳосил қилишимиз мумкин. *Мевали сув* ва *зилол дарахт* бирикмасини тузсак ҳам, грамматик бирикув қонуни бузилмайди, бироқ сўзларни фақат грамматик қоидалар асосидагина бириктириб бўлмайди. Нутқ жараёнида сўзларнинг бир-бирига бирикиб келишида нограмматик омилларнинг роли ҳам каттадир. Шунингдек, сўзларнинг ясовчи қўшимчалар қабул қилиши ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. *Гул+истон* – гулистон, *тош+лоқ* – тошлоқ дейиш тўғри, лекин *гуллоқ, тошистон* деб бўлмайди. Демак, нутқда сўзларнинг бошқа сўзларга бирикувида ҳам, уларнинг ясовчи қўшимча қабул қилишида ҳам сайлаш элементи (хусусияти) бор. Сўзлар грамматик модель тақозо этган қўшимчалардан фақат ўзига кераклиларинигина қабул қилади. Бу хусусият **сўз валентлиги** дейилади[15].

***Валентлик*** сўзнинг бошқа элементлар билан синтактик алоқага кириша олиш имкониятидир. Валентлик кўпгина олимлар томонидан тил бирликларининг ўзаро бирикиш имконияти сифатида тан олинган бўлса-да, бир-биридан фарқ қиладиган талқинлар ҳам мавжуд. Валентлик назарияси билан боғлиқ масалалар нафақат тилшунослик соҳасида, балки мантиқ, психология, эстетика соҳаларида ҳам қўлланилади. И.Р.Гальперин сўз валентлигини кимёвий элемент хоссалари билан қиёслайди: кимёвий элементлар ҳам баъзи элементлар билан бирика олиш имкониятига эга, баъзилари билан эса бирика олмайди[16]. И.Г.Ольшанский, С.Д.Кацнельсон, В.Г.Адмони, Б.А.Абрамов, И.Эрбен, Г.Хельбиг, Л.Теньер каби тилшунослар валентлик тушунчаси ҳақида ўзларининг турлича фикрларини айтиб ўтганлар. И.Қўчқортоев сўз маъноси – идеал

---

15 И.Қ.Қўчқортоев. Сўз валентлиги ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1973. №3, 34-40-б.

16 И.Р.Гальперин. К проблеме необычных сочетаний слов. М.,1978.

ҳодиса, валентлик – материал ҳодиса деб таъриф беради. У сўз маъносини бевосита кузатиш мумкин эмас, сўз валентлигини эса бевосита кузатиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Валентлик тушунчаси функционал (динамик) синтаксис назарияси билан боғлиқ. Француз олими Л.Теньер валентликни фақат феъллар орқали таҳлил қилар экан, функционал (динамик) синтаксисни категориал (статик) синтаксисга қарама-қарши қўяди[17]. Валентлик тушунчаси дастлаб феъл бошқаруви табиатини текшириш жараёнида шаклланди. Феъл бошқаруви тилнинг синтактик қурилишига тегишли бўлган соф синтактик тушунчадир. Валентликда сўзларнинг грамматик табиати биринчи планга қўйилмайди, балки муайян сўзнинг бошқа сўзларни ўзига бириктира олиш хусусиятлари асосий ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, дастлаб валентлик феългагина тааллуқли деб ҳисобланган. Бириктирувчи (таянч) сўз сифатида феъл ўрганилган. Л.Теньер феълга бирикиб келувчи сўзларни **актантлар** деб номлаган. У феъл узелида қатнашувчиларни *1-актант, 2-актант, 3-актант* деб атаган. *1-актант* – феълда ифодаланган ҳаракатни амалга оширувчи субъект бўлиб, у эга тушунчасига яқин. Бу актант *агенс валентлиги* деб ҳам юритилади. Феълда ифодаланган ҳаракат таъсирига тушувчи эса 2-актант бўлиб, объект, мазмун валентликларига тўғри келади. 3-актант – ҳаракат қаратилган объект, у нутқ феъллари доирасида *адресат валентлиги* атамаси билан қўлланилади. Бизнингча, валентлик назариясининг моҳияти синтактик бирликларда кўзга яққол ташланади. Юқоридаги феъл валентлиги ҳақидаги қарашларга эътироз билдирмаган ҳолда қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Предикатив бирликларда ҳоким бўлакнинг грамматик структурасида валентлик ўринларига эга бўлган грамматик формалар тобеланувчи бўлакларнинг мантиқий, семантик ва грамматик кўрсаткичлари саналади. Масалан, кесим вазифасида қўлланган ҳар қандай сўз тури грамматик қаторида грамматик формалар эксплицит ёки имплицит ҳолда мавжуд бўлади. Булар ўзи боғланаётган сўзларнинг гапдаги ўрни ва тартибини белгилайди.

---

17 И.Қ.Кўчкортоев. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. Т., 1977.

Гапда бўлаклар қўлланадими ёки йўқми, грамматик валентлик назарияси қоидалари ана шу бўлакларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини белгилайди. Бу жиҳатдан грамматик валентлик назарияси бошқа сатҳга хос бўлган шундай қарашлардан бироз фарқланади. Аммо бу назарияга оид умумий белги сифатида лисоний бирликларнинг синтактик бирикиш имкониятлари асос қилиб олинади.

Юқоридаги фикрлардан сўзнинг грамматик функциялари билан семантик валентликлари бир хил экан, деган хулосага келиб қолмаслик керак. Масалан, нутқ феълининг агенс валентлиги эга воситасида ҳам, аниқловчи (қаратқич) воситасида ҳам ифодаланиши мумкинлигини таъкидлаб, И.Қўчқортоев қуйидаги мисолни келтиради: *студент гапирди – студентнинг гапириши.*

Семантик валентликларнинг синтактик реаллашадиган ва синтактик реаллашмайдиган турлари мавжуд. Синтактик реаллашмайдиган феъллар кўп эмас. Масалан: *Содиқжон онасига ёрилди.*

Синтактик реаллашадиган валентликларнинг ўзи ҳам икки хил бўлади: қагъий реаллашадиган валентликлар, факультатив реаллашадиган валентликлар. *Демоқ* феълининг мазмун валентлиги қатъий реаллашади, у гапда кўчирма гапсиз қўлланилмайди. Ўзбек тилида кўп феъллар факультатив валентликка эга.

Сўз бирикмаси грамматик (синтактик) ҳодиса бўлса, сўз валентлиги лексик-семантик ҳодисадир. Бунда сўзларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Муайян сўзга бирикиб ё қўшилиб келадиган элементлар характерига, бирикиш ва қўшилишнинг тил структурасида тутган ўрнига караб, ички ва ташқи валентликлар фарқланади.

*Ички валентлик* – маълум сўзнинг ясовчиларни сайлаб қабул қилиши. Бу ҳодиса сўзнинг маъносига, адабий нормага ва экстралингвистик факторларга боғлиқ бўлади.

*Ташқи валентлик* – нутқда сўзнинг бошқа сўз билан бирикиб келиши.

Р.Расулов *валентлик – ички имконият, потенция, синтактик алоқа эса унинг воқе бўлишидир*, деб таъриф беради. Шунингдек, валентлик – тил ҳодисаси, синтактик алоқа – нутқ ҳодисаси;

валентлик – моҳият, синтактик алоқа – ҳодиса; валентлик – умумийлик, синтактик алоқа – хусусийлик; валентлик – сабаб, синтактик алоқа – натижа эканини таъкидлайди[18]. Лексик валентлик синтактик валентликка нисбатан конкрет бўлади.

Р.Расуловнинг фикрича, «Валентлик…танлаш имкониятига эга, у сўзлар орасидаги синтактик алоқани таъминлайди. Яъни сўз валентлиги субстанциал ҳодиса сифатида сўзнинг доимий ички хусусияти бўлиб, бу хусусият нутқ фаолиятида, сўзларнинг ўзаро боғланишида юзага келмайди. У нутққача, яъни тилда – тил бирлиги сифатида сўз семантик структурасида мавжуд бўлади, яшайди, чиқишга тайёр имконият тарзида сақланади. Нутқда эса ушбу имконият ҳаракатга келади, намоён бўлади, турли нутқ бирликларида ўзининг аниқ ифодасини топади».

С.Муҳамедова ўзининг докторлик диссертациясида валентлик назариясининг икки (имплицит ва эксплицит) босқичларини кўрсатиб ўтар экан, валентлик ҳақидаги фикрларнинг куртаклари қадимги араб, юнон ва ҳинд тилшунослигига бориб тақалишини таъкидлайди.

Валентлик назарияси бўйича немис тилшунослигида йирик ишлар қилинди. Жумладан, И.Эрбен феъл валентлигини синтактик нуқтаи назардан тасниф қилди. У феъл талаб қилган қатнашувчилар сонига қараб 4 хил гап қолипларини ажратади. Шахссиз феълларни бир валентли феъллар сирасига киритади.

Б.Абрамов эса феълларни семантик реляцион ва конфигурацион валентликлар асосида гуруҳларга ажратади. С.Муҳамедова И.Эрбен ва Б.Абрамов таснифини ўзаро қиёслаб, Б.Абрамов фикрларини немис тилидаги феъллар тизимининг синтактик таснифи, деб ҳисоблайди.

Немис олими Г.Хельбиг валентлик назариясининг такомиллашувига катта ҳисса қўшди. У валентликни тавсифлаш назариясини ишлаб чиқди. Ҳозирда тилшуносликда феъл, сифат ва отнинг турли семантик гуруҳлари валентлиги устида тадқиқотлар олиб борилябти. Валентлик назарияси Германия тилшунослигида, асосан, семантик аспектда ўрганилмоқда.

---

18 Р.Расулов. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Т., 1989.

Ҳар қандай синтактик алоқа реаллашган валентликдир. Яъни синтактик алоқаларнинг юзага келишини валентлик белгилайди.

Феъл-кесим нутқдаги вазиятга қараб ўз актантларини қабул қилади. Актантлар, шунингдек, гапнинг бирор бўлаги вазифасини ҳам ўтайди. Шу жиҳатдан семантик валентлик ва синтактик валентлик фарқланади.

Сўзда бир семанинг бошқа бир сўз маъносининг мантиқий семаси билан мос бўлиши ҳамда шу сўз билан бирикиш имкониятининг юзага чиқиши семантик валентликдир. Г.Хельбиг таърифи билан айтганда, «Семантик валентлик маънонинг алоҳида семалари чатишувига асосланади»[19]. Л.Теньер дастлаб валентликни синтактик нуқтаи назардан ўрганади. У гап марказига феълни қўйиб, эганинг бош бўлак сифатидаги ролини инкор этди. Бироқ С.Муҳамедованинг таъкидлашича, «феъл кесим семантикасига асосланган валентликни юзага чиқарувчи актантларни тадқиқ этиш ва уларни гапнинг синтактик бўлакларига татбиқ этиш қулайроқ».

Семантик ва синтактик валентликдан ташқари **мантиқий** валентликнинг ҳам мавжудлиги Г.Хельбиг томонидан эътироф этилади. У тилга оид бўлмаган тушунчалар муносабати бўлиб, сўзда унинг бирикув имконияти намоён бўлмайди. Сўзнинг валентлиги шу сўз маъносига мантиқий ёндашув орқали англанади. Шунга кўра унинг актантлари танланиб, сўзлар бирикади. Масалан, *он читал* боғланишидаги *читал* сўзида III шахсни талаб қилувчи валентлик йўқ. Мантиқан бу ҳаракатни шахс бажаради, шунинг учун у олмош билан синтактик алоқага киришган. Бироқ мантиқий валентлик ҳинд-европа тиллари учун хос бўлиб, ўзбек, умуман, туркий тилларда мавжуд эмас. Чунки ўзбек тилида *келдим* деган сўзда ҳам шахс, ҳам сон, ҳам замон валентликлари англашилиб туришини С. Муҳамедова таъкидлаб ўтади.

Туркий тилларда унинг ўрнига грамматик шакл категорияси мавжудлиги эътироф этилган. «Грамматик шакл валентлиги деганда аффиксал морфемаларнинг бирикиш қобилияти тушунилади. У моҳиятан лексик (семантик) валентликка ўхшашдир, лекин умумийлик даражасига кўра семантик валентликдан анча юқори

---

19 Helbig G. Valenz, Semantik und Satzmodelle. S. 99.

бўлиб, категориал умумлашмалар даражасидадир. Жумладан, қаратқич келишигининг морфемаси ўзидан кейин келган эгалик қўшимчаси билан бирика олиш валентлигига эга ва сўз бирикмаси таркибида қаратқич ҳамда эгалик қўшимчаларининг валентлиги мувофиқлашади; сўзлараро маъновий муносабатлар меъёрий-номеъёрийлигидан қатъи назар, грамматик шакл валентлиги воқеланиши мумкин»[20]. Феълларнинг **воситали** валентлик деб аталмиш яна бир валентлик кўриниши борки, унинг асоси анча муаммоли. Масалан, *ўқиш учун мактабга бордим* қурилмасида *ўқиш учун бордим* феъл бошқаруви қандай валентлик ҳисобига бириккан? *Мактаб* сўзи *ўқиш* сўзи билан «*таълим*» архисемаси асосида классемани таркиб топтирган. *Бормоқ* феъли мақсад билдирувчи аргументга фақат ўрин актанти воситасида бирика олади. Чунки феълнинг шу валентлиги ўрин актанти семантикасига таянади, унинг воситасида мақсад билдирувчи аргумент учун имкониятга эришади (С.Муҳамедова).

Валентлик назариясининг **эмотив** валентлик деб аталмиш яна бир тури борки, бу мавзу биринчи марта ўзбек тилшунослигида С.Муҳамедованинг «Ҳаракат феълларининг эмотив валентлиги» мақоласида жиддийроқ тадқиқ этилди[21]. Бизга маълумки, сўз семантик тузилиши денотатив (аташ), коннотатив (ифодавий) ва функционал (вазифавий) семаларни ўз ичига олади. С.Муҳамедованинг таъкидлашича, эмотив валентлик сўзнинг эмоционил-экспрессив оттенкасига асосланади. Баъзан бирикувчи ёки бириктирувчи лексемалар маънолари мувофиқ келмагани ҳолда, улар нутқда бирикиши мумкин. Бунда меъёрий валентлик бузилиб, кўчма маъно ҳосил бўлади. Семантик валентликда сўзлар денотатив маъноларига кўра бириксалар, эмотив валентликда кўчма маънолари (эмоционал семалари) асосида бирикадилар.

Эмотив валентликни ҳам семантик валентликнинг бир кўриниши деб ҳисоблаш мумкин, деб таъкидлайди С.Муҳамедова. Лекин ҳамма кўчма маънолар ҳам эмоционал сема бўлавермайди. Масалан, *мен кумуш қошиқлар сотиб олдим. – Кулга кўмдим олтин*

---

20 М.Курбонова. Ҳозирги замон ўзбек тили. Содда гап синтаксиси учун материаллар. –Т., Университет, 2002, 25-бет.

21 «Ўзбек тили ва адабиёти», 2002, 4-сон, 24-27-б.

*фурсатларимни* (М.Юсуф). Эмотив валентликда сўзлар айнан эмоционал семаларга эга кўчма маънолари орқали бирикади.

Эмотив валентликка эга бўлган сўз кутилмаган, ноодатий бирикувларда иштирок этади. Мантиқий-семантик аспектда мумкин бўлган айрим бирикувлар эса коннотатив аспектда номувофиқ эмосемалар туфайли бирика олмаслиги мумкин.

Масалан, *ўпмоқ* феъли ҳиссиёт билан боғлиқ лексема бўлиб, лабни бирор юзга тегизиш ҳаракатини англатади. Фақат шахс бу феълнинг агенс валентлиги реализатори бўлиб келиши мумкин. Аммо ушбу феъл бадиий нутқда, асосан, шеъриятда ўз эмосемалари орқали бошқа предметлар билан ҳам бирикиб келишини учратамиз. Масалан: *Товонинг ўпади ариқдаги сув, кўйлагинг этагин ўпади майса (*М.Юсуф*).* Ушбу мисолда субъект валентлиги – агенс (сув) билан *ўпмоқ* феъли ноодатий тарзда боғланиб келяпти. Бу лексемалар таркибини ҳосил қилган семаларни таҳлил қилиб кўриш орқали фикримизга янада аниқлик киритиш мумкин:

Ўпмоқ – *лаб чўзмоқ, эркалаш, чўлпиллатиш, майин тегиш, ёқимлилик, ардоқлаш, ҳурматлаш (қўлини ўпмоқ);*

Сув – *суюқлик, шаффоф, тоза, лойқа, ичимлик, ҳаёт, ариқ, канал, дарё, денгиз, океан, шаршара, жилға, шилдираш, чўлпиллаш, сузмоқ, майин тегиш, ёқимли, тошқин, чўмилмоқ, ювинмоқ ва ҳок.*

Бирикмада ҳар икки компонентга тегишли чўлпиллаш, майин тегиш, ёқимлилик каби умумий семалар воситасида эркалаш, ардоқлаш, ҳурматлаш (товонинг ўпади) маънолари ўзаро кесишяпти. Сувни жонлантириш, унга шахснинг хусусиятларини бериш орқали субъект валентлиги – агенс ўрнида бемалол қўлланиляпти. Америка дескриптивисти Г.Глиссоннинг таъкидлашича, эмосемалар ёки эмотив маъноларнинг юзага чиқишида ўша тилга хос интонация муҳим роль ўйнайди. Ҳар қандай тилда интонация гап структурасида мавжуд бўлган эмотив хусусиятларга эга бўлган сўзларга таъсир этишдан ташқари хабар мазмунида ҳазил, киноя, пичинг, ҳурмат, ишонч каби бошқа нозик маъно оттенкаларини ифодалаши мумкин.

## ТИЛШУНОСЛИК ВА ПАРАЛИНГВИСТИКА

Тилшунослик фани кишилар ўртасидаги алоқа воситаси ҳисобланган инсон тили масалалари билан шуғулланади. Шунинг учун ҳам бу фан тил ҳақидаги илм деб номланади. Кишилар ўзаро алоқа-аралашув, мулоқот жараёнида бир-бирлари билан ахборот алмашадилар. Мана шу ахборотни ифодалашда тил воситалари устуворлик қилади. Лингвистик воситалардан ташқари яна шундай алоқа воситалари мавжудки, улар ҳам маълум маънода алоқа воситаси вазифасини бажаради, улар ахборот узатувчи воситалар сифатида эътироф этилади. Шундай воситалар сирасига инсон аъзоларининг ҳаракатлари билан алоқадор ахборот ифодалашда иштирок этадиган имо-ишоралар киради. Тилда улар паралингвистик воситалар деб номланади. Айрим адабиётларда бундай воситаларни паратил атамаси билан ҳам юритишади. Бу икки тушунчани фарқлаш ва уларга хос қоидалар билан атамаларни изоҳлаш шу соҳадаги илм тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Паралингвистика атамаси нолингвистик воситалар ҳақидаги фан бўлиб, тилга ёндош ҳодиса деган маънони ифодалайди. Паратил атамаси ифодалаган тушунча остида эса лисоний воситалар орқали амалга оширилаётган алоқа жараёнида иштирок этувчи новербал воситаларгина тушунилади.

Яқин йиллардан бошлаб антропологлар, психологлар, филологлар, маданият тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар томонидан паралингвистика масалалари ўрганиб келинди. Паралингвистика йўналиши бўйича кўрсатиб ўтилган тадқиқотларда унинг таркибига кинесиканинг жестдан то пантомимагача бўлган кўринишлари, фонациянинг сўзлаш жараёнидан овоз санъатигача, нутқий ситуация билан боғлиқ новербал шакллари ўрганилган. Кинесика масалаларининг илмий тадқиқи билан боғлиқ дастлабки тажрибалар Ч.Дарвин ишларида кўзга ташланади[22]. Паралингвистика илмида тана аъзоларининг ахборот ифодалашдаги иштироки ёки ҳаракати кинесика деб юритилади. Тилга ёндош ҳодиса ҳисобланган имо-ишоралар тил пайдо бўлгандан бери

---

22 Г.В.Колшанский. Паралингвистика. М., «Наука», 1974, с.10.

мавжуд ва ундан одамлар нутқнинг таъсирли бўлиши учун фойдаланиб келганлар. Шунингдек, имо-ишоралар нутқ орқали ифодаланган ахборот мазмунини компенсация қилишда иштирок этади. Паралингвистика ҳақидаги илмий йўналишнинг пайдо бўлганига ҳеч қанча бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан, бу масалалар билан шуғулланиш даври анча илгари бошланган. Нолисоний воситалар тадқиқига лисоний бирликларда бўлгани каби семиотик нуқтаи назардан қараш зарур бўлади. Бу анъана паралингвистика ҳақидаги жаҳон тилшунослигида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларида кўзга ташланади. Р.Бедвистелл инсон тана ҳаракатлари системасини кинесика деб номлади, Э.Холл проксемика ва зоосемиотика тилларини фарқлашга ҳаракат қилган, бу ҳам нолисоний алоқалар соҳасига оид масалаларга тегишлидир. В.Стоко карлар тили билан боғлиқ масалалар билан шуғулланди. Фанда бу *сурдо тили* деб номланади. Юқоридаги барча соҳалар новербал воситалар ёки ҳаракатлар мазмуни билан изоҳланади. Бу жиҳатдан олинадиган бўлса, кишиларнинг либослари ифодалаётган ахборотлар масаласи билан ҳам шуғулланиш зарур. Уларни умумий тартибда экстралингвистик воситалар деб юритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек тилшунослигида профессорлар А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, М.Саидхоновларнинг илмий тадқиқотларида тилнинг система эканлиги ҳақидаги назарий қарашлар алоҳида ўрин тутади. А.Нурмоновнинг лингвистик таълимоти марказида семиотик нуқтаи назар устуворлик қилади. 1980 йилда «Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида»ги илмий рисолада ўзбек тилшунослигида илк маротаба паралингвистик воситаларнинг ўзига хос хусусияти кўрсатиб ўтилади ва келгусида шу соҳадаги тадқиқотлар учун янги йўналишлар кўрсатиб ўтилади. Профессор А.Нурмонов ушбу йўналишда тилшуносликнинг янги соҳаси имо-ишораларни ўрганувчи лингвистик бўлмаган экстралингвистик воситаларнинг имплицит воситалар эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бу билан прагмалингвистика ҳақидаги ғояни ўртага ташлайди. Ахборотнинг ифодаланиши тил структурасига оид ҳодиса эканлигини, шу билан бирга, унинг таркибидаги фонацион воситаларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтади.

Паралингвистика ҳакидаги фан шу йўналишнинг янги соҳаси фонацион воситалар ҳақидаги қарашлар билан бойитилади. А.Нурмонов Аҳмад сўзининг 16 хил талаффузи орқали ифодаланадиган интонема[23]ларни кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга, интонема фонацион восита сифатида лингвистик ва паралингвистик бирликларни боғлаб турувчи восита эканлигини тушуниш мумкин. Фонацион воситалар нутқ темпи билан боғлиқ бўлганлиги учун лисоний бирликлар қаторида таҳлилга тортилади. Фонацион воситаларнинг иккинчи хусусияти паралингвистик бирликлар қаторида тадқиқ этилишидир. Бу ҳақда рус тилшуносларидан Г.В.Колшанский паралингвистик ҳодисалар ёки паралингвизмларга, одатда, товушнинг фонацион белгилари ҳам тааллуқли эканлигини таъкидлайди. Айни пайтда нутқий ифодаларга ёндош бўлган ҳамда қўшимча ахборот ифодаловчи имо-ишоралар, мимика ҳамда бошқа ифодали хатти-ҳаракатлар[24] новербал воситалар сирасига киради.

Инсон артикуляциясининг ўзига хослиги шундан иборатки, у ифодани ҳосил қилиш жараёнида бирданига икки структурани шакллантиради. Ана шу икки структурадан биринчиси фонетик бирликлар орқали моддийлашган лингвистик структура ҳисобланади, иккинчиси эса оҳанг ёрдамида моддийлашадиган нолисоний бирликлардан иборат бўлган паралингвистик структуралардир. Ҳар иккала бирликлардаги шаклий ва мазмуний структуралар ўртасидаги оралиқ ҳолатни фонацион воситалар деб аташ мумкин бўлади. Профессор А.Нурмонов интонемалар ҳақида фикр юритар экан, ҳам нолисоний, ҳам лисоний восита ҳисобланган интонациянинг маъно ифодалашдаги ўрнини паралингвистика ҳақидаги қарашларида алоҳида таъкидлайди. Гарчи паралангвистика борасидаги қарашларда фонацион воситалар ҳақида аниқ фикр билдирмаган бўлса-да, новербал воситалар ҳақидаги тезисларда бу воситалар ҳақидаги фикрлар кўзга ташланиб туради. Бу жиҳатдан унинг просодик элементлар ҳақидаги қарашлари профессор Аюб Ғуломов қарашлари билан узвий боғланади.

---

23 А.Нурмонов. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. Андижон, 1980, 5-б.

24 Г.В.Колшанский. Паралингвистика. М., «Наука», 1974, с.33.

Бизнингча ҳам, фонацион воситалар коммуникатив бирликлар таркибига киради. Бу нутқ органлари ёрдамида шакллантирилувчи, инсоннинг овоз тембрида намоён бўлувчи маънолардир. Овоз интонациясида лингвистик бирликнинг кўзга ташланмаслиги бир жиҳатдан унинг лингвистикага ёндош ҳодиса эканлигини исботласа, овоз интонацияси структурасида имо-ишора, мимика, жест каби хусусиятларнинг кўзга ташланмаслиги ва унда айни оҳангнинг мавжуд эмаслиги паралингвистик воситаларга ёндош ҳодиса сифатида эътироф этилади. Демак, фонацион воситаларни паралингвистик бирликларнинг алоҳида шакли сифатида кўриш ва ўрганиш мумкин.

Олим ушбу йўналишдаги тадкикотларида лингвистик ва паралингвистик воситалар ҳақида фикр юритар экан, паралингвистик воситаларни ҳам белги деб эътироф этади. Лингвистик белги тушунчаси А.Нурмонов томонидан қуйидагича изоҳланади: лингвистик белги икки томонлама психик моҳият бўлиб, тушунча ва акустик образ ўртасидаги муносабатдан ташкил топган[25]. Лингвистик белги акустик образ билан инсон тасаввурида ҳосил бўлган тушунча ўртасидаги муносабатни ташкил килиши паралингвистик воситаларга нисбатан бериладиган таъриф моҳиятини шу парадигма асосида шакллантиришга ёрдам беради. Демак, имо-ишора ва инсон тасаввуридаги тушунча ўртасидаги муносабат белги моҳиятини ифодалайди ва бундай фикрни семиотик тил билан визуал образ ва тушунча ўртасидаги муносабат деб талкин қилиш мумкин бўлади. Визуал образ паралингвистикага мос келади, у ифодалаган тушунча эса новербал концептга мос келади. А.Нурмонов қарашларини давом этирар эканмиз, паратил шаклларини учга ажратиш мумкин: фонацион воситалар, кинетик воситалар ва жестикулятив воситалар.

Паралингвистик воситаларни систем хусусиятлари ҳам шу соҳадаги назариялар моҳиятини ташкил қилади. Шу маънода имо-ишора тили ва матн, имо-ишора тили ва нутқ, паралингвистика ва семиотика деган тушунчалар паралингвистик тадқиқотларнинг мантиқий давомини ташкил қилади.

---

25 А.Нурмонов. Лингвистик таълимотлар тарихи. Т., 2012, 101-б.

## *АМАЛИЙ БЎЛИМ*

## ТИЛШУНОСЛИК ФАНИ ВА УНИНГ ПРЕДМЕТИ

1. Тилшунослик фани нимани ўрганади?

*a) тилни тил бирликларини ташкил этувчи компонентлари, мазмуни ва бошқа хусусиятлари нуқтаи назаридан тадқиқ этади;*

*b) тил системаси ва нутқ ҳодисаларини статистик қўллаб ўрганувчи соҳа;*

*c) тил ҳақидаги, унинг ижтимоий табиати, функцияси, ички структураси, классификацияси ҳақидаги, конкрет тилларнинг иш кўриш қонунлари ва тарихий тараққиёти ҳақидаги фан;*

*d) бирор тил элементининг характерли хусусиятлари, қўлланиш имконияти чегарасини ўрганади.*

2. Нима сабабдан натурализм, психологизм, логицизм, социологизм, структурализм каби лингвистик оқимлар ва мактаблар вужудга келди?

*a) фаннинг предмети, моҳияти, тил табиатини ҳар хил тушуниш асосида;*

*b) фанни кенгроқ ёритиш мақсадида турли тарафдан ёндашув натижасида;*

*c) фанда юз бераётган турли муаммолар сабабли;*

*d) олимлар томонидан яратилаётган турли назариялар сабабли.*

3. Тилшунослик фанида нутқ фаолиятининг турли аспектларини ўрганадиган қандай янги соҳалар вужудга келди?

*a) социолингвистика;*

*b) психолингвистика;*

*c) этнолингвистика;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

4. Нима сабабдан тилшуносликда нутқ фаолиятининг турли аспектларини ўрганадиган психолингвистика деган янги соҳа шаклланди?

*a) тилшуносликдаги мавжуд муаммоларни тилшунослик ва психология фанлари уйғунлигида ўрганилаётганлиги сабабли;*

*b) инсон руҳий кечинмаларини нутқ орқали баён этилиши туфайли;*

*c) тилшунослик ва психология фанларини бир-бирига узвий боғлаш сабабли;*

*d) нутқнинг инсон онгига боғлиқлиги сабабли.*

5. Тилшунослик фани нима сабабдан фалсафа, психология, тарих каби ижтимоий фанлар каторига киради?

*a) тилнинг моҳияти, унинг мазмуни жамият билан боғлиқлиги;*

*b) тил жамият томонидан яратилиб, унга хизмат қилади;*

*c) тил-ижтимоий ҳодиса;*

*d) тил мураккаб объект ҳисобланиб, у муҳим алоқа қуролидир.*

6. Натурализм оқимининг асосчиси ким ва у кандай ғояни илгари сурган?

*a) Г.Пауль, «Тил фақат индивидга хос ҳодиса»;*

*b) Август Шлейхер, «Тил – табиий ҳодиса»;*

*c) Фердинанд де Соссюр, «Тил – ижтимоий ҳодиса»;*

*d) Вилгельм фон Гумбольдт, «Тил – руҳий ҳодиса».*

7. Структурализм оқими қандай назария таъсирида вужудга келди?

*a) Ф.де Соссюрнинг тилнинг мураккаб зиддиятларга бой, кўп томонлама ҳодиса эканлигига асосланган умумий тилшунослик назарияси;*

*b) Бодуэн де Куртенэнинг тилнинг статик ва динамик аспектлари ҳақидаги назарияси;*

*c) Ф.де Соссюрнинг «Тил субстанция эмас, балки формадир», деган тезиси;*

*d) Бодуэн де Куртенэнинг «Фонема тилдаги товушларнинг психик эквиваленти», деган психологик-фонология назарияси.*

8. Ф.де Соссюрнинг лингвистик қарашлари берилган жавобни топинг:

*1. Тил кишилик жамиятида бажарадиган функциясига кўра алоқа қуролидир.*

*2. Тил фикрни ифодалайдиган воситадир.*

*3. Тил – ижтимоий ҳодиса.*

*4. Ички тузилишига кўра тил соф белги-ишоралар системасидир.*

*5. Тил ва нутқ индивидуал ҳодиса.*

*6. Ижтимоий табиати жиҳатидан тил маданий, психологик ижтимоий ҳодисадир.*

*7. Тилшунослик фанининг объекти шартли ишоралар системаси бўлган тилни ўрганишдир.*

*8. Тилшунослик семиология каби фанлар қаторига киради.*

*9. Инсоннинг нутқ фаолияти бир томонлама, шунинг учун тил нутқ фаолиятининг бир томонини ташкил этади.*

*10. Тил нутққа зиддир.*

*11. Синхроник аспект ва диахроник аспект ўзаро боғлиқдир.*

*12. Диахроник аспект ўрганадиган объект системани ташкил қилмайди,синхроник аспект тилнинг системасини ўрганади.*

*13. Тилшунослик фанининг асосий вазифаси ва предмети тил лингвистикасини ўрганишдан иборат.*

*14. Тил субстанция эмас, балки формадир.*

*15. Тилшунослик фанининг асосий вазифаси тилнинг ички қурилишини ўрганадиган ички лингвистикадир.*

*a) 1,2,3,4,6,7,8,10,11,14;*

*b) 1,2,3,4,5,7,8,9,10,11,13,14,15;*

*c) 1,2,3,4,7,8,10,11,12,13,14,15;*

*d) 1,2,3,4,7,9,10,11,12,14,15.*

9. «Тил – табиий ҳодиса», деган олим ким?

*a) Вилгельм фон Гумбольдт;*

*b) Август Шлейхер;*

*c) Бодуэн де Куртенэ;*

*d) Ф.Ф.Фортунатов.*

10. Ф. де Соссюрнинг назариясида асосий антиномия нима?

*a) маъно антиномияси;*

*b) тил антиномияси ва маъно антиномияси;*

*c) нутқ антиномияси;*

*d) тил ва нутқ антиномияси.*

11. Қайси фикр нотўғри?

*a) Ф.де Соссюр «Структурализм» оқимининг асосчиси;*

*b) «диахроник» сўзининг маъноси «кетма-кет юз берадиган»;*

*c) В.Гумбольдт умумий тилшунослик фанининг асосчиси;*

*d) тил лингвистикаси термини фанга В.Гумбольдт томонидан киритилган.*

12. Ф.де Соссюрнинг фандаги асосий хизмати нима?

*a) янги, мукаммал ва аниқ шаклланган умумий тилшунослик назариясини яратиб берди;*

*b) янги оқим-структурализм оқимини яратди;*

*c) тилнинг мураккаб ҳодиса эканлигини аниқлади;*

*d) тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди.*

13. Антиномия атамаси ифодалаган тушунча нима?

*a) янги маъно;*

*b) иккинчи маъно;*

*c) қарама-қаршилик;*

*d) бир вақтлилик.*

14. XX асрда вужудга келган структурализм оқимининг асосчиси Ф.де Соссюр қайси йиллар оралиғида ҳаёт кечирган?

*a) 1857-1913;* *b) 1767-1835;*

*c) 1767-1815;* *d) 1659-1741.*

15. Ижтимоий жиҳатдан тил қандай ҳодиса?

*a) маданий ҳодиса;* *b) ижтимоий ҳодиса;*

*c) тарихий ҳодиса;* *d) барча жавоблар тўғри.*

16. Ички тузилишига кўра тил қандай система?

*a) туркум система;*

*b) соф белги-ишоралар системаси;*

*c) субстанция системаси;*

*d) ҳаракатлар системаси.*

17. Ф.де Соссюр нутқ фаолиятини ўрганишда кимнинг методидан фойдаланади?

*a) В.фон Гумбольдт;* *b) Бодуэн де Куртенэ;*

*c) Н.В.Крушевский;* *d) тўғри жавоб йўқ.*

18. Ф.де Соссюрнинг таърифича, тилшунослик қандай фанлар қаторига киради?

*a) тарихий;* *b) ижтимоий;*

*c) семиотик;* *d) физиологик.*

19. Соссюрнинг фикрига кўра, тилшунослик фанининг асосий вазифаси ва предмети нимадан иборат?

*a) тил лингвистикасини ўрганишдан иборат;*

*b) тилнинг турли аспектларини илмий ўрганиш, унинг ички*

*механизмини ўрганишдан иборат;*

*c) тилнинг ижтимоий моҳиятини ўрганишдан иборат;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

20. Ф.де Соссюр тилни ўрганишда қандай аспектни ажратиб, уларни бир-бирига қарши қўяди?

*a) тил ва нутқ аспекти;*

*b) синхроник ва диахроник аспект;*

*c) статик ва динамик аспект;*

*d) фонетик ва фонологик аспект.*

21. Ф.де Соссюрнинг синхрония ва диахрония назарияси кимнинг назариясига тўғри келади?

*a) В.фон Гумбольдт;* *b) Бодуэн де Куртенэ;*

*c) А.А.Шахматов;* *d) Н.В.Крушевский.*

22. Тилнинг статик ва динамик аспектлари назариясини ким яратган?

*a) Ф.де Соссюр;* *b) В.фон Гумбольдт;*

*c) Бодуэн де Куртене;* *d) А.А.Шахматов.*

23. Соссюр томонидан яратилиб, структурал ғояларнинг ривожланишида асосий омил бўлган тезис қайси?

*a) тил субстанция эмас,балки моҳиятдир;*

*b) тил - ижтимоий ҳодиса;*

*c) тил - алоқа қуроли;*

*d) тил ва нутқнинг асосий фарқи тил - ижтимоий, нутқ эса индивидуал ҳодисадир.*

24. «Тил фақат индивидга хос ҳодиса», деган фикр кимга тегишли?

*a) А.Шлейхер;* *b) Вундт;*

*c) Ф.де Соссюр;* *d) Г.Пауль.*

25. Соссюр ўзининг «Тил субстанция эмас, балки формадир», деган тезиси билан тилшунослик фани предмети тушунчасига янгича тус берди. Унга қадар кимлар орасида тил ҳақида турли англашилмовчиликлар бўлган?

*a) Вильгельм фон Гумбольдт, Бодуэн де Куртенэ;*

*b) Август Шлейхер, Герман Пауль, Вундт;*

*c) К.В.Шчерба, А.А.Шахматов, Н.В.Крушевский.*

*d) Август Шлейхер, А.А.Шахматов, Н.В.Крушевский.*

26. Тилшунослик фанининг идеал объекти нима?

*a) тил;* *b) нутқ;*
*c) структура;* *d) моҳият.*

27. Ҳозирги Прага структурализми ёки….

*a) функционал лингвистика;*
*b) глоссематика;*
*c) дескриптив тилшунослик;*
*d) ареал лингвистика.*

28. Ҳозирги Прага структурализми, Копенгаген структурализми ва Америка структурализмини бирлаштирадиган умумий хусусиятлар қайсилар эканини топинг.

*1. Тил синхроник аспектда ўрганилиши лозим;*

*2. Тил структура бўлиб ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини тақозо қиладиган элементларнинг мураккаб системасидир;*

*3. Тилни ўрганишда муносабатлар системаси бўлган тилнинг формасига асосланиш керак;*

*4. Тил структура бўлиб хизмат қилиши керак;*

*5. Тилшунослик аниқ фанлар қаторидан ўрин олиши керак;*

*6. Тилшунослик фанининг предмети тушунчаси илмий абстракциянинг натижаси бўлиб, ҳар бир фаннинг назарияси ичида турлича талқин қилиниши лозим.*

*a) 1,2,3,4;* *b) 1,2 3,5;*
*c) 1,2,4,5;* *d) 1,3 4,5,6.*

29. Ҳозирги замон тилшунослигининг 3 асосий тармоқларидан бири бўлган интралингвистика нимани ўрганади?

*a) тилнинг табиати ва ижтимоий функциясини;*

*b) тил ва тафаккур,тилнинг мазмун томонининг нутқ фаолиятини контекст ва ситуация билан алоқасини;*

*c) тилнинг ички тузилишини, тилнинг табиатини, ижтимоий функциясини;*

*d) тилнинг ички системаси, бирликлари ва категориялари, тил сатҳлари ва уларнинг структурасини.*

30. Ҳинд-Европа тилларининг фонетикаси ва морфологиясини киёсий ўрганиш асосида пайдо бўлган ҳозирги замон тилшунослигининг уч асосий тармоқларидан бири қайси?

*a) экстралингвистика;* *b) интралингвистика;*
*c) компаративистика;* *d) ареал лингвистика.*

31. Лотинча «ареа» – «майдон» сўзини англатувчи ареал лингвистика, типология (универсал лингвистика), қиёсий-тарихий тилшунослик фаниинг қайси тармоғи таркибига киради?

*a) экстралингвистика;* *b) интралингвистика;*

*c) компаративистика;* *d)қиёсий-тарихий тилшунослик.*

32. Типология нимани ўрганади?

*a) турли тилларнинг характеристикаси, уларнинг тарқалиш доирасини;*

*b) тилларнинг келиб чиқиши жиҳатидан қариндошлигини;*

*c) тилларнинг қурилишидаги умумий, универсал ҳолатларни текширади;*

*d) дунёдаги тилларнинг харитасини, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини.*

33. Социолингвистика ва менталингвистика тилшуносликнинг қайси тармоғи таркибига киради?

*a) экстралингвистика;* *b) интралингвистика;*

*c) компаративистика;* *d) чоғиштирма тилшунослик.*

34. Ареал лингвистика нимани ўрганади?

*a) келиб чиқиши жиҳатидан қариндош тилларни;*

*b) дунёдаги тилларнинг харитаси, турли мамлакатларнинг тил томонидан характеристикаси, айрим тилларнинг тарқалиш доирасини;*

*c) тилнинг қурилишидаги умумий ва универсал ҳолатларни текширади;*

*d) дунёдаги тилларнинг харитасини, ўхшаш ва фарқли томонларини.*

35. Чоғиштирма тилшунослик қайси тилшуносликнинг таркибий қисми?

*a) қиёсий тилшунослик;*

*b) қиёсий-тарихий тилшунослик;*

*c) интралингвистика;*

*d) типология.*

## ТИЛШУНОСЛИК ВА БОШҚА ФАНЛАР

36. Сўзлашиш, эшитиш, ўқиш ва ёзиш каби мураккаб жараёнлар инсоннинг қайси фаолияти таркибига киради?

*a) тил фаолияти;* *b) нутқ фаолияти;*
*c) сезги фаолияти;* *d) онг фаолияти.*

37. Нима сабабдан инсон тили мустақил объект сифатида бир неча фанларнинг предметини ташкил этади?

*a) сўзлашиш, эшитиш, ўқиш каби жараёнлар тилшуносликдан ташқари бошқа фанларда ҳам ўрганилади;*

*b) тил инсоннинг бевосита кузатиши, илмий изланишлари учун мавжуд;*

*c) тил барча фанлар билан боғлиқдир;*

*d) тил илмий абстрактнинг натижаси ҳисобланади.*

38. Фаннинг тилга нисбатан муносабати нима билан белгиланади?

*a) фаннинг тилдаги вазифаси билан;*

*b) тилни бажараётган функцияси билан;*

*c) тилни ўрганиш системаси билан;*

*d) фаннинг тилни қайси томони ёки аспектини ўрганиши билан.*

39. Нима сабабдан тилшунослик фалсафа билан чамбарчас боглиқ?

*a) фалсафа тилнинг асосини ташкил этади;*

*b) фалсафа тилшуносликнинг методологиясини белгилаб беради;*

*c) тилнинг методларини аниқлаб беради;*

*d) фалсафа фаннинг предметини ташкил қилади.*

40. Тилшуносликнинг нутқ фаолиятини нутқ акти мазмуни билан сўзловчининг мақсад-нияти орасидаги ўзаро алоқадорлик нуқтаи назаридан ўрганувчи соҳаси нима дейилади?

*a) социолингвистика;* *b) этнолингвистика;*
*c) нейролингвистика;* *d) психолингвистика.*

41. Тилшунослик қайси фанлар билан боглиқ эмас?

*a) психология, фалсафа, социология, мантиқ;*

*b) этнография, адабиётшунослик, тарих, педагогик фанлар;*

*c) физиология, физика, кибернетика, математика;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

42. Қуйидаги фанлар тилшунослик фани билан нима сабабдан боғлиқ?

*1. Фалсафа;*

*2. Психология;*

*3. Тарих;*

*4. Археология;*

*5. Этнография;*

*6. Физика;*

*7. Математика.*

*a) инсон руҳий жараёнлари қонуниятларини ўрганишда;*

*b) нутқ товушларининг тасниф қилиш тамойилларини ўрганишда;*

*c) тилшуносликнинг методологиясини белгилаб беради;*

*d) халқларнинг тарихий тараққиётининг тилда акс этишини ўрганишда;*

*e) топилган турли меҳнат қуроллари, рўзғор буюмлари орқали тил тарихини ўрганишда;*

*f) чет тилларини ўқитиш, компьютер ёрдамида таржима қилиш, турли типдаги луғатларни тузиш;*

*g) тилнинг луғат таркиби, унинг иш кўриш доираси ва характерини ўрганишда.*

*a) 1-c, 2-a, 3-d, 4-e, 5-f, 6-f, 7-b;*

*b) 1-g, 2-a, 3-d, 4-e, 5-b, 6-f, 7-c;*

*c) 1-c, 2-a, 3-d, 4-e, 5-g, 6-b, 7-f;*

*d) 1-f, 2-a, 3-c, 4-e, 5-d, 6-f, 7-g.*

43. Академик И.П.Павловнинг «2-сигнал» системаси тил-шунослик фанига кандай ёрдам беради?

*a) инсон нутқ фаолиятини материалистик тушунишга ёрдам берди;*

*b) олий нерв системаси фаолиятини ўрганишга ёрдам берди;*

*c) товушларнинг ўзгариш қонуниятларини, фонетик ҳодисаларни илмий тушунишга ёрдам берди;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

44. Диалектал лексикани ўрганишда қандай маълумотлар қўл келади?

*a) диалектик маълумотлар;*

*b) этнографик маълумотлар;*

*c) стилистик маълумотлар;*

*d) тарихий маълумотлар.*

45. Этнолингвистика деб нимага айтилади?

*a) тил билан халқ ўртасидаги муносабатларни, тилнинг фаолияти ва тараққиётида лингвистик ва этник факторларнинг ўзаро таъсирини ўрганувчи бўлими;*

*b) ҳозирги тилда бор бўлган сўз ёки морфемаларнинг келиб чиқишига асос бўлган сўз ёки морфема;*

*c) халқларнинг келиб чиқиши, таркиби, урф-одатлари, моддий, маънавий ва ижтимоий маданиятини ўрганадиган соҳа;*

*d) тилшуносликнинг ижтимоий яшаш ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси.*

46. Тилшуносликнинг ижтимоий яшаш ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳа-социолингвистика қандай муаммолар билан шуғулланмайди?

*a) тил билан ижтимоий ҳаёт фактлари алоқаси, кенг халқ оммасини кўтариш;*

*b) экстралингвистик факторлар таъсирида тил тараққиётидаги актив жараёнлар;*

*c) радио, телевидение, кино кабиларнинг кенг тарқалиши билан тилнинг оғзаки ва ёзма формаси ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши;*

*d) юқоридаги барча муаммолар билан шуғулланади.*

## ТИЛШУНОСЛИК АСПЕКТЛАРИ

47. «Аспект» сўзи қайси тилдан олинган ва унинг маъноси нима?

*a) лотинча aspectus – «қараш»;*

*b) грекча aspectuse – «қараш»;*

*c) лотинча aspectuse – «қирра»;*

*d) грекча aspectus – «қирра».*

48. Тилшунослик умумий ва хусусий, назарий ва амалий тилшуносликка бўлинади. Умумий тилшунослик қайси тилшуносликнинг методологияси ҳисобланади?

*a) хусусий тилшунослик;*

*b) назарий ва амалий тилшунослик;*

*c) хусусий ва назарий тилшунослик;*

*d) хусусий ва амалий тилшунослик.*

49. Тилшуносликнинг қайси тури барча тиллар материалларини умумлаштиради, уларга хос умумий қонуниятларни белгилайди?

*a) умумий тилшунослик;*

*b) хусусий тилшунослик;*

*c) назарий тилшунослик;*

*d) амалий тилшунослик.*

50. Умумий тилшуносликнинг мақсад ва вазифасини топинг.

*1. Тилшуносликнинг табиати ва моҳиятини аниқлаш.*

*2. Тил ҳақидаги фаннинг асосий аспектларини белгилаш.*

*3. Тилни ўрганувчи фанларни белгилаш.*

*4. Тил систематикасини ўрганиш.*

*5. Тиллар классификациясини бериш.*

*6. Лингвистик анализ методикасини ишлаб чиқиш.*

*7. Тилшунослик методлари, усуллари ва методикасини систематлаштириш ва такомиллаштириш.*

*a) 1,2,4,5,6;* *b) 1,2,4,6,7;*

*c) 1,2,3,4,5,6,7;* *d) 1,2,3,5,6,7.*

51. Рус тилшунослиги, ўзбек тилшунослиги, инглиз тилшунослиги кабилар тилшуносликнинг қайси тури таркибига киради?

*a) умумий тилшунослик;* *b) хусусий тилшунослик;*

*c) назарий тилшунослик;* *d) амалий тилшунослик.*

52. Хусусий тилшунослик нимадан бошланади?

*a) луғат, дарслик, қўлланма яратишдан;*

*b) аниқ бир тилни тўлиқ ўрганишдан;*

*c) сўзларни тартиблаш, уларни келиб чиқишини аниқлашдан;*

*d) сўзларни тартиблаш, дарсликлар яратишдан.*

53. Грамматиканинг морфология ва синтаксисга, нутқ товушларининг унли ва ундошларга, гапларнинг содда ва қўшма гапларга ажратилиши қайси тилшунослик учун хос?

*a) хусусий тилшунослик учун;*

*b) назарий ва амалий тилшунослик учун;*

*c) хусусий ва умумий тилшунослик учун;*

*d) умумий ва назарий тилшунослик учун.*

54. «Полиглот» сўзи қайси тилдан олинган ва унинг маъноси нима?

*a) грекча polygloftos – «кўп тилли»;*

*b) лотинча polygloftos – «кўп тилли»;*

*c) грекча polygloftos – «кўп тилни билувчи»;*

*d) лотинча polygloftos – «кўп тилни билувчи».*

55. Кейинги йилларда пайдо бўлган инженер тилшунослик ҳақида айтилган қуйидаги фикрларнинг қайси бири нотўғри?

*a) инженер тилшунослик амалий тилшуносликнинг бир қисми;*

*b) тилга ўргатишда техник воситалардан фойдаланиш инженер тилшуносликнинг соҳасидир;*

*c) инженер тилшунослик хусусий тилшуносликнинг бир соҳаси;*

*d) теле ва радиокоммуникация муаммолари, машиналар воситасида таржима қилиш инженер тилшуносликнинг соҳаларидир.*

## ТИЛ АЛОҚА ВОСИТАСИ

56. Нима сабабдан тил жамиятда алоқа қуроли вазифасини бажаради?

*a) тил орқали инсон ўз фикрларини, истакларини, руҳий кечинмаларини бир-бирига ифода эта олади;*

*b) тил орқали инсонлар бир-бирини тушуна олади;*

*c) тил орқали инсон бир-бирига таъсир қила олади;*

*d) юқоридаги фикрларнинг барчаси тўғри.*

57. Тилнинг жамиятда алоқа қуроли вазифасини бажариши унинг қандай функциясини ташкил этади?

*a) коммуникатив функция;*

*b) стилистик функция;*

*c) экспрессив функция;*

*d) аккумулятив функция.*

58. Тилнинг маълум ахборот ифодалаб, суҳбатдошга таъсир кўрсатиши унинг қандай функцияси дейилади?

*a) коммуникатив функция;*

*b) стилистик функция;*

*c) экспрессив функция;*

*d) аккумулятив функция.*

59. Модал сўзлар, риторик сўроқ, тартиб кабилар экспрессив функцияда нима мақсадда фойдаланилади?

*a) хабар етказишда;*

*b) гапда ноаниқликни юзага келтиришда;*

*c) гапда ўз истакларини баён этишда;*

*d) хабар, сезги ва эмоция, хоҳиш ифода қилишда.*

60. Лотинча accumulare – «тўплаш» маъносини билдирувчи аккумулятив функция қандай вазифа бажаради?

*a) тўпланган тажриба ва билимларни келажак авлодга етказиш;*

*b) маълумотларни тўплаб, уларни турларга ажратиш;*

*c) гапда ноаниқликни вужудга келишини олдини олиш;*

*d) миллатлараро алоқа воситасини ўрнатиш.*

61. Билиш жараёни қайси функциянинг иккинчи номи?

*a) коммуникатив функция;* *b) дескриптив функция;*

*c) экспрессив функция;* *d) аккумулятив функция.*

62. Номинатив ва предикатив бирликларга нималар киради?

*a) мустақил сўзлар, таркибли номлар, фразеологизмлар – предика-тив бирлик, сўз бирикмаси, турли гап кўринишлари – номинатив бирлик;*

*b) мустақил сўзлар, таркибли номлар, фразеологизмлар – номина-тив бирлик, турли гап кўринишлари – предикатив бирлик;*

*c) мустақил сўзлар – номинатив бирлик, турли гап кўринишлари – предикатив бирлик;*

*d) мустақил сўзлар – предикатив бирлик, турли гап кўринишлари – номинатив бирлик.*

63. Фонема, морфема, лексема, синтаксема, граммема тилнинг қайси бирликларига киради?

*a) номинатив бирлик;*

*b) коммуникатив бирлик;*

*c) структурал бирлик;*

*d) предикатив бирлик.*

## АЛОҚАНИНГ БОШҚА ВОСИТАЛАРИ

64. Кишиларнинг ўзаро алоқа қилишида, фикр алмашишида тилдан бошқа воситалар қандай шаклда бўлади?

*a) овозли ва график;* *b) оғзаки ва ёзма;*
*c) символик;* *d) белги ва белгисиз.*

65. График ёзув кўринишларини аниқланг.

*1. Ёзув.*
*2. Ёрдамчи воситалар.*
*3. Сигнализациянинг махсуслаштирилган системаси.*
*4. Илмий символика.*
*5. Қўл алифбоси, йўл қоидалари белгилари.*
*6. Кўрлар алифбоси.*
*7. Морзе алифбоси, телеграф алифбоси.*
*8. Радио, математика символлари.*

*a) 1,2,3,4,5,6,7,8;* *b) 1,2,3,4,6;*
*c) 2,3,4,6,7,8;* *d) 1,2,3,4,5,6,7.*

66. Жамиятнинг маданий тараққиётида муҳим фактор ва кишилик алоқасида муҳим восита бўлган ёзувнинг афзал томони нимада?

*a) барча учун муҳим алоқа воситаси эканлигида;*
*b) унга вақт ва масофанинг бефарқлигида;*
*c) келажак авлодга мерос қолдиришда;*
*d) барча учун қулай ва керакли восита эканлигида.*

67. Ёрдамчи воситаларга кирувчи қўл алифбоси бармоқлар ёрдамида ҳарфларни тасвирлаш бўлиб, у кимлар учун хизмат қилади?

*a) эшитиш қобилиятини йўқотганлар учун;*
*b) кўриш қобилиятини йўқотганлар учун;*
*c) барча инсонлар бирдек фойдалана оладилар;*
*d) кўпроқ ўқишга қизиқиш уйғотиш мақсадида болалар учун.*

68. Луи Брайль томонидан кўриш қобилиятини йўқотганлар учун ишланган кўрлар алифбоси қайси тарзда кўрсатилади?

*a) махсус аппарат ёрдамида тешилган ҳолатда;*
*b) уларни пайпаслаш орқали сезилади;*
*c) ҳарфлар 6 та нуқтанинг турли комбинацияси орқали;*
*d) нуқталарнинг турли шаклда тешилган ҳолатда.*

69. Телеграф алифбоси, морзе алифбоси, йўл қоидалари белгилари

ёзувнинг кайси турига киради?

*a) ёзув;*

*b) ёрдамчи воситалар;*

*c) сигнализациянинг махсуслаштирилган системаси;*

*d) илмий символика.*

70. Илмий символикага нималар киради?

*a) математика,химия фанларида қўлланувчи символлар;*

*b) илмий фанларда қўлланувчи символлар;*

*c) ёзувда акс этувчи белгилар;*

*d) қўл алифбосида фойдаланадиган символлар.*

71. Ёрдамчи воситалар, сигнализация системалари, символлар алоқа воситаси сифатида хизмат килади. Бундай воситалар билан тил воситалари орасидаги фарқ нимада?

*a) тил ва график ёзув воситалари бирдек фойдаланилаверади;*

*b) тилнинг энг муҳим алоқа воситаси эканлигида;*

*c) график ёзув кўринишлари фақат ёзма кўринишда бўлади;*

*d) график ёзув кўринишларининг қўлланиш доираси чегараланганлигида.*

## ТИЛ ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА СИФАТИДА

72. Тилнинг ижтимоий хусусиятлари қайси вариантда тўғри кўрсатилган?

*a) кишининг бутун ҳаёти билан боғланган;*

*b) кишилар ўзаро фикр алмашиш имкониятига эга бўладилар;*

*c) тил ниҳоятда мураккаб, бир-бирига қарама-қарши бўлган си-фатларни мужассамлаштиради;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

73. Тил кишилик жамиятида қандай вазифа бажаради?

*a) турли давлатлар доирасида турли миллат вакиллари томонидан алоқа воситаси сифатида фойдаланилади;*

*b) инсониятнинг узоқ давом этган тарихий тараққиёти жараёнида яратилган барча маданий ва илмий бойликларни сақлайди ва авлоддан-авлодга етказиб беради;*

*c) a ва b жавоблар тўғри;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

74. Тилга табиий организм сифатида каровчи лингвистик оким?

*a) структуралистик оқим;* *b) социалогизм оқими;*

*c) натуралистик оқим;* *d) психологизм оқими.*

75. Номи натуралистик оқим билан боғлиқ бўлган ва «Дарвин назарияси ва тилшунослик» асари муаллифи?

*a) И.П. Павлов;*

*b) А.Шлейхер;*

*c) Ф.де Соссюр;*

*d) Ф.Бопп.*

76. А.Шлейхер ўзининг «Дарвин назарияси ва тилшунослик» номли асарида қандай ғояни илгари сурган?

*a) жонивор ва ўсимликларнинг турлари ҳақидаги таълимотни тилга ҳам татбиқ қилиниши тўғрисида;*

*b) тил механизмининг ишлаш принциплари каби муҳим масалалар илмий ўрганилиши хусусида;*

*c) тилнинг асосий ва муҳим хусусиятларини ўрганиш тўғрисида;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

77. Инсоннинг бутун ҳаёти тил билан боғлиқ бўлиб, тил ёрдамида кишилар қандай имкониятларга эга бўладилар?

*a) объектив борлиқни ўрганадилар;*

*b) ўзаро фикр алмашадилар;*

*c) жамоа бўлиб бирлашадилар ва меҳнат қиладилар;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

78. Кишилар тилда сўзлашиши ва фикр алмашиши учун қандай муҳит бўлиши шарт?

*a) реал муҳит;* *b) табиий муҳит;*

*c) ижтимоий муҳит;* *d) барча жавоблар тўғри*

79. Тил қандай эҳтиёж туфайли пайдо бўлган?

*a) бошқа кишилар билан муомала қилиш эҳтиёжи туфайли;*

*b) табиат ҳодисалари туфайли;*

*c) физик ва физиологик эҳтиёжлар туфайли;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

80. Тилнинг бошқа ижтимоий ҳодисалардан ажралиб турадиган энг асосий хусусияти нима?

*a) жамиятнинг сиёсий, юридик, идеологик нормаларини белгилаб беради;*

*b) жамиятнинг иқтисодий тузилишини белгилайди;*

*c) жамият фаолиятининг барча соҳаларига хизмат қилади;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

## ТИЛ ВА ТАФАККУР

81. Тил ва тафаккурни тилшуносликдан ташқари яна қайси фанлар ўрганади?

*a) фалсафа, тарих, физиология;*

*b) психология, фалсафа, физиология;*

*c) физиология, тарих, психология;*

*d) биология, тарих, физиология.*

82. Тафаккур нималарда ўз ифодасини топади?

*a) фикр юритиш қобилияти, у морфема ва фонемаларда ўз ифодасини топади;*

*b) инсон олий нерв системасининг фаолияти, фонема ва фразаларда ўз ифодасини топади;*

*c) сўзлаша олиш қобилияти, сўз ва сўз бирикмаларида ўз ифодасини топади;*

*d) инсон олий нерв системасининг фаолияти бўлиб, сўз, сўз бирикмалари ва гапларда ўз ифодасини топади.*

83. Тил ва тафаккур ажралмас диалектик бирлик. Лекин қайси тилшунос олим бунга зид фикр айтиб ўтган?

*a) А.Шлейхер;* *b) И.П.Павлов;*

*c) Н.Я.Марр;* *d) Б.Гумбольдт.*

84. Тил ва тафаккурнинг фарқи нима?

*a) тил фонетика, грамматика қонунлари асосида ташкил топган ҳодиса бўлса, тафаккур – товушлар системаси сифатида мавжуд бўлган материал;*

*b) тил фонетика, грамматика асосида ташкил топган ҳодиса бўлса, тафаккур объектив борлиқнинг инсон миясида акс этишидир;*

*c) тил инсон олий нерв системасининг фаолияти бўлса,*

*тафаккур товушлар системаси сифатида мавжуд бўлган материал;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

85. Тил ва тафаккур қонунлари қайси фанларда ўрганилади?

*a) тил – грамматикада, тафаккур – мантиқшуносликда;*

*b) тил – морфемикада, тафаккур – лексикологияда;*

*c) тил – логикада, тафаккур – диалектикада;*

*d) тил – грамматикада, тафаккур – тарихда.*

86. Қуйидаги мисолда «макет» сўзини логик ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилинг: *Макет талабалар томонидан тайёрланган.*

*a) логик – объект, грамматик – тўлдирувчи;*

*b) логик – субъект, грамматик – эга;*

*c) логик – объект, грамматик – эга;*

*d) логик – субъект, грамматик – кесим.*

87. Қайси физиолог олим ўзининг таълимотида инсоннинг фикрлаш жараёнида тилнинг ролини кўрсатиб берди ва фикрлаш тил орқали амалга оширилиши мумкинлигини исботлади?

*a) И.П.Павлов;* *b) А.Шлейхер;*

*c) Б.Гумбольдт;* *d) Ф.де Соссюр.*

88. И.П.Павлов таълимоти бўйича инсон объектив борлиқни қандай йўллар билан қабул қилади?

*a) предмет ва ҳодисаларнинг кишининг сезиш органларига бевосита таъсири орқали;*

*b) сўзларнинг таъсири орқали;*

*c) a ва b тўғри;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

89. Биринчи ва иккинчи сигнал системасининг фарқи нимада?

*a) 1-сигнал система ҳам ҳайвонларга, ҳам инсонларга хос бўлса, 2-сигнал система фақат ҳайвонларга хос;*

*b) 1-сигнал системаси борлиқдаги барча нарсалар учун хос бўлса, 2-сигнал системаси фақат инсонлар учун хос;*

*c) 1-сигнал системаси инсонлар учун хос бўлса, 2- сигнал системаси ҳайвонлар учун хос;*

*d) 1-сигнал система ҳам ҳайвонларга, ҳам инсонларга хос бўлса, 2-сигнал система фақат инсонларга хос.*

# ТИЛНИНГ ИЧКИ ҚУРИЛИШИ

90. Ички қурилиш нуқтаи назаридан тил – нима?

*a) маълум бир миқдордаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган тил бирликлари йиғиндиси;*

*b) фикр алмашиш учун ишлатиладиган сўз ва гаплар йиғиндиси;*

*c) нутқ товушларидан ташкил топган тил бирлиги;*

*d) барчаси тўғри.*

91. Тилнинг ички қурилишини ўрганишда қандай тушунчалар кенг қўлланилади?

*a) тил ва нутқ бирликлари;*

*b) система ва синтаксис;*

*c) структура ва система;*

*d) семантика ва структура;*

92. Система тушунчасига берилган таъриф қайси жавобда тўлиқ кўрсатилган?

*a) ўзаро турғун муносабатлар билан боғланган бир бутун бўлиб уюшган элементлар мажмуи;*

*b) маълум бир грамматик категорияга хос ички бўлинишлардан бир бутунлиги;*

*c) нутқ акти юз бераётганда унга таъсир қилувчи шароит;*

*d) a ва b жавоблар тўғри.*

93. Тил бирликлари тўлиқ тавсифланган қаторни топинг.

*a) тилларнинг келиб чиқиш манбаининг бир бутунлиги;*

*b) бир-биридан функцияси, ифода материали, тузилиши ва системасидаги ўрни билан фарқланадиган тил ҳодисаси;*

*c) ўзаро ўхшашлиги келиб чиқиши асосининг умумийлиги билан изоҳланадиган тиллар гуруҳи;*

*d) a, b ва c жавоблар тўғри.*

94. Қуйидаги тушунчалардан ўзига мос таърифларни аниқланг.

*1 – фонема; 2 – морфема; 3 – сўз.*

*a – ўз товуш қобиғига эга бўлган объектив нарса ҳодисалар ҳақидаги тушунчани ифодалайди;*

*b – сўз таркибида қатнашадиган тилнинг энг кичик маъно бирлиги;*

*c – тил бирликларини ўзаро фарқлаш учун хизмат қиладиган*

*товуш бирлиги.*

*a) 1-c , 2-b, 3-a;* *b) 1-a, 2-b, 3-c;*

*c) 1-b, 2-c, 3-a;* *d) 1-c, 2-a, 3-b.*

95. Тил системасини ташкил этган элементлар нималар?

*a) фонема, морфема, гап;*

*b) товуш, сўз, сўз бирикмаси;*

*c) морфема, грамматик форма, гап;*

*d) сўз, қўшимча, система.*

96. Тилни текшириш жараёнида, уни таҳлил этишнинг турли босқичларида белгиланадиган кичик системаларга нима дейилади?

*a) тил бирликлари;* *b) гап бўлаклари;*

*c) тил ярусллари;* *d) сўз бирикмаси.*

97. Тил ярусларини белгиланг

*a) фонетик-фонологик ярус, тил яруси, сўз яруси;*

*b) грамматик ярус, логик ярус;*

*c) фонетик-фонологик ярус, грамматик ярус;*

*d) фонетик-фонологик ярус, луғат яруси, грамматик ярус.*

98. Инсон фойдаланадиган товушлар табиатдаги бошқа товушлардан нимаси билан фарқ қилади?

*a) кишининг нерв системаси томонидан бошқарилиб нутқ органлари маҳсули эканлиги билан;*

*b) физик хусусиятлари билан;*

*c) товушларнинг тил системасида бажарадиган функция эканлиги билан;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

99. Товушларнинг акустик ва физиологик хусусиятларини қайси фан ўрганади?

*a) фонология;* *b) фонетика;*

*c) грамматика;* *d) a ва b жавоблар тўғри.*

100. Товушларнинг тил системасида бажарадиган функцияларини қайси фан ўрганади?

*a) лексикология;* *b) фонетика ва фонология;*

*c) фонология;* *d) этимология.*

101. Тилнинг луғат яруси нималардан иборат бўлади?

*a) тилда мавжуд бўлган сўзлар йиғиндисидан;*

*b) товушлар ва тил бирликларидан;*

*c) товуш системасидаги нутқ товушларидан;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

102. Тилнинг луғат яруси тилнинг фонетик-фонологик ва грамматик ярусларидан нимаси билан фарқ қилади?

*a) доимий ўзгармаслиги билан;*

*b) доим ўзгариб ва ривожланиб туриши билан;*

*c) фан-техника ва маданиятнинг ўзгармаслигини таъминлаши билан;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

103. Луғат ярусининг доимий ўзгариб туришининг сабаби нима?

*a) саноатнинг ривожланиб туриши;*

*b) қишлоқ хўжалигининг ривожланиб туриши;*

*c) фан-техника ва маданиятнинг ривожланиб туриши;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

104. Луғат ярусининг асосий бирлиги нима?

*a) сўз;* *b) фонема;*

*c) гап;* *d) морфема.*

105. Тилнинг луғат ярусини қайси фан ўрганади?

*a) морфология;* *b) лексикография;*

*c) лексикология;* *d) фонология.*

106. Лексикология ўрганадиган асосий масалалар қайсилар ҳисобланади?

*a) сўзнинг таърифи, сўз ва предмет;*

*b) сўз ва тушунча, луғат таркибининг ўзгариши;*

*c) сўзларнинг бир-бири билан муносабати, луғат таркибининг қатламлари;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

107. Энг кичик грамматик бирлик нима?

*a) сўз;* *b) фонема;*

*c) морфема;* *d) товуш.*

108. Гапдан катта грамматик бирликлар қайсилар ҳисобланади?

*a) гап ва матн;*

*b) мураккаб синтактик бутунлик ва текст;*

*c) абзац ва текст;*

*d) b ва c жавоблар тўғри.*

109. Морфология ва синтаксис нимани ўрганади?

*a) морфология - сўз туркумлари ва гапнинг грамматик структурасини, синтаксис - сўз туркумларининг грамматик формаларини;*

*b) морфология - сўз туркумлари ва уларнинг грамматик формаларини, синтаксис - нутқнинг грамматик структурасини;*

*c) морфология - нутқнинг грамматик формаларини, синтаксис - гап бўлакларини;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

110. Тил бирлиги нималардан ташкил топади?

*a) фонема, морфема, текстема;*

*b) сўз, гап, матн;*

*c) морфема, сўз, фонема;*

*d) гап, сўз, фикр.*

111. Тил системаси нималардан ташкил топган?

*a) тил бирликлари ва яруслардан;*

*b) тил бирликлари ва гапдан;*

*c) сўз бирикмалари ва гапдан;*

*d) ярус ва гапдан.*

## ФОНЕТИКА

112. Қайси жавобда фонетика атамасига тўғри таъриф берилган?

*a) тилшуносликнинг инсон нутқини ифода қилиш учун зарур бўлган товушлар ва товуш воситалари;*

*b) тилнинг товуш таркибини ўрганиш;*

*c) тилшуносликнинг нутқ товушларининг ҳосил бўлиш усуллари ва акустик хусусиятларини ўрганувчи бўлими;*

*d) фонемаларни ўрганади.*

113. Фонетика ўрганиш соҳаси, вазифаларига кўра, қандай турларга бўлинади?

*a) назарий ва амалий;* *b) умумий ва хусусий;*

*c) назарий ва норматив;* *d) умумий ва норматив.*

114. Умумий ва хусусий фонетиканинг фарқи нима?

*a) умумий фонетика - бирор конкрет тилга хос бўлган талаффуз хусусиятларини ўрганади, хусусий фонетика - барча*

*тилларга хос бўлган талаффуз хусусиятларини ўрганади;*

*b) умумий фонетика - бирор тилнинг талаффуз аломатларини тасниф қилади, хусусий фонетика - бирор тилнинг талаффузига ўргатиш мақсадида тузилади;*

*c) умумий фонетика - бирор тилнинг талаффуз аломатларини тасниф қилади, хусусий фонетика - бирор конкрет тилга хос бўлган талаффуз хусусиятларини ўрганади;*

*d) умумий фонетика - барча тилларга хос бўлган талаффуз хусусиятларини ўрганади, хусусий фонетика - бирор конкрет тилга хос бўлган талаффуз хусусиятларини ўрганади.*

115. Алоҳида аппаратлар ёрдамида нутқ товушлари, бўғин, урғу ва интонациядаги артикуляцион-акустик хусусиятларни ўрганишга нима дейилади?

*a) суперсегментал фонетика;*

*b) экспериментал фонетика;*

*c) просодика;*

*d) диахроник фонетика.*

116. Сегментал фонетика фонетика ва фонология бўлимининг қайси томонларини ўрганади?

*a) нутқ товушларининг ҳосил бўлишини;*

*b) бўгин сўз ва фразаларни;*

*c) нутқ товушларининг хусусиятларини;*

*d) а ва с жавоблар тўгри.*

117. Нутқ товушларидан катта бўлган бирликларни ўрганувчи соҳа нима деб номланади?

*a) диахроник фонетика;*

*b) экспериментал фонетика;*

*c) сегментал фонетика;*

*d) просодика.*

118. Фонетиканинг тўртинчи асосий соҳаси нима?

*a) артикуляция;* *b) фонология;*

*c) акустика;* *d) перцептив фонетика.*

119. Тилдаги фонетик хусусиятларнинг ривожланишини ўрганувчи соҳа нима дейилади?

*a) диахроник фонетика;*

*b) экспериментал фонетика;*

*c) сегментал фонетика;*

*d) қиёсий-типологик фонология.*

120. Ҳозирги давр тилшунослигида жаҳон тилларининг ўхшаш ва фарқли аломатларини ўрганувчи соҳа нима дейилади ва бу соҳанинг фонетикага доир бўлими қандай аталади?

*a) просодика – суперсегментал фонетика;*

*b) тиллар типологияси – диахроник фонетика;*

*c) тиллар типологияси – қиёсий-типологик фонетика;*

*d) просодика – тарихий фонетика.*

## АРТИКУЛЯЦИОН ФОНЕТИКА

121. Артикуляцион база – бу...?

*a) бирор тилга хос товушларни талаффуз этиш кўникмалари;*

*b) товуш ҳосил бўлишида қатнашувчи нутқ органларининг бир-бирига яқинлашиб, ҳаво оқимига тўсиқ ҳосил этадиган нуқтаси;*

*c) нутқ органларининг одат бўлиб қолган типик йиғиндиси;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

122. Товушларнинг ҳосил бўлишида иштирок этувчи нутқ механизми ҳаракатининг йиғиндисига нима дейилади?

*a) ярус;* *b) просодика;*

*c) артикуляцион база;* *d) артикуляция.*

123. Инглиз тилида апикал (тил учи) артикуляциясига эга бўлган ундошлар ўзбек ва рус тилларида қандай талаффуз қилинади ва у нима деб аталади?

*a) тил учи тишларга тегиб, унинг ўрта қисми иштирок этади ва дорсал артикуляция қилинади;*

*b) юмшоқ танглай юқорига кўтарилиб, ҳаво оқими тўғри оғиз бўшлиғидан ўтади ва апикал деб аталади;*

*c) юмшоқ танглай пастга тушиб, бурун ундошлари ҳосил бўлади ва у сонор деб аталади;*

*d) ўзбек ва рус тилларида бундай товушлар мавжуд эмас.*

124. Товуш пайчаларининг ҳаракати қандай товушларда иштирок этмайди?

*a) унли;*

*b) жарангли ундош;*

*c) жарангсиз ундош;*

*d) ҳамма товушларнинг ҳосил бўлишида ун пайчалари иштирок этади.*

125. Энг актив талаффуз органи нима?

*a) товуш пайчалари;* *b) лаб;*

*c) тиш;* *d) тил.*

## АКУСТИК ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ФОНЕТИКА

126. Нутқ товушлари секундига тахминан қандай тезлик билан ўтувчи ҳаво оқимининг механик тебраниши натижасидир?

*a) 1200 км/соат;* *b) 1300 км/соат;*

*c) 1100 км/соат;* *d) 2000 км/соат.*

127. Товушлар асосан нечта асосий акустик белгига эгалигини топинг?

*a) 2 та амплитуда, частота;*

*b) 2 та давомий ва давомсиз;*

*c) 2 та асосий ва мураккаб;*

*d) 3 та баланд, ўрта, паст.*

128. Ўз навбатида ҳаво тебраниши давомий ва давомсиз ҳамда яна қандай бўлиши мумкин?

*a) амплитуда, частота;* *b) содда, мураккаб;*

*c) баланд, паст;* *d) амплитуда, мураккаб.*

129. *Агар тебраниш ҳаракати тез бўлса…….*

Нуқталар ўрнига керакли жавобни қўйинг.

*a) товуш паст тебраниш частотасига эга бўлади;*

*b) давомий ва давомсиз частотасига эга бўлади;*

*c) товуш баланд тебраниш частотасига эга бўлади;*

*d) содда ва мураккаб частотасига эга бўлади.*

130. Тебраниш частотаси нима билан ўлчанади?

*a) амплитуда (овознинг баландлиги билан ўлчанади);*

*b) миқдор (товушнинг чўзиқ ёки қисқалиги билан ўлчанади);*

*c) спектограф (овознинг баландлиги билан ўлчанади);*

*d) герц (ҳар секундда қайтарилувчи цикл билан ўлчанади).*

131. Одамининг товуш частотасини эшитиб ҳис кила олиш қобилияти чегараланган. Шунга кўра, биз қанча герцгача бўлган товушларни эшита оламиз?

*a) 15 дан 15 000 герцгача;* *b) 15 дан 20 000 герцгача;*
*c) 1 дан 10 000 герцгача;* *d) 20 дан 20 000 герцгача.*

132. Товуш тўлкинини ҳосил қилувчи ҳаво тебраниши давомий бўлса нима дейилади, давомсиз бўлса нима ҳосил бўлади?

*a) амплитуда ва частота;* *b) тон ва шовқин;*
*c) баланд ва паст;* *d) содда ва мураккаб.*

133. Сонор товушлар деб нимага айтилади ва улар қайсилар?

*a) шовқин бирликда бўлиб, шовқин кучли бўлади: л, р, й, м, н;*

*b) товушларнинг чўзиқлиги ва қисқалигига айтилиб, улар: л, м, н, нг, р, й;*

*c) ҳаво оқими тўсиққа учрамайди: г, к, нг, қ, ғ, х;*

*d) шовқин ва тон бирликда бўлиб, тон шовқиндан устун бўлади: л, р, й, м, н, нг.*

134. Резонаторлар деб нимага айтилади?

*a) нутқ товушларига;*

*b) товуш ҳосил қилувчи бўшлиқларга;*

*c) товушнинг миқдорий белгисига;*

*d) товуш тебраниш частотасига.*

135. Мураккаб товуш тебранишининг частотаси билан бошқа акустик воситаларни келиштириб турувчи механизм нима дейилади?

*a) фильтр;*

*b) формант;*

*c) резанатор;*

*d) палатография.*

136. Формантлар деб нимага айтилади?

*a) оғиз ва бурун бўшлиқлари биргаликда унлиларни ҳосил қилишига;*

*b) ўз формаси ва ҳажми билан нутқ товушини ҳосил бўлишига;*

*c) товуш тембрини ифодаловчи ва уни бошқа товушларнинг тембрини фарқини кўрсатувчи частоталарга;*

*d). объектив методлар ёрдамида аниқланувчи артикуляцион-акустик хусусиятларга айтилади.*

137. Товуш формантлари нима ёрдамида аникланади?

*a) тембр фарқини кўрсатувчи экспериментал аппарат;*

*b) спектограф;*

*c) палатография;*

*d) рентгенография.*

138. Экпериментал фонетикага берилган тўғри таърифни топинг?

*a) объектив методлар ёрдамида аниқланувчи артикуляцион-акустик хусусиятлар экспериментал фонетик текшириш ёки нутқни инструментал тасниф этиш деб юритилади;*

*b) субъектив метод ёрдамида ўрганилувчи усуллар;*

*c) фонологик бирликларнинг объектив метод ёрдамида ўрганилиши;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

## ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ФОНЕТИКА МЕТОДЛАРИ

139. Ҳозирги давр фонетикасида икки асосий метод мавжуд, булар…..

*a) рентгенография, палатография;*

*b) статик, динамик;*

*c) информант, диктатор;*

*d) субъектив, объектив.*

140. Талаффузи бевосита (кўриш ёки эшитиш) кузатишдан иборат бўлган методни топинг.

*a) объектив;*

*b) субъектив;*

*c) статик;*

*d) динамик.*

141. Бевосита кузатиш орқали товушларнинг артикуляцион-акустик хусусиятлари, урғули ва урғусиз бўғинларнинг фарқи, юқорига кўтарилишини сезиш мумкин. Гап қайси методга боғлиқ?

*a) объектив;*

*b) субъектив;*

*c) статик;*

*d) динамик.*

142. Техник аппаратура ...... ёрдамида аниқланувчи артикуляцион-акустик хусусиятлар экспериментал-фонетик текшириш ёки нутқни инструментал тасниф этиш деб юритилади. Нуқталар ўрнига керакли жавобни белгиланг.

*a) объектив;*

*b) информант;*

*c) диктор;*

*d) субъектив.*

143. Сунъий танглай ёрдамида тилнинг ҳолатини аниқлаш нима деб юритилади?

*a) рентгенография;*

*b) спектограф;*

*c) палатография;*

*d) диктор.*

144. Сунъий танглай ингичка эластик пластинкадан иборат бўлиб, унинг форма ва ҳажми талаффуз қилувчининг каттиқ танглайига тенг бўлади. Талаффуз қилувчи шахс нима деб аталади?

*a) информант;*

*b) диктор;*

*c) сонограф;*

*d) a ва b.*

145. Тилнинг излари қолган сунъий танглай нима деб юритилади?

*a) палатограмма;* *b) палатография;*

*c) рентгенография;* *d) кинорентгенография.*

146. Рентгенография ва кинорентгенография товушнинг артикуляциясини жуда аниқ кўрсатиб беради. Улар ўзи аслида нимани англатади?

*a) товушнинг акустик структурасини маълум чегараланган вақт ичида ўрганилиши – рентгенография; товушнинг спектрал кўринишини жараёнида аниқлаш – кинорентгенография;*

*b) нутқ органларининг маълум артикуляция моментида аниқлаш – рентгенография; товуш артикуляциясининг ривожланиш ҳолати – кинорентгенография;*

*c) товуш ҳосил бўлишида гармоник тебранишларни, нутқ интонациясини аниқлаш – рентгенография; фразани маъноли бўлакларга бўлишни ўрганиш – кинорентгенография;*

*d) талаффуз давомида нутқ органлари бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчиши – рентгенография; артикуляция давомида турғун талаффузга эга бўлмаган ҳолат – кинорентгенография.*

147. Нуткнинг акустик томонини аниқлаш учун қандай методлардан фойдаланилади?

*a) статик, динамик;*

*b) акустика, артикуляция;*

*c) дифтонг, дифтонгоидлар;*

*d) спектрал, осциллографик.*

148. Товуш майдонининг амплитудаси ва частотасини кўрсатиб беради ва товушнинг тўла акустик характеристикасини аниклашда ёрдам беради. Гап нима ҳақида кетмоқда?

*a) спектограф;*

*b) осциллографик;*

*c) дифтонг;*

*d) динамик.*

149. Икки турдаги спектограф мавжуд. Булар қайсилар?

*a) дифтонг – талаффуз давомида нутқ органларининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши; монофтонглар – турғун талаффузга эга;*

*b) графематик – ёзув тартибини ўрганишда ишлатилади; диакритик – товушларнинг айрим хусусиятларини кўрсатувчи белгилар;*

*c) статик – товушларнинг акустик структурасини маълум чегара-ланган вақт ичида ўрганишга имкон беради; динамик – товушнинг спектрал кўринишини ривожланиш жараёнида аниқлаш;*

*d) a ва c жавоблар тўғри.*

150. Товуш ҳосил бўлишидаги гармоник тебранишлар, нутқ интонацияси ва фразани маъноли бўлакларга бўлинишини ўрганишда қандай фонетик кузатиш асос бўлади?

*a) спектрал;*

*b) спектограф;*

*c) осциллография;*

*d) дифтонг.*

## НУТҚ ТОВУШЛАРИ ТАСНИФИ

151. Нутқ товушлари артикуляцион-акустик хусусиятларига кўра бир неча турларга бўлинади. Булар кайсилар?

*a) оҳанг, интонация;* *b) дастлаб унли, ундош;*
*c) жарангли, жарангсиз;* *d) оғзаки, ёзма.*

152. Артикулацион жиҳатдан унли товушлар талаффузда ўпкадан чиқаётган ҳаво.... ?

*a) ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан ўтади;*
*b) ҳаво оқими бирор тўсиққа учрайди;*
*c) кучсиз тебранади;*
*d) кучли тебранади.*

153. Акустик хусусиятга кўра ундошлар қандай ҳосил бўлади?

*a) кучли тебраниш орқали;* *b) кучсиз тебраниш орқали;*
*c) шовқин орқали;* *d) кучли тебраниш ва шовқин орқали.*

154. Қайси товушлар мусиқа оҳангига жўр бўла олувчи майин оҳангга эга?

*a) ундошлар;*
*b) унлилар;*
*c) сонорлар;*
*d) қоришиқ товушлар.*

## УНЛИ ТОВУШЛАР ТАСНИФИ

155. Товушларнинг ҳосил бўлишида ҳаво оқими тўсикка учрамайди ва товуш пайчалари титрайди. Буни қайси товушларда кузатишимиз мумкин?

*a) унлилар;* *b) ундошлар;* *c) сонорлар;* *d) жарангли.*

156. Нутқ органларининг ҳолатига кўра нималарга эътибор берилади?

*a) жарангсиз ва жаранглилигига;*
*b) унли ва ундошлилигига;*
*c) товушнинг баланд, пастлигига;*
*d) унлиларнинг сифати ва миқдор белгиларига.*

157. Товушларни талаффуз килганимизда юмшок танглайнинг пастга тушиши натижасида қандай товушлар ҳосил бўлади?

*a) тил орқа;* *b) бурун;* *c) бўғиз;* *d) чуқур тил орқа.*

158. Бурун унлилари яна қандай номланади?

*a) оцциллография;*

*b) назализациялаш;*

*c) монофтонг;*

*d) аспирация.*

159. Назализациялашган унлилар қайси тилларда учрайди?

*a) француз тилида;* *b) инглиз тилида;*

*c) испан тилида;* *d) хитой тилида.*

160. Назализация сўзининг луғавий маъносини белгиланг.

*a) nasalus – кўринувчи нутқ;* *b) nasalus – ён товуш;*

*c) nasalus – бурун бўшлиғи;* *d) nasalus – иккиланган.*

161. Тил энг фаол нутқ органи бўлиб, унинг ҳаракати оғиз бўшлиғининг формаси ва катта кичиклигига боғлиқ. Шунга кўра унлилар қандай хусусиятга кўра тасниф қилинади?

*a) ун пайчаларининг ҳаракатига кўра;*

*b) тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра;*

*c) тилнинг вертикал ҳаракатига кўра;*

*d) b ва c жавоблар тўғри.*

162. Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра унлилар қандай турларга бўлинади?

*a) лабланган, лабланмаган;*

*b) тил олди, тил ўрта, тил орқа;*

*c) тор, ўрта кенг унлилар;*

*d) ёпиқ, очиқ унлилар.*

163. Академик Шчерба тил орқа унлиларини қандай тасниф қилади?

*a) тил олди, кенг;* *b) шовқинли, шовқинсиз;*

*c) саёз ва чуқур тил орқа;* *d) ёпиқ, очиқ тил орқа.*

164. Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра унлилар қандай турларга бўлинади?

*a) юқори, ўрта, қуйи;* *b) тор, ўрта;*

*c) лабланган, лабланмаган;* *d) ёпиқ, очиқ.*

165. Унлиларнинг талаффузида лаблар иштирок этса, қандай

унлилар ҳосил бўлади?

*a) лабланган;* *b) лабланмаган;*
*c) лаб иштирокли;* *d) а ва b.*

166. Унлиларнинг артикуляцион хусусиятлари уларнинг қандай белгилари саналади?

*a) сифат белгилари;* *b) миқдор белгилари;*
*c) чўзиқлик белгилари;* *d) алдамчи дифтонг.*

167. Унли товушларнинг чўзиқ ва қисқалиги нима деб аталади?

*a) сифат белгилари;* *b) миқдор белгилари;*
*c) чўзиқлик белгилари;* *d) пасаювчи белгилар.*

168. Чўзиқ ва қисқа унлилар қайси тилларга хос?

*1. Инглиз; 2. Ўзбек; 3. Немис; 4. Хитой; 5. Француз; 6. Испан.*

*a) 1,2,4;* *b) 3,4,5,6;* *c) 1,3,5;* *d) 2,4,6.*

169. Унли товушлар кандай турларга бўлинади?

*a) монофтонг, дифтонгоид, дифтонг;*
*b) дифтонг, дифтонгоид;*
*c) дорсал, апикал;*
*d) имплозив, фрикация.*

170. Талаффуз давомида нутқ органлари бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтувчи товушлар нима дейилади?

*a) дифтонгоидлар;* *b) дифтонг;*
*c) монофтонг;* *d) дорсал.*

171. Дифтонглар қандай элементлардан ташкил топади?

*a) аниқ ва ноаниқ;* *b) кучли, пасаювчи;*
*c) кучсиз, аниқ;* *d) пасаювчи, кўтарилувчи.*

172. Дифотонгнинг ҳар икки элементи ҳам унли товушдан иборат бўлса, қандай дифтонг дейилади?

*a) соф;* *b) алдамчи;*
*c) ярим;* *d) аниқ дифтонг.*

## УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ТАСНИФИ

173. Нутқ органларининг бир-бирига тегиши натижасида ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг тўсиққа учраши натижасида қандай товушлар вужудга келади?

*а) унли; b) ундош; с) сонор; d) жарангли ва жарангсиз.*

174. Актив нутқ органларининг иштироки ва тўсиқнинг ҳосил бўлиш ўрнига кўра артикуляцион белгилари бўйича ундошлар нималарга бўлинади?

*а) тил олди, тил ўрта, тил орқа; b) жарангли, жарангсиз;*

*с) лаб, тил, бўғиз; d) лаб-лаб, лаб-тиш.*

175. Икки лабнинг жипслашуви билан хосил бўлувчи ундошлар бу .....

*а) лаб-лаб; b) лаб-тиш;*

*с) тил олди; d) лабланган.*

176. Тўсиқнинг ҳосил бўлиш ўрнига кўра ундошлар қандай турларга бўлинади?

*а) тил олди, тил орқа; b) жарангли, жарангсиз;*

*с) портловчи, сирғалувчи; d) апикал, дорсал, какуминал.*

177. ..... ундошларнинг артикуляциясида тил орқа қисмининг олдинги қисми юқори тишларимизга яқинлашади.

*а) дорсал; b) апикал;*

*с) какуминал; d) a, b, c.*

178. Какуминал сўзининг луғавий маъноси нима?

*а) сасиmeп – учи; b) сасиmeп – орқа;*

*с) сасиmeп – чўққи; d) сасиmeп – тутошув.*

179. Шовқиннинг ҳосил бўлиш усули ёки тўсиқнинг қандай ҳосил бўлишига кўра ундошлар қандай турларга бўлинади?

*а) жарангли, жарангсиз; b) сонор, қоришиқ;*

*с) портловчи, сирғалувчи; d) портловчи, сирғалувчи, аффрикат.*

180. Саёз тил орқа г, к ундошлари тил орқа қисмининг юмшоқ танглайга тегиши орқали ҳосил бўлади. Булар яна қандай ном билан айтилиши мумкин?

*а) танглай ўрта товушлари; b) танглай орқа ундошлари;*

*с) танглай олди товушлари; d) тил учи товушлари.*

181. Эксплозив, фрикатив, имплозив товушлари қайси категорияга кўра фарқланади?

*а) ун пайчаларининг иштирокига кўра;*

*b) тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра;*

*c) тилнинг вертикал ҳаракатига кўра;*

*d) шовқиннинг ҳосил бўлиш ўрнига кўра.*

182. Тўғри жавобларни белгиланг.

*1. Дорсал; 2. Какуминал; 3. Имплозив;*

*4. Фрикатив; 5. Апикал; 6. Эксплозив.*

*a) «туташиш»; b) «учи»; c) сирғалувчи; d) «орқа»; e) «чўққи»; f) «портлаш».*

*a) 1-a, 2-d, 3-e, 4-c, 5-b, 6-f;*

*b) 1-d, 2-e, 3-a, 4-c, 5-b, 6-f;*

*c) 1-f, 2-a, 3-e, 4-b, 5-f, 6-c;*

*d) 1-d, 2-e, 3-a, 4-c, 5-f, 6-b.*

183. Ундошлар ичида шовқиндан овоз тони устун келувчи товушлар ҳам бор. Булар қандай товушлар дейилади?

*a) сонор ёки сонант;* *b) имплозив;*

*c) фрикатив;* *d) эксплозив.*

184. ... овознинг иштирокига кўра унлиларга яқин туради. Улар ҳосил бўлишида ҳаво оқимининг енгил тўсиққа учраши билан ундошларга яқин талаффуз қилинади. Гап қайси товушлар ҳақида бормоқда?

*a) унли;* *b) ундош;* *c) сонор;* *d) қоришиқ.*

185. Нутқ органларининг кучсиз ҳаракати билан ҳаво оқимининг товуш пайчаларини бир-бирига яқинлаштириб, сирғалиб ўтиш натижасида нима ҳосил бўлади?

*a) сегментация;* *b) аспирация;*

*c) проклитика;* *d) энклитика.*

## НУТҚ СЕГМЕНТАЦИЯСИ

186. Фонетик бўлинишга тўғри таъриф берилган қаторни топинг.

*a) нутқда товушларнинг алоҳида-алоҳида талаффуз этилиши;*

*b) товушлар маълум тартибда кетма-кет бирикмаган ҳолатда бўлиши;*

*c) нутқ талаффуз даврига кўра олдинма-кейин келган фонетик катта ва кичик бирликларга бўлиниши;*

*d) берилган жавобларнинг барчаси тўғри.*

187. Нутқнинг фонетик бўлиниши яна қандай ном билан юритилади ва унинг маъноси нима?

*a) сегментация – лотинча segmentus – «бўлак»;*

*b) аспирация – лотинча aspirare – «нафас олмоқ»;*

*c) экспиратор – лотинча expirator – овозли;*

*d) сегментацион аспирация – нафас олиш бўлаги.*

188. Фонетик бирликлар тил структурасининг қайси томонини ташкил этади?

*a) тактик томонини;*

*b) темпорал томонини;*

*c) материал томонини;*

*d) фразавий томонини.*

189. Нутқ қандай фонетик бирликлардан иборат?

*a) фраза, такт, бўгин ва сегмент;*

*b) бўгин, фраза, товуш ва такт;*

*c) такт, бўгин, товуш ва гап;*

*d) фраза, такт, товуш ва интонация.*

190. Сегмент фразага тўғри таъриф берилган қаторни топинг.

*a) ҳар икки томонидан чуқур пауза билан бўлинган энг катта фонетик бирлик;*

*b) бир урғу ёрдамида бир ёки бир неча бўгинларнинг уланишидан ташкил топган фонетик бирлик;*

*c) тактнинг бир ёки бир неча товушларидан ташкил топган бўлаги;*

*d) талаффузда бир ёки бир неча бўгинларни ажратиб айтиш.*

191. Бўғинга тўғри таъриф берилган қаторни топинг.

*a) ҳар икки томонидан чуқур пауза билан бўлинган энг катта фонетик бирлик;*

*b) бир урғу ёрдамида бир ёки бир неча бўгинларнинг уланишидан ташкил топган фонетик бирлик;*

*c) тактнинг бир ёки бир неча товушларидан ташкил топган бўлаги;*

*d) талаффузда бир ёки бир неча бўгинларни ажратиб айтиш.*

192. Тактга тўғри таъриф берилган қаторни топинг.

*a) ҳар икки томонидан чуқур пауза билан бўлинган энг катта фонетик бирлик;*

*b) бир урғу ёрдамида бир ёки бир неча бўғинларнинг уланишидан ташкил топган фонетик бирлик;*

*c) тактнинг бир ёки бир неча товушларидан ташкил топган бўлаги;*

*d) талаффузда бир ёки бир неча бўғинларни ажратиб айтиш.*

193. Тактлар жамланиб нимани ҳосил қилади?

*a) сегментни ҳосил қилади;*

*b) бўғинни ҳосил қилади;*

*c) фразани ҳосил қилади;*

*d) тактлар жамланиб тактик сегментни ҳосил қилади.*

194. Проклиза ва энклизанинг фарқини топинг.

*a) улар бир хил ҳодиса ва синоним сўзлар ҳисобланади;*

*b) гап ва қўшма гапларда фарқланади;*

*c) бўғин ва урғунинг қўлланишида фарқланади;*

*d) мустақил ва ёрдамчи сўз орқали уланиш тактида фарқланади.*

195. Проклитика ва энклитика вазифасида қандай сўзлар келиши мумкин?

*a) ундов сўзлар ва кўмакчи сўзлар;*

*b) кўмакчи сўзлар ва тақлид сўзлар;*

*c) мустақил сўзлар ва ундов сўзлар;*

*d) мустақил сўзлар ва кўмакчи сўзлар.*

196. Бўғинлар товушлардан иборат. Товушларнинг артикуляцияси эса неча фазадан иборат ва улар қайсилар?

*a) 3 фазадан: бошланғич фаза (экскурсия), ўрта фаза, охирги фаза (рекурсия);*

*b) 2 фазадан: олд фаза ва орқа фаза;*

*c) 3 фазадан: бошланғич фаза (экскурсия), давомий фаза, охирги фаза (рекурсия);*

*d) 2 фазадан: давомий фаза ва тугал фаза.*

197. Артикуляция товуш бирикмаларининг талаффузи учун қайси томонлари билан характерлидир?

*a) фазаларнинг олдинги ҳолатига қайтиши ва рекурсия фазасининг қисқариши;*

*b) фазаларнинг давомийлиги ва рекурсия фазасининг қисқариши;*

*c) фазаларнинг давомийлиги ва олдинги ҳолатига қайтиши;*

*d) фазаларнинг қайтарилиши ва рекурсиянинг қисман қисқариши.*

## УРҒУ

198. Агар сўз бир бўғиндан иборат бўлса, сўз урғуси қайси товушга тушади?

*a) фақат унли товушга;*

*b) бўғин чўққисини ҳосил қилувчи товушга;*

*c) урғу ҳеч бир товушга тушмайди;*

*d) фақат охирида келган ундош товушга.*

199. Интонациянинг энг асосий компонентларидан бирига таъриф беринг.

*a) фраза урғуси – фраза ва гаплардаги сўзларнинг бирор бўғинини ажратиб талафуз қилиш;*

*b) сўз урғуси – кўп бўғинли сўзларда бир ёки ундан ортиқ бўғинларни ажратиб айтиш;*

*c) бўғин – тактнинг бир ёки бир неча товушлардан ташкил топган бўлади;*

*c) берилганларнинг барчаси интонациянинг компонентлари ҳисобланади.*

200. Артикуляцион жиҳатдан сўзга урғу қўйишнинг асосий воситалари қайсилар?

*a) нафас кучи, нутқ пайчаларининг тебраниши, секин талаффуз;*

*b) нутқ пайчаларининг тебраниши ва секин талаффуз;*

*c) кучли талаффуз, нафас кучи, нутқ пайчалари тебраниши;*

*d) нафас кучи, кучли секин талаффуз.*

201. Акустик жиҳатидан сўз урғуси нималар ёрдамида амалга оширилади?

*a) секин талаффуз, чўзиқлик, товушнинг асосий тони;*

*b) интенсивлик, чўзиқлик, товушнинг асосий тони;*

*c) интенсивлик, товушнинг асосий тони, секин талаффуз;*

*d) кучли талаффуз, товушнинг асосий тони, секин талаффуз.*

202. Урғу типларини фарқлашга хизмат қилувчи асосий воситалар

қайсилар?

*a) товушнинг пастлиги ва қисқалиги;*

*b) товушнинг баландлиги ва қисқалиги;*

*c) товушнинг баландлиги ва чўзиқлиги;*

*d) товушнинг пастлиги ва чўзиқлиги.*

203. Агар талаффуз кучли ёки интенсивлик асосий хизмат бажарса, у қандай урғу саналади?

*a) динамик (куч ёки экспиратор) урғу саналади;*

*b) квантитатив (чўзиқлик ёки миқдор) урғу;*

*c) турғун урғу;*

*d) эркин урғу.*

204. Музикал ёки мелодик урғу қандай тонлар ёрдамида амалга оширилади?

*a) талаффуз кучи ва экспиратор тонлар ёрдамида;*

*b) товушнинг чўзиқлилиги ва миқдор тонлари ёрдамида;*

*c) товушнинг фақат баланд овоз билан айтиш тони ёрдамида;*

*d) тушувчи, кўтарилувчи ва кўтарилиб тушувчи тонлар ёрдамида.*

205. Агар бўғиннинг чўзиқ талаффузи урғуда асосий бўлса, у ҳолда бундай урғу нима деб аталади?

*a) мелодик урғу;*

*b) квантитатив урғу;*

*c) динамик урғу;*

*d) турғун урғу.*

206. Қайси тилнинг урғуси музикал урғу ҳисобланади?

*a) рус, ўзбек, литва, хитой;*

*b) серб-хорват, литва, рус, немис;*

*c) япон, хитой, ўзбек, немис;*

*d) серб-хорват, япон, хитой, литва.*

207. Ҳамма тиллар ҳам сўз урғусига эга бўлавермайди, қайси қаторда шу тилларга мисол берилган?

*a) Шимолий Осиё ва Жанубий Америка тиллари;*

*b) Шимолий-Шарқий Осиё ва Шимолий Америка тиллари;*

*c) Шимолий Осиё ва Шимолий Америка тиллари;*

*d) берилганларнинг барчаси киради.*

208. Турғун урғу турига қайси тиллар киради?

*a) венгр, лотин ва чех тиллари;*

*b) рус, инглиз, италян тиллари;*

*c) венгр, лотин ва италян тиллари;*

*d) лотин, рус ва инглиз тиллари.*

209. Урғу қайси фонетиканинг асосий элементларидан бири саналади?

*a) суперсегментал фонетика;*

*b) компаративистика;*

*c) просодика;*

*d) а ва с жавоблар тўғри.*

## ИНТОНАЦИЯ

210. Просодик элементлар берилган қаторни топинг.

*a) фразавий урғу, мелодия, ритм, интенсивлик;*

*b) темп, тембр, фраза, фонема;*

*c) фонема, урғу, фразавий урғу;*

*d) мелодия, ритм, темп, бўғин, тембр.*

211. Тилда ҳар хил синтактик, экспрессив ва эмоционал маъноларни ифодаловчи мураккаб ҳодиса қайси қаторда берилган?

*a) интонация;* *b) просодика;*

*c) экспрессивлик;* *d) интенсивлик.*

212. Мелодия нимани кўрсатади?

*a) ёрдамчи овоз тонининг ҳаракатини кўрсатади;*

*b) асосий овоз тонининг ҳаракатини кўрсатади;*

*c) ёрдамчи овоз тонининг шаклини кўрсатади;*

*d) асосий овоз тонининг ўрнини кўрсатади.*

213. Овоз тониниг ҳаракати деганда нима тушунилади?

*a) нутқ оҳангини чўзиқлиги ёки қисқалиги;*

*b) нутқ оҳангининиг тушиши ёки кўтарилиши;*

*c) а ва b жавоблар тўғри;*

*d) тўғри жавоб берилмаган.*

214. Мелодия интонациянинг энг зарур компонентларидан бўлиб, у қандай вазифани бажаради?

*a) фразаларни кучли ва кучсиз талаффуз қилиш;*

*b) фразаларни ажратиш ва улаш;*

*c) берилганларнинг ҳаммаси тўғри;*

*d) фразаларни улаш ва нутқни ифодали қилиш.*

215. Фразаларни улашнинг фонетик воситаси ҳисобланадиган интонациянинг компоненти қайси?

*a) мелодия;* *b) интенсивлик;*

*c) фразавий урғу;* *d) темп.*

216. Фразадаги бирор сўзни эмоционал экспрессивлик жиҳатдан ажратиб кўрсатувчи просодик восита қайси?

*a) фразавий урғу;* *b) эмоционалингвистика;*

*c) эмоционал урғу;* *d) экспрессив урғу.*

217. Фраза ва тактларда урғули ва урғусиз ҳамда чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг алмашиниб туриши .... деб аталади.

*a) темп;*

*b) ритм;*

*c) тембр;*

*d) тўғри жавоб берилмаган.*

218. Нутқ темпининг вазифаси нималардан иборат?

*a) берилганларнинг барчаси тўғри;*

*b) фразаларни улаш ва уларни ифодали ўқиш;*

*c) бир киши овозини иккинчи киши овозидан фарқ қилиш;*

*d) фразани бўлакларга бўлиш ва уни маъно жиҳатдан шакллантириш.*

219. Талаффузи ва эшитилиши жиҳатдан нутқдаги психологик реал бирликлар сифатида нималарни кўрсатиш мумкин?

*a) бўғин, сўз, синтагма ва фраза;*

*b) бўғин, сўз, урғу ва фраза;*

*c) сўз, урғу, синтагма ва бўғин;*

*d) берилганларнинг барчаси тўғри.*

220. Қайси олим «Нутқ жараёнида алоҳида бир маънони ифодаловчи, бир ёки бир неча ритмик группалардан ташкил топган фонетик бирликни» синтагма деб атаган эди?

*a) Ф.де Соссюр;* *b) В.фон Гумбольдт;*

*c) Л.В.Шчерба;* *d) Ф.А.Шаляпин.*

221. Синтагманинг фонетик белгиси деб нима тушунилади?

*a) синтагматик урғу;* *b) фразавий урғу;*

*c) эмоционал урғу;* *d) тўғри жавоб берилмаган.*

222. Интонация ҳақида «Интонация фикрни гўё темир йўл поездни кўтариб тургандек ушлаб туради» деб ким айтган эди?

*a) Л.В.Шчерба;* *b) Ф.де Соссюр;*
*c) В.фон Гумболт;* *d) Ф.А.Шаляпин.*

## НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

223. Нутқ оқимида юз берадиган товуш ўзгариши илмий жиҳатдан қандай номланади?

*a) фонетик экспрессия;* *b) фонетик процесс;*
*c) фонетик комбинация;* *d) фонетик ўзгариш.*

224. Фонетик процесс қўшни товуш артикуляциясининг бошланиши ва тугалланиши ҳамда товушнинг сўз тартибидаги мавқеи билан боғлиқлиги туфайли фонетик процесслар нечта турли бўлади ва улар қайсилар?

*a) 2: комбинатор ва позицион ўзгаришлар;*
*b) 3: комбинатор, позицион ва синтагматик ўзгаришлар;*
*c) 2: процессион ва синтагматик ўзгаришлар;*
*d) a ва b жавоблар тўғри.*

## КОМБИНАТОР ФОНЕТИКА

225. Нутқ товушларининг қўшни товушлар таъсирида миқдор ва сифат белгиларининг ўзгариши ..... дейилади.

*a) позицион ўзгариш;*
*b) комбинатор ўзгариш;*
*c) фонетик ўзгариш;*
*d) позицион ва комбинатор ўзгариш.*

226. Нутқ товушларининг комбинатор ўзгаришларига нималар киради?

*a) аккомодация, ассимиляция, диссимиляция;*
*b) диареза, эпентеза, гаплология;*
*c) протеза, метатеза;*
*d) барча жавоблар тўғри.*

227. Комбинатор ўзгаришлар ҳодисаларини ўрганувчи бўлим

қандай ном билан аталади?

*a) фонетик ўзгаришлар;* *b) позициал фонетика;*

*c) комбинатор фонетика;* *d) b ва c жавоблар тўғри.*

228. «..... одам ўзининг нутқи эшитувчига қанчалик тушунарли бўлса, ўшанча талаб этилган нутқ кучини (яъни талаффузини) сарф қилади». Бу фикрлар кимга тегишли?

*a) А.Мартине;* *b) Б.А.Серебреников;*

*c) Л.В.Шчерба;* *d) Ф.А.Шаляпин.*

229. Нутқда талаффузни иқтисод қилиш артикуляциясининг вазифаси нимадан иборат?

*a) қийин бўлган бир неча ундошлар бирикмасини қисқартириб осон талаффуз қилиш;*

*b) қийин бўлган бир неча унлилар бирикмасини қисқартириб осон талаффуз қилиш;*

*c) бўғинлари кўп бўлган сўзларни қисқартириб талаффуз қилиш;*

*d) берилган барча жавоблар тўғри.*

230. Кейинги товушнинг экскурсияси ўзидан олдин келган товушнинг рекурсияга мослашса, ..... дейилади.

*a) прогрессив аккомодация;*

*b) регрессив аккомодация;*

*c) ўзаро аккомодация;*

*d) тўғри жавоб берилмаган.*

231. Ўзбек тилида *и,* э, *а* тил олди унлилари қайси ундошлардан кейин тил орқа унлилари бўлиб талаффуз этилади?

*a) г, к, қ;* *b) х, қ, ҳ;*

*c) ҳ, қ, ғ;* *d) унлиларда бундай хусусият йўқ.*

232. Фонетик ҳодисалар нималар ёрдамида чуқур ўрганилади?

*a) товушлар ўртасидаги боғланишнинг акустик структурасини текшириш ёрдамида;*

*b) унли ва ундошлар ўртасидаги боғланишни текшириш орқали;*

*c) товушлар ўртасидаги боғланишнинг артикуляцион структурасини текшириш ёрдамида;*

*d) a ва b жавоблар тўғри.*

233. Агар ўзаро таъсир натижасида товушлар бир-бирига бутунлай

ўхшаб қолса, у нима деб аталади?

*a) тўлиқ ассимиляция;* *b) тўлиқ диссимиляция;*
*c) тўлиқ ўхшашлик;* *d) a ва b жавоблар тўғри.*

234. Товушлар қайси томонлари бўйича ассимиляцияга учрайди?

*a) артикуляция ўрни ва усули;*
*b) жарангли ва жарангсизлиги;*
*c) портловчи ва сирғалувчилиги;*
*d) a ва b жавоблар тўғри.*

235. Метатеза ҳодисасига таъриф берилган қаторни топинг.

*a) ёнма-ён келган товушларнинг ўрин алмашуви;*
*b) ундош товушларнинг талаффузда тушиб қолиши;*
*c) бир-биридан узоқ бўлган товушларнинг ўрин алмашинуви;*
*d) a ва c жавоблар тўғри.*

236. Фонетик ҳодисалардан бири бўлиб, лотинча «мослашув» луғавий маъносини берувчи атама ҳисобланади.

*a) ассимиляция;* *b) аккомодация;*
*c) диссимиляция;* *d) гаплология.*

237. Аккомодация, ассимиляция, диссимиляция, эпентеза, метатеза каби фонетик ҳодисаларни ўрганувчи бўлим?

*a) комбинатор фонетика;*
*b) умумий фонетика;*
*c) позицион фонетика;*
*d) экспериментал фонетика.*

238. Дистант ассимиляция ҳодисаси кўпроқ қайси тилларда учраши мумкин?

*a) туркий, хитой-тибет, бурят;*
*b) француз, инглиз, япон;*
*c) туркий, фин-угор, герман;*
*d) рус, украин, испан.*

239. Қуйидаги мисоллардан қайси бири диареза ҳодисасига мисол бўлади?

*a) стол (истол), станция (истансия);*
*b) гўшт (гўш), рост (рос);*
*c) тупроқ (турпоқ), ёмғир (ёғмир);*
*d) тумба (тунба), амбар (анбар).*

240. Метатеза ҳодисаси яна қандай номланиши мумкин?

*a) протеза;* *b) эпентеза;*
*c) диареза;* *d) инверсия.*

241. Ассимиляция товушларнинг бир-бирига таъсири йўналишига кўра қандай турларга бўлинади?

*a) тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган ассимиляция;*
*b) ассимиляция ва диссимиляция;*
*c) прогрессив ва регрессив ассимиляция;*
*d) ярим ва тўлиқ ассимиляция.*

242. Аккомодация неча турли бўлиши мумкин?

*a) 2 турли;* *b) 4 турли;*
*c) 3 турли;* *d) 1 турли.*

243. Ўзбек тилида *и, у* унлиларини сўзнинг бошида орттириб талаффуз қилиш қайси ҳодисани вужудга келтиради?

*A) метатеза;* *b) эпентеза;*
*c) протеза;* *d) диареза.*

244. Умлаут ҳодисаси қайси тилга хос?

*a) немис;* *b) инглиз;*
*c) испан;* *d) француз.*

## ПОЗИЦИОН ЎЗГАРИШЛАР. РЕДУКЦИЯ

245. Редукция деб нимага айтилади?

*a) товушларнинг маълум ҳолатда рўй берувчи ўзгариши;*
*b) унли товушларнинг урғусиз бўғинларда кучсизланиши;*
*c) ундош товушларнинг урғусиз бўғинларда ўзгариши;*
*d) урғусиз ёпиқ бўғинларда унлилар чўзиқлигининг қисқариши.*

246. Позицион ўзгаришлар неча хил бўлиши мумкин?

*a) 2 хил;* *b) 3 хил;*
*c) 4 хил;* *d) 5 хил.*

247. «... Амалий жиҳатдан айнан бир товушни бир позицияда ҳам бир неча марта аниқ ва бир турда талаффуз этиш мумкин эмас». Ушбу жумла қайси олимга тегишли?

*a) Н.С.Трубецкой;* *b) Л.В.Шчерба;*
*c) П.Пасси;* *d) И.А.Бодуэн де Куртенэ.*

248. Товушларнинг маълум ҳолатда рўй берувчи ўзгариши қандай

ўзгариш деб аталади?

*a) комбинатор ўзгариш;* *b) фонетик ўзгариш;*
*c) позицион ўзгариш;* *d) диахроник ўзгариш.*

249. Товушларнинг урғули ва урғусиз бўғинда келишига кўра неча турли бўлиши мумкин?

*a) 2 та;* *b) 3 та;*
*c) 1 та;* *d) 4 та.*

## ТОВУШЛАРНИНГ АЛМАШУВИ

250. Бир тилдаги сўзларнинг ҳар хил формаларида товушлар алмашуви илмий тилда нима деб юритилади?

*a) аллитерация;* *b) диссимиляция;*
*c) алтернация;* *d) редукция.*

251. Товушлар алмашуви неча хил бўлади?

*a) фонетик ва тарихий;* *b) амалий ва назарий;*
*c) позицион ва комбинатор;* *d) лексик ва грамматик.*

252. Товушлар алмашуви асосан қайси тилларда учрайди?

*a) туркий тилларда;* *b) славян тилларда;*
*c) герман тилларда;* *d) фин-угор тилларда.*

253. Қуйидаги қайси аффикслар тарихий товуш алмашинувларига асос бўлади?

*a) -гил, -кил, -қил;* *b) -гача, -кача, -қача;*
*c) -дук, -дуқ;* *d) a ва b жавоблар.*

254. Фонетик ва тарихий товуш алмашинувлари ўртасидаги ўхшашлик уларнинг қайси функция бажарилишида кўринади?

*a) морфологик;* *b) фонетик;*
*c) грамматик;* *d) диалектик.*

# СТРУКТУР ФОНЕТИКА. АСОСИЙ ФОНОЛОГИК ТУШУНЧАЛАР

255. Қуйидаги қайси қаторда фонемага мисол берилган?

*a) тил – тол, нок – ном;*

*b) бироқ, шира;*

*c) айланмоқ, айналмоқ;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

256. Фонемага тегишли бўлган барча артикуляцион-акустик белгилар нима деб аталади?

*a) квазиомоним;* *b) фонологик фарқлаш;*

*c) фонетик тавсиф;* *d) фонематик система.*

257. Фонологик ёки фонематик структура нима деб аталади?

*a) сўзда маъно фарқловчи тил бирлиги;*

*b) фонемаларнинг ўзаро фарқланиш характери ёки уларнинг ички алоқада эканлиги;*

*c) фонемага тегишли барча артикуляцион-акустик белгилар;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

258. Агар фонологик оппозициялар икки аъзодан иборат бўлса, нима деб аталади?

*a) бинар оппозиция;*

*b) кўп аъзоли оппозиция;*

*c) якка аъзоли оппозиция;*

*d) тернар оппозиция.*

259. Жуфт оппозициялар йиғиндиси нима деб аталади?

*a) тернар оппозиция;* *b) қўш оппозиция;*

*c) нейтралазация;* *d) корреляция.*

260. Фонемаларнинг ҳар хил айтилиш шартлари бўйича тақсимланиши нима деб айтилади?

*a) корреляция;* *b) аллафон;*

*c) дистрибуция;* *d) бинар.*

261. Фонемаларнинг позицион ўзгаришларга учраган шакли нима деб аталади?

*a) вариация;* *b) позицион вариант;*

*c) комбинатор вариант;* *d) дистрибуция.*

262. «Бинар» сўзининг луғавий маъноси нима?

*a) учтадан;* *b) биттадан;*
*c) иккитадан;* *d) тўрттадан.*

263. Нуткнинг ифодали қилиш учун экспрессив функция бажарувчилар қайси қаторда берилган?

*a) бўғин, урғу, интонация;* *b) сўз бирикмаси, ибора;*
*c) транскрипция, интонация;* *d) сўз, ибора.*

264. Экспрессив функция тилнинг қайси бўлимида ўрганилади?

*a) лексикология;* *b) фонология;*
*c) фоностилистика;* *d) морфология.*

## ФОНОЛОГИК НАЗАРИЯЛАР

265. Тилшунослик тарихида товуш системаси неча даврга бўлиб ўрганилади?

*a) фонема тушунчаси пайдо бўлган давр ва фонология назариялари юзага келган давр;*

*b) фонема тушунчаси пайдо бўлгунга қадар бўлган давр ва фонология назарияларининг юзага келиш даври;*

*c) фонология назарияларининг юзага келган давр ва фонология мактабларини юзага келган даври;*

*d) фонема тушунчаси пайдо бўлишидан олдинги давр ва фонология тушунчаси пайдо бўлишидан олдинги даври.*

266. «Психологик фонология назариясига кўра фонема тилдаги товушларнинг психик эквиваленти ёки товуш тушунчасининг киши онгида ҳис этилган бирлигидир» деган фикрлар қайси олимга тегишли?

*a) И.А.Бодуэн де Куртенэ;* *b) Л.В.Шчерба;*
*c) Н.В.Крушевский;* *d) П.Пасси.*

267. И.А.Бодуэн де Куртенэнинг талантли шогирди ва устозининг илмий қарашларини ривожлантирган «Физик фонология назарияси»га асос солган олим?

*a) Н.В.Крушевский;* *b) Л.Р.Зиндер;*
*c) Л.В.Шчерба;* *d) В.И.Литкин.*

268. Қуйидаги олимлардан қайси бирлари Москва фонология мактабининг вакиллари ҳисобланади?

*a) А.А.Реформатский, П.С.Кузнецов, Л.Р.Зиндер;*
*b) М.Л.Матусевич, А.Н.Гвоздев, Ю.С.Маслов;*
*c) В.И.Литкин, М.Б.Панов, А.М.Сухоткин;*
*d) Б.Н.Сидоров, Р.Л.Аванесов, П.С.Кузнецов.*

269. Туркий тиллар фонетика ва фонологиясини ёритишда И.А.Бодуэн де Куртенэ ва Л.В.Шчерба анъаналарига асосланиб, ўзбек тили ва шеваларини ўрганишда катта хизмат қилган олим қайси қаторда берилган?

*a) Е.Д.Поливанов;* *b) В.В.Радлов;*
*c) В.А.Богородицкий;* *d) С.Е.Малов.*

270. 1920 йилда фонема термини ва тушунчасини биринчи марта туркий тиллар грамматикасига олиб кирган олим ким эди?

*a) Е.Д.Поливанов;* *b) Н.К.Дмитриев;*
*c) Л.В.Шчерба;* *d) В.В.Радлов.*

271. 1920 йилда фонема тушунчаси туркий тилларга олиб кирилгандан сўнг, ўзбек тилшунослигида биринчи марта қайси олим томонидан амалда қўлланган?

*a) Е.Г.Поливанов;* *b) Н.К.Дмитриев;*
*c) Л.В.Шчерба;* *d) В.В.Радлов.*

272. Прага лингвистика мактаби фонология назарияси асосчилари бўлган олимлар?

*a) Е.Г.Поливанов, Н.К.Дмитриев, Р.Якобсон;*
*b) Н.С.Трубецкой, В.Матезиус, Б.Трнка;*
*c) Л.Вахек, Р.Якобсон;*
*d) б ва с жавоблар тўғри.*

273. Лондон фонология мактаби фонология назариясининг йирик намояндаларидан бири?

*a) Г.Жоунз;* *b) У.Туодл;*
*c) С.Л.Бернштейн;* *d) Р.Якобсон.*

274. 1935 йили макро ва микрофонема назарияси ким томонидан таклиф этилган?

*a) Г.Жоунз;* *b) У.Туодл;*
*c) С.Л.Бернштейн;* *d) Р.Якобсон.*

## ТРАНСКРИПЦИЯ

275. Маълум тил ёки шевадаги товушлар талаффузини, айрим шахслар нутқини махсус белгилар ёрдамида айнан ёзиб олиш нима деб аталади?

*a) транслитерация;* *b) фонетик алфавит;*
*c) тонограмма;* *d) транскрипция.*

276. Транскрипция неча хил бўлади?

*a) 2;* *b) 3;*
*c) 4;* *d) 1.*

277. Фонетик транскрипцияни яна қандай ном билан юритамиз?

*a) фонологик транскрипция;* *b) аллофоник транскрипция;*
*c) графематик транскрипция;* *d) морфемик транскрипция.*

278. Ёзувдаги баъзи тузатишлар ва ўзгартиришлар асосида тузилган белгилар қандай транскрипция дейилади?

*a) фонологик транскрипция;*
*b) фонематик транскрипция;*
*c) графематик транскрипция;*
*d) аллофоник транскрипция.*

279. Транскрипцияни такомиллаштиришга ҳисса қўшган тилшунослар кимлар?

*a) Л.Б.Шчерба, Е.В.Поливанов;*
*b) Н.С.Трубецкой, Р.Л.Аванесов;*
*c) Ю.С.Маслов, В.Л.Литкин;*
*d) А.Н.Твандев, Л.Р.Зиндер.*

280. Халқаро Фонетик Ассоциацияси томонидан транскрипция яратиш қачон таклиф этилган?

*a) 1900-1903 йилларда;* *b) 1907-1908 йилларда;*
*c) 1925-1926 йилларда;* *d) 1910-1912 йилларда.*

281. Халқаро Фонетик Ассоциацияси томонидан таклиф этилган транскрипция нима деб номланади?

*a) алфавит;*
*b) халқаро фонетика;*
*c) халқаро фонетик алфавит;*
*d) халқаро алфавит белгилари.*

282. Алоҳида транскрипция системасига эга бўлган тиллар қайси

ҳисобланади?

*a) славян тиллари, фин-угор;*

*b) туркий тиллар, герман тиллари, роман тиллари;*

*c) хитой-тибет тиллари, герман тиллари;*

*d) туркий тиллар ва славян тиллари.*

283. Туркий тиллар учун бирлашган транскрипцияни қайси олим таклиф этган?

*a) Н.А.Баскаков;* *b) Л.В.Шчерба;*

*c) Е.В.Поливанов;* *d) Ю.С.Маслов.*

284. Сўзлар ва уларнинг турларини ўрганишда қўлланувчи транскрипция нима деб аталади?

*a) морфематик транскрипция;*

*b) графематик транскрипция;*

*c) фонетик транскрипция;*

*d) лексематик транскрипция.*

## ТРАНСЛИТЕРАЦИЯ

285. Транслитерация қайси тилдан олинган ва қандай маъно англатади?

*a) грек. trans – маъно, litera – товушлар;*

*b) лот. trans – орқали, litera – ҳарфлар;*

*c) лот. trans – бирлаштирилган, litera – қўшимчалар;*

*d) грек. trans – кўчирилган, litera – нусха.*

286. Транслитерациянинг тилимиздаги аҳамияти қандай?

*a) тилнинг талаффуз системасини ўрганиш;*

*b) бир тилдаги сўзларни бошқа тилларда ёзиш;*

*c) фраза ва гапларнинг интонациясини ўрганиш;*

*d) тилдаги товушлар ва урғунинг хусусиятларини ўрганиш.*

287. Қайси тилшунос олим транслитерация бўйича фанга янгилик киритган?

*a) Н.А.Баскаков;* *b) И.А.Бодуэн де Куртенэ;*

*c) Л.В.Шчерба;* *d) Ш.Шоабдураҳмонов.*

288. Рус тилшунос олими Л.В.Шчербанинг транслитерация бўйича фанга киритган таклифи қандай?

*a) русча киши номлари ва географик номларни лотин ҳарфлари*

*билан транслитерация қилиш;*

*b) русча киши номлари ва географик номларни русча ҳарфлар билан транслитерация қилиш;*

*c) русча киши номлари ва географик номларни транслитерация қилмаслик;*

*d) рус тилидаги барча сўзларни лотин ҳарфлари билан транслитерация қилиш.*

289. Бир тилдаги киши номлари нима деб аталади?

*a) топонимлар;* *b) омонимлар;*

*c) антропонимлар;* *d) омографлар.*

290. Антропонимлар қайси тилдан олинган ва қандай маъно англатади?

*a) грек. anthropos – одам, onyma – халқ;*

*b) лот. anthropos – одам, onyma – тўплам;*

*c) лот. anthropos – одам, onyma – миқдор;*

*d) грек. anthropos – одам, onyma – ном.*

291. Географик номлар – ... дейилади.

*a) антропонимлар;* *b) ономастика;*

*c) топонимлар;* *d) эпентеза.*

292. Транслитерация бир тилдаги киши номлари, географик номлар ва бошқа номларнинг иккинчи тилда беришда асосан нималарни ҳисобга олади?

*a) тилнинг фонетик системасини;*

*b) тилнинг морфологик системасини;*

*c) тилнинг график ва грамматик белгилари;*

*d) бир хил ёки ўхшаш бўғинлар.*

293. Транслитерацияда қандай белгилар ҳисобга олинмайди?

*a) товушлар системаси;* *b) ёзув шакли;*

*c) тилдаги товушлар;* *d) қўшимча ҳарфлар ёки диакритик белгилар.*

294. Webster, Martinet, Ealton, Theador сўзлари қандай транслитерация қилинади?

*a) Вебстер, Мартина, Элтон, Тедор;*

*b) Уэлстер, Мартине, Элтон, Тодор;*

*c) Уэбстер, Мартине, Эльтон, Теодор;*

*d) Вебтер, Мертине, Элтан, Тадон.*

# ОРФОЭПИЯ

295. Тилдаги сўзларнинг талаффузи ва ёзуви умумий талаффуз нормалари бўйича қандай форматларга эга?

*a) фонетик ва лексик;* *b) синтактик ва грамматик;*

*c) оғзаки ва ёзма форма;* *d) график ва грамматик форма.*

296. Орфоэпия қайси тилдан олинган?

*a) грек. orthos – тўғри, epos – нутқ;*

*b) лот. orthos – тўғри, epos – норма;*

*c) лот. orthos – тўғри, epos – қоида;*

*d) грек. orthos – тўғри, epos – талаффуз.*

297. Орфоэпия – ... тўпламидир.

*a) маълум тилнинг тўғри талаффуз норма ва қоидалари;*

*b) тилдаги барча сўзлар ва иборалар;*

*c) маълум тилнинг тўғри ёзиш норма ва қоидалари;*

*d) тилдаги фонетик, лексик, грамматик бирликлар.*

298. Орфоэпиянинг асосини нима ташкил этади?

*a) тилнинг лексик системаси (сўз, ибора);*

*b) тилнинг фонетик системаси (урғу, товуш, бўғин, интонация);*

*c) тилнинг грамматик системаси (сўз бирикмаси, гап матни);*

*d) тилнинг тўғри ёзиш системаси.*

299. Орфоэпик норма нима?

*a) тўғри талаффуз этиш;*

*b) тўғри ёзиш қоидалари;*

*c) сўз ва унинг фонологик хусусиятлари;*

*d) тўғри талаффуз ва тўғри ёзиш.*

300. Орфоэпик нормадан четга чиқиш ҳоллари нималарда кузатилади?

*a) вульгар ва варвар сўзларда;*

*b) шевалар ва жаргонларда;*

*c) сўзларни бузиб талаффуз қилишда;*

*d) шева, вульгар сўзлар ва сўзларни бузиб талаффуз қилишда.*

301. Қайси каторда вульгар сўзларга тўғри изоҳ берилган?

*a) икки ёки ундан ортиқ тил бирлигининг ўзаро боғлиқлиги, муносабатдорлиги;*

*b) нутқдаги интонацияни турли махсус белгилар асосида илмий амалий жиҳатдан кўрсатиш учун қўлланувчи сўзлар;*

*c) адабий тилга кирмайдиган қўпол сўзлар ва иборалар;*

*d) бир типдаги икки хил ҳодисанинг бир-бирига қарама-қарши ҳолда гуруҳланиши.*

302. Рус адабий тилининг талаффузига қайси шевалар асос қилиб олинган?

*a) Москва ва Томск;*

*b) Санкт-Петербург ва Москва;*

*c) Санкт-Петербург ва Ленинград;*

*d) Томск ва Омск.*

303. Ўзбек адабий тилининг талаффузига қайси шевалар асос қилиб олинган?

*a) ж ловчи шевалар;*

*b) Тошкент ва Фарғона шевалари;*

*c) Сурхон ва Хоразм шевалари;*

*d) Тошкент ва Ўғуз шевалари.*

304. Орфоэпик норма тўғри изоҳланган қаторни белгиланг.

*a) тилдаги сўзларни тўғри ёзиш нормаси;*

*b) тилдаги сўзларни тўғри талаффуз қилиш нормаси;*

*c) тилдаги тарихий фонетик ўзгаришлар нормаси;*

*d) тилдаги фонетик-фонологик қонуниятлар нормаси.*

305. Даврлар ўтиши билан тилнинг орфоэпик нормаси асосан қандай ўзгаришлар натижасида ўзгариши мумкин?

*a) лексик ва фонетик;* *b) грамматик;*

*c) фонетик ва фонологик;* *d) синтактик ва фонетик.*

306. Ўзлашган сўзларнинг талаффузи қабул қилинган тилнинг орфоэпик нормасига асосланади. Бунда ниманинг ўрни катта?

*a) нутқ товушлари;* *b) бўғин;*

*c) урғу;* *d) интонация.*

307. Орфоэпиянинг тилимиздаги аҳамияти қандай?

*a) четдан кирган сўзларни тўғри ёзиш;*

*b) четдан кирган сўзларни тўғри талаффуз қилиш;*

*c) тилдаги барча сўзларни тўғри ёзиш;*

*d) нутқ маданиятидаги барча талаффуз хусусиятларини адабий нормага солиш.*

## ТИЛДАГИ ТАРИХИЙ ФОНЕТИК ЎЗГАРИШЛАР ВА ФОНЕТИК ФОНОЛОГИК ҚОНУНИЯТЛАР

308. Тилдаги тарихий-фонетик ўзгаришлар қандай конуниятлар асосида рўй беради?

*a) фонетик ва фонологик;* *b) грамматик ва лексик;*
*c) фонетик ва лексик;* *d) синтактик ва фонологик.*

309. Фонетик ва фонологик қонуниятлар … ҳисобланади.

*a) тилнинг ташқи имкониятлари;*
*b) тилнинг ички имкониятлари;*
*c) физик ва физиологик қонуниятлар;*
*d) мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодиса.*

310. Тилдаги тарихий-фонетик ўзгаришларни ўрганувчи тилшунослик соҳаси нима деб аталади?

*a) сегментал фонетика;*
*b) суперсегментал фонетика;*
*c) экспериментал фонетика;*
*d) қиёсий-тарихий фонетика.*

311. Тарихий (ёки диахроник) фонетикага берилган тўғри изоҳни топинг.

*a) тилдаги фонетик хусусиятларни ривожланишини ўрганувчи соҳа;*

*b) товушларни тилдаги функционал томонларини ўрганувчи соҳа;*

*c) нутқ товушларини ҳосил бўлишини ўрганувчи соҳа;*

*d) нутқ товушларидан катта бўлган бирликларни ўрганувчи соҳа.*

312. Қайси каторда тиллар типологияси номи билан аталувчи соҳага тўғри изоҳ берилган?

*a) тилдаги фонетик хусусиятларнинг ривожланишини ўрганувчи соҳа;*

*b) товушларнинг тилдаги функционал томонларини ўрганувчи соҳа;*

*c) ҳозирги давр тилшунослигида жаҳон тилларининг ўхшаш ва фарқли аломатларини ўрганувчи соҳа;*

*d) нутқ товушларидан катта бўлган бирликларни ўрганувчи*

*соҳа.*

313. Тиллар типологияси номи билан аталувчи соҳанинг фонетикага доир қисми нима деб аталади?

*a) хусусий ва умумий фонетика;*

*b) экспериментал фонетика;*

*c) сегментал фонетика;*

*d) қиёсий-типологик фонетика.*

314. Фонология соҳаси фанда қандай изоҳланади?

*a) грек. phone – товуш, logos – таълимот. Нутқ товушларини сўз ва морфемаларнинг товуш қобиғини фарқловчи восита сифатида ўрганади;*

*b) грек. phone – товуш, logos – таълимот. Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида нутқ органларининг фаолияти ва ҳолати;*

*c) лот. phone – товуш, logos – таълимот. Тилда мавжуд бўлган сўзлар йиғиндиси;*

*d) лот. phone – товуш, logos – таълимот. Нутқ товушларидан катта бўлган бирликларни ўрганувчи соҳа.*

315. Қариндош ва қариндош бўлмаган тиллардаги ўзга-ришларни ва ҳозирги фонетик ва фонологик ўхшашлик ва фарқларини ўрганиш натижасида қандай соҳалар вужудга келди?

*a) қиёсий-тарихий фонетика;*

*b) суперсегментал фонетика;*

*c) типологик ёки қиёсий- типологик фонетика;*

*d) экспериментал фонетика.*

316. Тарихий-фонетик ва фонологик ўзгаришларни ўрганишдаги фонетик ва фонологик қонуниятлар нечта типга бўлинади ва улар қайсилар?

*a) иккита: умумий ва хусусий фонетик қонуниятлар;*

*b) иккита: диахроник ва синхроник фонетик қонуниятлар;*

*c) учта: умумий, хусусий, диахроник фонетик қонуниятлар;*

*d) тўртта: умумий, хусусий, диахроник, синхроник фонетик қонуниятлар.*

317. Барча тилларга хос бўлган универсал ҳолдаги тартиб ва қоидаларни белгилаб берувчи фонетик ва фонологик тип қайси?

*a) хусусий фонетик қонуниятлар;*

*b) умумий фонетик қонуниятлар;*

*c) диахроник фонетик қонуниятлар;*

*d) синхроник фонетик қонуниятлар.*

318. Сингармонизм фанда қандай изоҳланади?

*a) грек. sun – бирга, hormonia – оҳангдошлик. Кейинги товуш таъсирида олдинги товуш унга ўхшаб қолади;*

*b) лот. sun – бирга, hormonia – оҳангдошлик. Олдинги товуш таъсирида кейинги товуш унга ўхшаб қолади;*

*c) грек. sun – бирга, hormonia – оҳангдошлик. Сўзнинг асоси ва аффикс таркибидаги унлиларнинг ўзаро уйғунлашуви, гармонияси;*

*d) лот. sun – бирга, hormonia – оҳангдошлик. Унлиларнинг уйғунлашуви ва уларнинг гармонияси.*

319. Сингармонизм конунияти туркий тилларда нимада билинади?

*a) сўз ўзагидаги унлининг унинг аффиксидаги унли билан уйғунлашувида;*

*b) сўз ўзагидаги ундошнинг унинг аффиксидаги ундош билан уйғунлашувида;*

*c) сўз ўзагидаги ундошнинг унинг аффиксидаги унли билан уйғунлашувида;*

*d) сўз ўзагидаги унлининг унинг аффиксидаги ундош билан уйғунлашуви.*

320. Қирғиз тилида сингармонизм қонуниятига мисол бўлувчи қаторни топинг.

*a) аттар, баштар;* *b) барар, гашар;*

*c) бурун, қурум;* *d) оттуз, мойун, тунду;*

321. Фонетик ва фонологик қонуниятлардан қайси бири айрим тиллар учун хос?

*a) диахроник фонетик қонуниятлар;*

*b) синхроник фонетик қонуниятлар;*

*c) умумий фонетик қонуниятлар;*

*d) хусусий фонетик қонуниятлар.*

322. Бошқа туркий тилларга хос бўлган сингармонизм илгари ўзбек тилида мавжуд бўлганда унли фонемалар нечта эди?

*a) саккиз-тўққизта;* *b) ўн-ўн битта;*

*c) тўққиз-ўнта;* *d) ўн бир-ўн иккита.*

323. Қандай фонетик ва фонологик аломатлар фақатгина ўзбек тилига хос?

*a) унлиларнинг тилнинг кўтарилиши (юқори, ўрта, қуйи) ва лабнинг ҳолатига кўра фонологик оппозицияни ташкил этиши;*

*b) унлиларнинг уйғунлашуви ва уларнинг гармонияси;*

*c) тилдаги товуш ўзгаришлари ва урғунинг табиатига оид хусусиятлари;*

*d) тилдаги янги талаффуз тенденциялари.*

324. Ўзбек тилида о фонемаси ҳақида икки хил таъриф мавжуд бўлиб, биринчиси қандай изоҳланади?

*a) ташқи факторларга асосланиб, ўзбек тилидаги о фонемаси форс-тожик тилининг таъсири остида ҳосил бўлган деб ҳисобланади;*

*b) ўзбек тилидаги о фонемаси ташқи факторларга асосланиб, а фонемасининг лаб ва чуқур тил орқа ундошларидан кейин келиб о-лашганини кўрсатади;*

*c) ташқи факторларга асосланиб, ў ва у фонемаларининг лаб ва тил орқа ундошларидан кейин келиб о-лашганини кўрсатади;*

*d) ташқи факторларга асосланиб, а фонемасининг тиш ва тил олди ундошларидан олдин келиб о-лашганини кўрсатади.*

325. Ўзбек тилидаги о фонемаси ташқи факторларга асосланиб форс-тожик тилининг таъсири остида ҳосил бўлган, деб ҳисобланади. Ушбу қарашлар қайси тилшунос олимга тегишли?

*a) Б.А.Серебенников;* *b) Ш.Шоабдураҳмонов;*

*c) Е.Д.Поливанов;* *d) О.С.Ахманова.*

326. Эрон тиллари таъсири остида ўзбек ва туркман тилларида бўлган қайси фонема йўқолган?

*a) веляр м;* *b) веляр н;*

*c) веляр р;* *d) веляр л.*

327. Қайси тилшунос олим сингармонизмнинг йўқолишига ҳам эрон тиллари таъсир қилган деган маълумотларни ўз китобларида берган?

*a) И.Қўчқортоев;* *b) О.Азизов;*

*c) О.С.Ахманова;* *d) Ш.Шоабдураҳмонов.*

328. Фонетик қонуниятлар хронологик жиҳатдан қандай турларга бўлинади?

*a) 2 та: умумий ва хусусий қонуниятлар;*

*b) 2 та: диахроник ва синхроник фонетик қонуниятлар;*

*c) 3 та: диахроник, синхроник ва умумий фонетик қонуниятлар;*

*d) 4 та: диахроник, синхроник, умумий ва хусусий фонетик қонуниятлар.*

329. Бир гуруҳ тиллар ёки айрим тил тарихида рўй берган тарихий-фонетик ва фонологик ўзгаришларни ўз ичига олувчи қонуният, бу – …

*a) синхроник фонетик қонуниятлар;*

*b) диахроник фонетик қонуниятлар;*

*c) умумий фонетик қонуниятлар;*

*d) хусусий фонетик қонуниятлар.*

330. Диахроник (тарихий) фонетика ва фонологияга тўғри таъриф берилган қаторни топинг.

*a) тилдаги фонетик хусусиятларнинг жаҳон тилларининг ўхшаш ва фарқли аломатларини ўрганувчи соҳа;*

*b) нутқ товушларининг ҳосил бўлиши ва уларнинг хусусиятларини ўрганувчи соҳа;*

*c) бирор тил шевасига хос бўлган тил бирликларини ўрганувчи соҳа;*

*d) айрим бир тилнинг тарихида рўй берган тарихий-фонетик ва фонологик ўзгаришларни тарихий ходисаларни ўрганувчи тил тарихининг бир соҳаси.*

331. Ҳозирги даврда бўлаётган бир қанча тиллардаги ёки маълум бир тилдаги ўзгаришлар ва ургунинг табиатига оид хусусиятларни изоҳлаб берувчи қонуният – …

*a) умумий фонетик қонуниятлар;*

*b) хусусий фонетик қонуниятлар;*

*c) диахроник фонетик қонуниятлар;*

*d) синхроник фонетик қонуниятлар.*

332. Ҳозирги ўзбек тилида унлилар тил олди ва тил орқа ундошларидан кейин тил орқа вариантларига эга бўлади. Бу қайси қонуниятга хос?

*a) умумий фонетик қонуниятлар;*

*b) хусусий фонетик қонуниятлар;*

*c) диахроник фонетик қонуният;*

*d) синхроник фонетик қонуният.*

333. Тарихий фонетик ва фонологик ўзгаришларнинг туркий тиллар

ва уларнинг шеваларига хос бўлган ҳодисалар қайси қаторда тўғри берилган?

*a) умлаут;*

*b) аблаут;*

*c) конвергенция ва дивергенция;*

*d) о, й, ж, ё - лашиш ҳодисалари.*

334. Умлаут (нем. umlaut – унлини алмаштириш) ҳодисасига тўғри изоҳ берилган қаторни топинг.

*a) ички функциядаги товуш алмашиниш;*

*b) тил орқа лабланган унлиларнинг кейинг бўғиндаги (ж) товуши таъсирида тил олди ҳолатига ўтиши;*

*c) икки фонеманинг бир фонемага бирлашуви;*

d) бир фонеманинг икки фонемага ажралиши.

335. Аблаут ҳодисаси тилшуносликда қандай изоҳланади?

*a) ички флексиядаги товуш алмашуви;*

*b) икки фонеманинг бир фонемага бирлашуви;*

*c) бир фонеманинг икки фонемага ажралиши;*

*d) тил орқа унлиларнинг кейинги бўғиндаги (ж) товуш таъсирида тил олди ҳолатига ўтиши.*

336. Умлаут ва аблаут қайси тиллар учун хос?

*a) ҳинд;* *b) славян;*

*c) герман;* *d) туркий.*

337. Икки фонеманинг бир фонемага бирлашуви нима деб аталади?

*a) стенография;* *b) гаплология;*

*c) дивергенция;* *d) конвергенция.*

338. Бир фонеманинг икки фонемага ажралиши нима деб аталади?

*a) конвергенция;* *b) дивергенция;*

*c) тонограмма;* *d) умлаут ёки аблаут;*

339. Ўзбек тили тарихида бўлган тил олди ва тил орқа, қисқа ва чўзиқ унли фонемалар кейинчалик бирлашиб, ўрта чўзиқликка эга бўлган 6 та унли фонемани ҳосил қилган. Ушбу ҳодиса фонетик ва фонологик ўзгаришларнинг қайси турига киради?

*a) умлаут ёки аблаут;*

*b) о, й, ж, ё - лашиш ҳодисалари;*

*c) конвергенция;*

*d) дивергенция.*

340. Қадимги туркий тилда битта а фонемаси кейинчалик икки фонемага ажралган. Бу ҳодиса қайси жараённинг натижасидир?

*a) умлаут;* *b) аблаут;*
*c) конвергенция;* *d) дивергенция.*

341. Нутқда товушларнинг қўшни товушлар натижасида миқдор ва сифат белгиларининг ўзгариши … дейилади.

*a) комбинатор ўзгариш;* *b) позицион ўзгариш;*
*c) умлаут ёки аблаут;* *d) конвергенция ва дивергенция;*

## ЁЗУВ

342. Ёзув учун ниманинг аҳамияти йўқ?

*a) вақт ва масофа;* *b) хабар етказиш;*
*c) фикрлаш ва ўйлаш;* *d) тилдаги ўзгаришлар.*

343. Илмий символиканинг асоси нима?

*a) ҳарф ёзуви;* *b) хабар етказиш;*
*c) орфографик тамойиллар;* *d) орфоэпик тамойиллар.*

344. «Солиҳ махдумнинг жўмардлиги кўпинча пайса этдан нарига ошмас, шунда ҳам болалардан мўмайроқ «озодлик» келиб қолса ёки панжшанбалик кутгандан ҳам ортиқ тушса…» (А.Қодирий. «Меҳробдан чаён»)
Ушбу жумлада берилган архаик сўзлар қатори қайсилар?

*a) «озодлик», панжшанбалик, жўмардлик;*
*b) Солиҳ махдум, «озодлик», панжшанбалик;*
*c) пайса, мўмайроқ, меҳроб;*
*d) махдум, жўмардлик, пайса.*

345. Ҳозиргача ўз ёзуви бўлмаган халқлар қаерда учрайди?

*a) Осиё қитъасида;* *b) Австралия қитъасида;*
*c) Америка қитъасида;* *d) Россия, Хитой, Бразилияда.*

346. Бошланғич даврларда хотирада сақлаб қолишнинг воситаси нима бўлган?

*a) табиат предметлари, яъни предметлар символикаси;*
*b) сўзларни ёзиб олиш;*
*c) тараққиётни кузатиш;*
*d) ниманинг қаердалигини эслаб қолиш.*

347. Қарама-қарши қабила вакилларининг навбатма-навбат трубка чекиши нимани ифодалаган?

*a) олов доимо муҳимлигини;* *b) дўстлик ва ҳурматни;*
*c) саломатликни;* *d) тинчликни.*

348. Славян қабилаларида дўстлик ва ҳурмат белгисини ифодаловчи предметлар?

*a) оқ ранг ва оқ маржон;*
*b) меҳмонни нон ва туз билан кутиб олиш;*
*c) трубка чекиш;*
*d) қўшиқ айтиб давра атрофини айланиш.*

349. Геродотнинг ҳикоя қилишича, скифлар форсларга бир қанча нарсалар жўнатишган. Бу «предмет мактуби» қуйидагича ўқилган. «Агар сиз форслар, қуш каби осмонда уча олмасангиз, қурбақа каби ботқоқликда сакраб юролмасангиз, сичқон сингари ерга яширина олмасангиз, бизнинг камонларимиздан отилган ўқлар зарбидан йўқ бўлиб кетасизлар». Улар жўнатган предметлар қайсилар?

*a) қуш, қурбақа, сичқон ва камон;*
*b) қуш, қанот, қурбақа, камон;*
*c) қанот, ботқоқлик, тупроқ, ўқ;*
*d) камон, ўқ, қуш, сичқон.*

350. Абстракт тушунча – …

*a) борлиқдаги предметлар тушунчаси;*
*b) мавҳум тушунча;*
*c) предметни ўйлашимиз биланоқ онгимизда пайдо бўлган тасаввур тушунча;*
*d) тил бирлиги ёрдамида номланувчи воқелик.*

351. «Предмет мактуби» нима?

*a) ёзув орқали фикр ифодаланган мактуб;*
*b) жонли ва жонсиз нарсалар расмини чизиш;*
*c) мавҳум тушунчалар орқали фикр баён қилинган мактуб;*
*d) предмет орқали фикр баён қилинган мактуб.*

352. Вампум деб аталувчи ёзув қайси халқларнинг ёзуви ҳисобланади?

*a) славян;* *b) форс;*
*c) ҳинду;* *d) скиф.*

353. Вампум деб аталувчи ёзувда оқ ранг нимани ифодалаган?

*a) мусаффо осмон ва гўзал табиат;*

*b) оқ сут ва онани;*

*c) муҳаббат ва гўзалликни;*

*d) тинчлик ва саломатликни;*

354. Қора маржон нимани тасвирлаган?

*a) ёвузликни;*

*b) доҳийнинг ўлимини;*

*c) ёлғончилик ва фирибгарликни;*

*d) оила аъзоларидан бирининг ўлимини.*

## ПИКТОГРАФИЯ

355. Ўтмишда ҳозирги замон ёзувлари бўлмаган даврларда одамлар баъзи ҳодиса ва вокеаларни узоқ масофага етказиш ниятини ёки замонда абадийлаштириш максадларини жонли ва жонсиз нарсаларнинг расмини чизиш орқали амалга оширганлар. Бундай ёзув нима деб аталган?

*a) пиктографик ёзув;* *b) логографик ёзув;*

*c) иероглифик ёзув;* *d) символик ёзув.*

356. Пиктография терминининг луғавий маъносини топинг.

*a) pictus – «чизилган», grapho – «ёзаман»;*

*b) picto – «расм», grapho – «чизаман»;*

*c) pictograpik – «рассом», grapho – «ёзаман»;*

*d) pictus – «чизилган», grapho – «расм».*

357. Пиктографик ёзувнинг бирликлари қайси термин билан аталади?

*a) пиктографлар;* *b) логограммалар;*

*c) пиктограммалар;* *d) диаграммалар.*

358. Ўтмишда Мандан қабиласининг бир аъзоси савдогарга 2 бир-бирини кесиб ўтган чизиқ ва бу кесмаларнинг бир томонига бир милтиқ билан кундуз ва унинг устига 30 та параллел чизиқларни, иккинчи томонига эса савсар, сувсар ва қўтоснинг сурати чизилган мактубни юборгани маълум. Бу мактуб қандай маънони англатган?

*a) мен савсар, сувсар, қўтос териларини ва 30 қундузнинг терисини бир милтиққа алмаштиришга розиман;*

*b) мен сизга савсар, сувсар, қутоснинг териси, милтиқ ва 30 та қундузнинг терисини жўнатдим;*

*c) мен савсар, сувсар ва қўтос териларини бир милтиқ ва 30 та қундузнинг терисига алмаштиришга розиман;*

*d) мен бир милтиқ билан савсар, сувсар, қўтос ва 30 та қундузни овладим.*

359. Шимолий Америка маҳаллий халкларида тошбака қандай рамзий маъно англатган?

*a) ҳаёт;* *b) бахт;*

*c) дўстлик;* *d) сергаклик.*

360. Пиктографик ёзув қандай имкониятларга эга эмас эди?

*a) расмлар орасидаги муносабатларни, уларни тартибини кўрсата олмайди;*

*b) бир мактубни бир неча хил ўқишга, талқин қилишга олиб келади;*

*c) мавҳум тушунчаларни акс эттиришнинг иложи йўқ;*

*d) a, b, c жавоблар тўгри.*

## ЛОГОГРАФИК, ИЕРОГЛИФИК ВА МИХСИМОН ЁЗУВ

361. Жамият тараккиётида пиктографик ёзув аста-секин мукаммаллашиб борди ва натижада …

*a) михсимон ёзув пайдо бўлди;*

*b) идеографик ёзув пайдо бўлди;*

*c) иероглифик ёзув пайдо бўлди;*

*d) символик ёзув пайдо бўлди.*

362. Идеографик ёзув баъзи олимлар томонидан қандай атама билан изоҳланади?

*a) логографик;* *b) иероглифик;*

*c) михсимон;* *d) пиктографик.*

363. Нима учун олимлар идеографик ёзувни логографик ёзув деб атшади?

*a) чунки бундай ёзувдаги символлар фақат бизни ўраб турган муҳитдаги нарса-предмедларни акс эттиради;*

*b) логографик ёзув хабар қилиниши лозим бўлган мазмунни*

*анча муфассал акс эттира олади;*

*c) логографик ёзув барқарор логограммалардан ташкил топганлиги учун;*

*d) фақат бизни ўраб турган муҳитдаги нарса-предмедларни акс эттириб қолмай, тилдаги сўзларни ҳам акс эттиради.*

364. Логограммаларнинг пиктограммалардан асосий фарқи нима?

*a) логограмма бевосита предмет шакли бўлмай, у сўз маъносини акс эттирувчи шартли белгидир;*

*b) пиктограмма бевосита предметни акс эттиради, логограмма сўзнинг маъносини изоҳлайди;*

*c) пиктографик ёзувда сўз тартиби ва сўз формалари ноаниқроқ, логографик ёзувда эса аниқ бўлади;*

*d) a ва b жавоблар тўғри.*

365. Қадимги хитойликлар яхши сўзини ниманинг символи оркали кўрсатишган?

*a) дарахт;* *b) қуёш;*

*c) кабутар;* *d) она ва бола.*

366. Логографик ёзувнинг пиктографик ёзувдан афзал-ликларини аниқланг.

*a) логографик ёзув хабар қилиниши лозим бўлган мазмунни анча муфассал акс эттира олади;*

*b) пиктографик ёзувда сўз тартиби ва сўз формалари ноаниқроқ, логографик ёзувда эса аниқроқ бўлади;*

*c) пиктографик ёзув субъективликка, ихтиёрийликка йўл қўяди, логографик ёзув эса барқарор логограммалардан ташкил топади;*

*d) юқоридагиларнинг барчаси.*

367. Логографик ёзув атамасининг ўзаклари қайси жавобда акс этган?

*a) иероглифик ёзув;* *b) идеографик ёзув;*

*c) михсимон ёзув;* *d) барча жавоблар тўғри.*

368. Грекча hieroglupһoi сўзидан олинган бўлиб, луғавий маъноси «мукаддас ёзув» деган маънони билдирувчи ёзувни топинг.

*a) логографик ёзув;* *b) пиктографик ёзув;*

*c) идеографик ёзув;* *d) иероглифик ёзув.*

369. Маълумки, ҳозирги хитой ёзуви иероглифик ёзувдир. Шунга кўра I-II асрларда қайси хитой олими хитой иероглифларининг

каталогини тузиб чиққан?

*a) М.Коен;* *b) Шумер;*
*c) Сюй Шен;* *d) Син Сизян.*

370. I-II асрларда яратилган хитой иероглифларининг каталогига нечта иероглиф киритилган?

*a) 40 минг;* *b) 10,5 минг;*
*c) 2-5 минг атрофида;* *d) 15 минг.*

371. Хитой тилининг тўлиқ луғатларида неча минг иероглиф қайд қилинган?

*a) 20 минг;* *b) 40 мингдан ортиқ;*
*c) 2-5 минг;* *d) 10,5 минг.*

372. «Маълум шаклларнинг маълум предметларга боғланиб қолиши билан ...» Жумлани давом эттиринг.

*a) ёзув шакллари пайдо бўла бошлайди;*

*b) ёзув шакллари барқарор ва доимий бўлиб, у ҳамма вақт кишилар томонидан бир хил қабул қилинади;*

*c) бу шакллар билан улар ифодалаётган предметлар орасидаги ўхшашлик аҳамиятга эга бўлмай қолади;*

*d) бу шакллар ва предметлар орасидаги маъно бузилади.*

373. «Маълумки, ёзув шакллари маълум шароитларда бошқаларга тегишли маълумотларни етказиш мақсадида қўлланилади. Тез ёзиш ва кўпроқ маълумот етказиш мақсадида одамлар шаклларнинг баъзи иккинчи даражали элементларини тушириб қолдирадилар ва натижада ...» Таърифни давом эттиринг.

*a) улар ифодалаётган маъно ўзгариши мумкин;*

*b) ёзув шакллари ўзгариб кетишига сабаб бўлади;*

*c) бу шакллар билан улар ўртасидаги ўхшашлик камайиб, улар охири йўқ бўлиб кетиши мумкин;*

*d) ёзувнинг қисқарган шакллари ёки қисқартма сўзлар пайдо бўлади.*

374. Шакллари турли комбинациядаги узун ва қисқа михсимон чизиқлардан ташкил топган. Уларга пиктограмма ва логограммалар асос бўлган ёзувни аниқланг.

*a) Бехустун битиклари;*

*b) қадимги миххат ёзуви;*

*c) қадимги санскрит ёзуви;*

d) Ўрхун-Энасой ёзувлари.

375. Ёзувни оммавийлаштириш учун уни осонлаштириш, соддалаштириш ва қулайлаштириш керак. Шунга кўра, ёзувни соддалаштиришни қайси йўл билан амалга ошириш унумлироқ эди?

*a) лексик элементларнинг сонини янги шакллар билан кўпайтириш ўрнига янги тушунчаларни мавжуд логограммалар ёки иероглифлар комбинацияси орқали ифодалаш;*

*b) логограммаларни ўзак сифатида қолдириб, грамматик маънолар учун янги логограммалар ўйлаб топиш, уларни ўзак логограммаларга маъносига қараб қўшиш;*

*c) фонографик ёзувга ўтиш;*

*d) юқоридагиларнинг барчаси.*

## ФОНОГРАФИК ЁЗУВ

376. Фонографик ёзувга тўғри таъриф берилган қаторни аниқланг.

*a) тилнинг фақат грамматик кўринишини ифодалаб қолмай, унинг фонетик тузилишини, яъни сўзнинг товуш таркибини ҳам акс эттиради;*

*b) талаффузда товуш қандай эшитилса, шунга мос келадиган ҳарф ёзилиши лозим бўлган ёзув;*

*c) махсус тайёргарликни талаб қиладиган ва мутахассислар томонидан қўлланиладиган ёзув;*

*d) бу ёзувдаги символлар фақат бизни ўраб турган муҳитдаги нарса-предметларни акс эттириб қолмай, тилдаги сўзларни ҳам акс эттиради.*

377. Бу ёзувда иероглифлар бўғинларни ифодалайди. У ёки бу сўзни ёзишга тўғри келса, ана шу бўғинларни бир-бирига қўшиш усулидан фойдаланилади. Ушбу таъриф фонографик ёзувнинг қайси кўринишига хос?

*a) силлабик ёки бўғин ёзуви;* *b) фонематик ёзув;*

*c) ҳарф-товуш ёзуви;* *d) қўшиб ёзиш усули.*

378. Ҳиндларнинг деванагари ёзуви нечта белгига эга ва уларнинг нечтаси ёрдамчи белги?

*a) 50/13;* *b) 33/4;* *c) 50/4;* *d) 50/33.*

379. Деванагари ёзувида нечта белги бўғинни кўрсатади ва улар тилшуносликда нима деб юритилади?

*a) 50 та белги, диакритик белги;*
*b) 33 та белги, силлабограмма;*
*c) 13 та белги, силлабонлар;*
*d) 4 та белги, логограммалар.*

380. Кипр оролидаги қадимги греклар нечта силлабограммадан фойдаланишган?

*a) 50 та;* *b) 226 та;* *c) 60 та;* *d) 65 та.*

381. Бўғин ёрдами билан сўз тузиш имконияти кам бўлган баъзи тилларда кейинчалик бўғинлар билан ишлатиладиган турли белгилар кашф қилинди. Тилшуносликда бу белгилар қандай термин билан ишлатилади?

*a) диакритик белгилар;* *b) силлабограммалар;*
*c) фонографик белгилар;* *d) консонант белгилар.*

382. Араб ёзуви қайси ёзув турига мансуб?

*a) консонант ёзуви;* *c) ҳарф-товуш ёзуви;*
*b) бўғин ёзуви;* *d) a ва c жавоблар тўғри.*

383. Бўғин ёзувининг энг қадимгилари қачон ва қаерда яратилган?

*a) эрамиздан аввал 3 мингинчи йилларда Шумер давлатида;*
*b) 3 минг йил олдин ҳозирги Ироқ давлатида;*
*c) III асрда Финикия давлатида;*
*d) IV асрда Аккадлар давлатида.*

384. Финикия ёзувида «  » қандай талаффуз қилинган ва қандай маъно ифода этган?

*a) альфа / ҳайвон маъносини;*
*b) алеф / ҳўкиз маъносини;*
*c) альфа / бурчак маъносини;*
*d) альфа / ҳўкиз маъносини.*

385. Ҳозирги вақтда жаҳон аҳолисининг тўртдан уч қисми қайси ёзувдан фойдаланади?

*a) араб ёзувидан;* *b) бўғин ёзувидан;*
*c) лотин ёзувидан;* *d) ҳарф-товуш ёзувидан.*

386. Ҳарф-товуш ёзуви ҳозирги вақтда нечта йирик ёзув

системасидан иборат?

*a) 2;* *b) 3;* *c) 4;* *d) 5.*

387. Лотин алифбоси асосидаги ёзувдан жаҳон аҳолисининг неча фоизи фойдаланади?

*a) 30%;* *b) 10%;* *c) 20%;* *d) 25%.*

388. Ҳозирда араб ёзувидан қайси тиллар кенг фойдаланади?

*a) славян тилларида;* *b) семит, форс;*

*c) ўзбек ва форс тили;* *d) рус ва лотин тили.*

## АЛФАВИТ

389. Алфавит атамасига тўғри таъриф берилган қаторни аниқланг.

*a) сўз хазинаси, ундан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, инсон билимини кенгайтириш, луғат бойлигини оширишда, фикрни тўғри ва равон ифодалашда муҳим омилдир;*

*b) конкрет фонографик ёзувга оид бўлиб, тарихий қабул қилинган тартибда берилган ҳарфлар йиғиндисидир;*

*c) маълум тил ёки шевадаги товушлар талаффузини, айрим шахслар нутқини махсус белгилар ёрдамида ёзиш;*

*d) тўғри жавоб берилмаган.*

390. Эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган ёзув турини аниқланг.

*a) консонант товуш ёзуви;* *b) вокаллашган ёзув;*

*c) бўғин ёзуви;* *d) оромий ёзуви.*

391. Миср ёзуви намуналари 1822 йил ким томонидан ўқилган ва бунда нечта ундош товуш иероглиф билан кўрсатилган?

*a) М.Коэн / 24 та;* *b) А.Мейе / 25 та;*

*c) Ж.Ф.Шамполиан / 26 та;* *d) Л.Р.Зиндер / 26 та.*

392. Ливан тоғ тизмасининг шарқидан эрамиздан олдин XII-X асрларда финикия ёзуви топилгани маълум ва бу нечта белгидан иборат эди?

*a) 22;* *b) 24;* *c) 17;* *d) 26.*

393. Уйғур, муғул, бурят ёзувлари қайси ёзув асосида юзага келди?

*a) оромий ёзуви;* *b) араб ёзуви;*

*c) эрон ёзуви;* *d) финикий ёзуви.*

394. Эрамиздан аввалги 403-йилдан бошлаб Афинада классик грек алфавити қўллана бошланди. У 24 ҳарфдан иборат бўлиб, нечтаси ундош, нечтаси унлини ифода этган?

*a) 17 таси ундош, 7 та унли;*

*b) 7 ундош, 17 та унли;*

*c) 20 ундош, 4 та унли;*

*d) 19 ундош, 5 та унли.*

395. Унли товушларни ифодалайдиган ҳарфларни ёзув системасига кимлар киритган?

*a) араблар;*

*c) оромийлар;*

*b) греклар;*

*d) эронликлар.*

396. «Ғарбий грек ёзуви асосида лотин ёзуви пайдо бўлган бўлса, шарқий грек ёзуви асосида ...» Жумлани давом эттиринг.

*a) кирилл ёзуви пайдо бўлди;*

*b) грузия ёзуви пайдо бўлди;*

*c) арман ёзуви пайдо бўлди;*

*d) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.*

397. Ҳозирги замон ёзувларидан нечтаси лотин алифбосига асосланган?

*a) 70 таси;*

*b) 30 таси;*

*c) 20 таси;*

*d) 50 таси.*

398. Славян алифбоси IX аср охири – X аср бошларида пайдо бўлди ва бу ёзув VII-VIII аср грек ёзувини қайта ишлаш натижасида юзага келиб, тилшуносликда... номини олди.

*a) грек ёзуви;*

*b) славян ёзуви;*

*c) кириллица ёзуви,*

*d) оромий ёзуви.*

399. Ўзбек халқи қачондан рус графикасига асосланган ёзувга ўтди?

*a) 1929 йилдан;*

*b) 1940 йилдан;*

*c) 1930 йилдан;*

*d) 1918 йилдан.*

## ГРАФИКА

400. Графика терминига берилган энг тўғри таърифни топинг.

*a) тўғри ёзув деган маънони ифодалаб, алфавитнинг ёзувдаги қўлланиш қоидалари, яъни сўзларни тўғри ёзиш қоидаларини белгилашдир;*

*b) маълум тилнинг тўғри талаффуз норма ва қоидалари тўпламидир;*

*c) ёзилган, ифодаланган деган маъноларни англатиб, ҳарфларнинг ёзилиш формаларини ва ҳарф билан товуш орасидаги муносабатни ўрганадиган фандир;*

*d) тўғри жавоб берилмаган.*

401. Графиканинг ўрганиш объектини аниқланг.

*a) ҳарфларнинг ёзилиш формалари, турлари, хусусиятлари, сўзлардаги ўрни ва улар ифодалаган товушларнинг хусусиятлари каби масалалар;*

*b) одатда, товушлар турли график формага эга бўлади. булар ўртасидаги фарқни аниқлаш;*

*c) алфавитнинг ёзувдаги қўлланиш қоидалари, яъни сўзларнинг тўғри ёзиш қоидаларини белгилаш;*

*d) ҳарф ва товуш ўртасидаги муносабат.*

402. Пиктографик ёзув қандай эҳтиёжлар учун фойдаланилади?

*a) кўча ҳаракати қоидаларини кўрсатишда;*

*b) картографияда;*

*c) математикада;*

*d) реклама эҳтиёжлари учун.*

403. Меҳмонхоналарда маҳаллий тилни билмайдиган хорижийларнинг ишини осонлаштириш учун қайси ёзувдан фойдаланилади?

*a) идеографик;* *b) логографик;*

*c) пиктографик;* *d) иероглифик;*

404. Биз идеограммалардан қаерда, қандай эҳтиёжлар учун фойдаланамиз?

*a) сартарошхоналар ва офисларнинг эшикларига сурат солишда;*

*b) реклама эҳтиёжлари учун;*

*c) картография, математика ва химияда;*
*d) оғзаки мулоқот эҳтиёжи учун.*

## ОРФОГРАФИЯ

405. Орфографиянинг асосий вазифаси нима?
*a) тўғри ўқиш қоидаларини ўрганиш;*
*b) алфавитнинг ёзувдаги қўлланиш қоидаларини ўрганиш;*
*c) сўзларни тўғри ёзиш қоидаларини ўрганиш;*
*d) b ва c жавоблар тўғри.*

406. Қумлоққа, теракка, эшикка сўзлари қайси тамойил асосида ёзилган?
*a) фонетик;* *b) тарихий;*
*c) идеографик;* *d) фонематик.*

407. Қайси тилнинг орфографиясида фонетик тамойил кўпрок қўлланилади?
*a) рус;* *b) инглиз;*
*c) белорус;* *d) ўзбек.*

408. Ўтмишда қандай ёзилиб келинганлигига асосланган тамойил нима дейилади?
*a) фонематик;* *b) анъанавий;*
*c) символик;* *d) фонетик.*

409. -ди, -и(б) каби қўшимчаларнинг, қандай талаффуз қилинишидан қатъи назар, бир хил ёзилиши қайси тамойил асосида?
*a) морфологик;* *b) фонетик;*
*c) символик;* *d) анъанавий.*

410. Тилдаги ёнма-ён турган икки ўхшаш элементнинг бир-бири билан қўшилиб кетиши ва улардан фақат биттасининг талаффуз қилиниши нима дейилади?
*a) фонология;* *b) гаплология;*
*c) символика;* *d) идеография.*

411. Қайси тамойил фонетика ажрата олмайдиган лексик омонимларнинг фарқини кўрсатади?
*a) символик;* *b) идеографик;*
*c) тарихий;* *d) фонематик.*

## ЁЗУВНИНГ МАХСУС ТУРЛАРИ

412. Стенография сўзи қайси тилдан олинган?

*a) юнон;* *b) лотин;*
*c) араб;* *d) грек.*

413. Стенография ёзуви кимлар томонидан қўлланилади?

*a) оддий халқ;* *b) мутахассислар;*
*c) маълум ҳудуд вакиллари;* *d) тилшунослар.*

414. Стенография ва транскрипция ёзувнинг қайси турига киради?

*a) умумий;* *b) шаклий;*
*c) фонетик;* *d) махсус.*

## ЛЕКСИКОЛОГИЯ

415. Сўзларнинг ҳосил бўлиши, луғат таркибининг бойиши ва нутқда ишлатилиши, маъноларнинг ўзгариши каби бир қатор масалаларни қайси соҳа ўрганади?

*a) грамматика;* *b) лексикология;*
*c) синтаксис;* *d) морфология.*

416. Грекча маъно, белги маъноларини англатиб, лексик бирликларнинг маъно томонларини ўрганувчи соҳа нима дейилади?

*a) лексикология;* *b) терминология;*
*c) семасиология;* *d) графика.*

417. Сўздан йирик бўлган нутқ бирликлари, сўз бирикмалари ва гаплар ҳам икки планли бўлиб, уларнинг қайси жиҳатлари кўпроқ грамматика ва семантика алоқаси доирасида қаралади?

*a) ифода;* *b) мазмун;*
*c) ифода ва мазмун;* *d) шакл ва ифода.*

418. Тилнинг энг асосий ва марказий бирлиги нима деб аталади?

*a) сўз;* *b) гап;*
*c) сўз бирикмаси;* *d) ибора.*

419. Тилнинг ифода плани ва мазмун плани нимада намоён бўлади?

*a) сўзда;* *b) нутқда;*
*c) ифодада;* *d) мазмунда.*

420. Сўз бирикмалари ҳамда гапларнинг ифода ва мазмун жиҳатлари

кўпрок қайси соҳа доирасида қаралади?

*a) синтаксис;* *b) синтактик семантика;*
*c) грамматика ва семантика;* *d) фонетика.*

421. Сўз тилнинг асосий ва марказий бирлиги бўлишига сабаб нима?

*a) тилдаги кўпгина хусусият ва ҳодисаларни ўрганиш сўзни илмий тадқиқ этиш билан бошланади;*

*b) сўз ҳар томонлама шаклланган бирлик;*

*c) сўз якка ҳолда қўлланила олади;*

*d) b ва c жавоблар тўғри.*

422. Икки планга – ифода ва мазмун жиҳатга эга бўлган бирликлар кайсилар?

*a) фонема;* *b) товуш;*
*c) сўз, сўз бирикмаси, гап;* *d) фраза, бўғин.*

423. Сўзларни аташ, яъни номинатив функцияси номинация назарияси ёки яна қандай соҳада ўрганилади?

*a) фразеология;* *b) ономасиология;*
*c) этимология;* *d) семасиология.*

424. Турғун сўз бирикмалари ва ибораларни илмий тадқиқ қилувчи бўлим нима дейилади?

*a) этимология;* *b) фразеология;*
*c) ономасиология;* *d) семасиология.*

## ТИЛ СТРУКТУРАСИДА СЎЗНИНГ ЎРНИ

425. Кўпчилик тиллар учун мустақил хисобланган тил бирлиги нима?

*a) сўз;* *b) гап;*
*c) сўз бирикмаси;* *d) фраза.*

426. Баъзи тилларда хусусан, полисинтетик тилларда сўз қандай аҳамиятга эга?

*a) алоҳида сўз бирлиги сифатида қаралади;*

*b) алоҳида сўз бирлиги сифатида қаралмайди;*

*c) сўзнинг аҳамияти йўқ;*

*d) алоқа воситасининг бирлиги.*

427. Сўз ҳар икки томондан пауза билан чегараланган ёки товушлар бирикмасидир, деган таъриф сўзнинг қайси формасига хос?

*a) оғзаки;* *b) ёзма;*
*c) фонетик;* *d) грамматик.*

428. Айрим компонентлардан ташкил топиб, умумий маънога эга бўлган лексик ва грамматик жиҳатдан шаклланган бирлик нима дейилади?

*a) сўз;* *b) қўшма сўз;*
*c) сўз бирикмаси;* *d) гап.*

429. «Сўз – товуш формасида ифодаланган бир тушунча ва унинг вариантларидир», деган таъриф тилнинг қайси формасига асосланган?

*a) ёзма;* *b) оғзаки;*
*c) фонетик;* *d) грамматик.*

430. «Сўз график жиҳатдан бир ёки бир неча ҳарфлар бирикмаси», деб изоҳланиши унинг қайси формасига хос?

*a) график;* *b) ёзма;*
*c) фонетик;* *d) оғзаки.*

431. Қўшма сўзлар тузилиши жиҳатдан сўз бирикмаларига ўхшаса ҳам, қандай томонлари билан ажралиб туради?

*a) яхлит маъноси билан;*
*b) бажарадиган вазифаси билан;*
*c) бўлимга тегишлилиги билан;*
*d) уларнинг фарқи йўқ;*

432. Қайси жиҳатдан сўзнинг атама бирлик эканлиги, яъни ном қўйиш билан боғлиқ томони ўрганилади?

*a) лексик;* *b) семантик;*
*c) морфологик;* *d) фонологик.*

433. Сўзнинг фонемалар таркиби ва унинг акцент (урғу) структурасини ўрганадиган жиҳат қайси?

*a) морфология;* *b) фонология;*
*c) лексик;* *d) семантик.*

434. «У минимал чегараланган гап ёки минимал синтактик бирлик бўлиб, уни гапда бошқа сўзлар ёки бир сўзнинг бошқа маънолари билан алмаштириш мумкин», деган қараш қайси бирликка хос?

*a) сўз;* *b) сўз бирикмаси;*

*c) гап;* *d) ибора.*

435. Сўз семантик ва грамматик яхлитликни ўзида мужассамлаштирувчи бирликдир. У тил структурасида формал ва маъно жиҳати билан неча босқичда илмий тадқиқ этилади?

*a) 2 босқич;* *b) 3 босқич;*
*c) 4 босқич;* *d) тадқиқ этилмайди.*

436. Сўзларни ўрганишда сўзнинг фонологик ва морфологик томонлари қайси жиҳатни ўзида акс эттиради?

*a) формал;* *b) мазмун;*
*c) қўшимча;* *d) акс эттирмайди.*

## СЎЗ ВА ТУШУНЧА

437. Сонлар ҳам ўзича номинатив функция бажармайди, лекин уларнинг бундай функция бажариши қачон рўй беради?

*a) эга вазифасида келганда;*
*b) отлашганда;*
*c) каср сон бўлганда;*
*d) бундай вазифа бажармайди.*

438. Нутқ ситуациясида номинатив функция бажариб, истаган предмет ёки ҳодисани аташи мумкин бўлган сўз туркуми қайси?

*a) от;* *b) сифат;*
*c) феъл;* *d) олмош.*

439. Сўзларни нутқ жараёнида ёки матнда ишлатиш ўрни нима дейилади?

*a) функция;* *b) контекст;*
*c) валентлик;* *d) аномастика.*

440. Айрим олинган сўзга тегишли бўлиб, бошқа сўзлардан фарқлай олувчи маъно нима деб юритилади?

*a) лексик маъно;* *b) грамматик маъно;*
*c) коннотатив маъно;* *d) денотатив маъно.*

441. Сўз маъносининг предметга алоқаси, лотинча – «кўрсатувчи», инглизча – «алоқадор» маъноларини ифодалаш нима дейилади?

*a) денотатив алоқа;* *b) коннотатив алоқа;*
*c) грамматик алоқа;* *d) лексик алоқа.*

442. Қандай алоқа орқали турли сўзлар ўртасидаги муносабатлар, уларни ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланиб, сўзлар ҳар хил гуруҳ ва типларга ажратилади?

*a) коннотатив алоқа;* *b) денотатив алоқа;*
*c) структурал алоқа;* *d) сигнификатив алоқа.*

443. Бормоқ, юрмоқ, чопмоқ, келмоқ сўзлари турли лексемалар бўлиб, «ҳаракат қилмоқ»ни кўрсатувчи қандай ... га бирлашади?

*a) контекст;* *b) семема;*
*c) сигнификат;* *d) структурал алоқа.*

444. Предмет ва ҳодисаларга тегишли бўлган, ташқи ва ички белгилар ёрдамида аниқланадиган, нутқ ситуациясида ойдинлашадиган атама нима дейилади?

*a) сема;* *b) стиль;*
*c) лексема;* *d) нейтрал сўзлар.*

445. Сўзларнинг коннотатив маънолари тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?

*a) семантика;* *b) лексик стилистика;*
*c) лексикология;* *d) синтаксис.*

446. Лотинча «бирга» ва «кўрсатиш» маъноларини англатувчи атама қайси?

*a) коннатaтив;* *b) денотатив;*
*c) семема;* *d) лексема.*

447. Барча сўзлар ўз айтилиши, яъни товушлар бирикмаси ёки бир товушдан иборат бўлган материал томонига эга. Сўзнинг материал томони у ифода этган предметнинг белгиси деб аталади. Шундай белгиларнинг алоҳида системаси нима?

*a) нутқ;* *b) гап;* *c) ибора;* *d) тил.*

448. Маълум шахс, шаҳар, қишлоқ ва бошқа нарсаларни шу типдагилари ичидан ажратиб кўрсатиш, уларнинг алоҳида индивидуал хусусиятини ифодалаш учун хизмат қилувчи сўз туркуми қайси ва у қандай турга киради?

*a) сон, тартиб сон;* *b) от, турдош от;*
*c) от, атоқли от;* *d) сифат, нисбий сифат.*

449. Қандай сўзлар номинатив функция бажармайди?

*a) мустақил сўзлар;* *b) ёрдамчи сўзлар;*
*c) шевага хос сўзлар;* *d) ўзлашган сўзлар.*

450. Предмет ёки ҳодисани аташдан ташқари, уни бирор гуруҳ ёки типга киришини ҳам ифодаловчи от қандай от ҳисобланади?

*a) атоқли от;* *b) турдош от;*
*c) мавҳум от;* *d) жуфт от.*

451. Сўзнинг қандай табиати унинг бир қанча предмет, тушунча, ҳодиса ва белгиларга тегишли эканлиги билан изоҳланади?

*a) аниқлик;* *b) маъно;*
*c) абстракт;* *d) шакл.*

452. Сўзнинг талаффузидаги ўзгаришлар қандай рўй беради?

*a) тилнинг тарихий ривожланиш қонуниятлари орқали;*
*b) одам нутқида ишлатилиш хусусияти асосида;*
*c) сўзларда ўзгаришлар рўй бермайди;*
*d) a ва b жавоблар тўғри.*

## СЎЗ МАЪНОЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

453. Гапирмоқ, сўзламоқ, айтмоқ сўзлари ўхшашлик алоқаси асосида бир лексик семантик гуруҳни ташкил қилади. Бу гуруҳда яхши ёмон тушунчалари сўзламоқ феъли билан боғланиб, бир тематик гуруҳни ҳосил қилади.
Юқоридагилардан фойдаланиб гапни тўлдиринг: Тилнинг ... бир қанча лексик-семантик ва тематик гуруҳларга бўлинади.

*a) луғат состави;*
*b) лексикаси;*
*c) мавжуд гаплари ёки сўзлар бирикмалари;*
*d) барча жавоблар тўғри.*

454. Сўзларнинг умумлашган ва конкрет маънолари контекст ёрдамида аниқланади. Сўз маъноларини нутқ ситуацияси ва контекст ёрдамида ўрганадиган соҳа нима дейилади?

*a) полисемантика;* *b) контекстология;*
*c) стилистика;* *d) лексикология.*

455. Сўз ўзи ифода этаётган предмет ёки тушунча билан боғланмай, шу нарсанинг бирор белгиси ёки ҳолати билан бошқа нарсанинг шундай белгисини ифодали қилиб кўрсатиш учун қўлланган маъноси нима деб аталади?

*a) кўчма маъно;* *b) ўз маъноси;*
*c) семантик маъноси;* *d) тематик маъноси.*

456. Сўзлар ўз ва кўчма маънода ишлатилади, лекин қандай сўзлар кўчма маънода қўлланиши мумкин?

*a) сўзнинг ўзи ифода этаётган предмет ёки тушунча билан боғланган маъноси;*

*b) сўзнинг ўзи ифода этган маъносининг синонимлиги;*

*c) сўзлар маъносини шаклдошлиги;*

*d) сўзнинг ўзи ифода этган предмет билан боғланмай, шу нарсанинг бирор белгиси ёки холати билан бошқа нарсанинг шундай белгисини ифодали қилиб кўрсатиши.*

457. Полисемия сўзи қайси тилдан олинган?

*a) грекчадан олинган;* *b) лотинчадан олинган;*
*c) инглизчадан олинган;* *d) немисчадан олинган.*

458. Сўзларнинг кўп маъноли бўлиш хусусияти нима?

*a) полисемия;* *b) моносемия;*
*c) синонимия;* *d) фраза.*

459. Сўз маъносининг кўчиш усулига қайсилар киради?

*a) метафора, полисемия;* *b) синекдоха, семема;*
*c) метафора, метонимия;* *d) метонимия, семема.*

460. Метафора сўзи қайси тилдан олинган ва қандай маъно билдиради?

*a) грек – кўчириш;* *b) лотин – қайта номлаш;*
*c) инглиз – ўхшатиш;* *d) грек – чизиш.*

461. «Совуқ қараш», «истараси иссиқ» сўзларида қайси маъно тўғри қўлланган?

*a) метонимия;* *b) синекдоха;*
*c) метафора;* *d) моносемия.*

462. Метонимия сўзи қайси тилдан олинган ва қандай маъно билдиради?

*a) грек – ўхшатиш;* *b) грек – қайта номлаш;*
*c) лотин – кўчириш;* *d) лотин – тенглашиш.*

463. Бир предмет номининг иккинчисига, улар ўртасидаги ҳақиқий алоқанинг мавжудлигига асосланган маъноси?

*a) метафора;* *b) синекдоха;*
*c) метонимия;* *d) функционал кўчиш.*

464. «Келгуси учрашувга атлас кий, атлас». Қайси маъно кўчиш усули қўлланган?

*a) метафора;* *b) метонимия;*
*c) синекдоха;* *d) функционал кўчиш.*

465. Синекдоха ўзи нима?

*a) грек – одатдаги тушуниш;* *b) лотин – кўчириш;*
*c) грек – ўхшатиш;* *d) инглиз – қайта номлаш.*

466. Қисм орқали бутунни, бутун орқали қисмни ифодалаш бу – ?

*a) метонимия;* *b) синекдоха;*
*c) функционал кўчиш;* *d) метафора.*

## ОМОНИМЛАР, УЛАРНИНГ ТИПЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ

467. Омоним ўзи нима?

*a) грек – бир хил;* *b) лотин – ҳар хил;*
*c) инглиз – ўхшаш;* *d) грек – маънодош.*

468. Бир хил айтилиб, ёзилиб турли маъноларни ифодаловчи сўзлар нима дейилади?

*a) омоним;* *b) лексема;*
*c) синоним;* *d) антоним.*

469. Омографлар қандай омонимлардир?

*a) ёзилиши бир хил, лекин талаффузи ва маъноси ҳар хил;*
*b) маъноси ҳар хил;*
*c) ёзилиши ҳар хил;*
*d) айтилиш бир хил, маъноси ҳар хил.*

470. Баъзи омонимлар она тилидаги сўзнинг ёзилиши ёки айтилишига бошқа тилдан кирган сўзнинг ёзилиши ёки айтилишининг мос келиб қолиши натижасида ҳосил бўлади. Қуйидагилардан қайси бири бунга мисол бўла олади?

*a) ўт;* *b) ток;*
*c) қурт;* *d) қурит.*

471. Маъно жиҳатдан фарқланувчи, бироқ айтилиши ва ёзилиши бир хил бўлган омонимлар нима дейилади?

*a) тўлиқ омоним;* *b) тўлиқ бўлмаган омоним;*
*c) омографлар;* *d) омофонлар.*

472. Омонимларнинг келиб чикишидаги муҳим омил нима?

*a) тилдаги товуш ўзгаришлари, ёзув қоидалари, семантик силжишлар;*

*b) семантик силжишлар, талаффузлар;*

*c) товуш ўзгаришлари, неологизмлар;*

*d) огзаки нутқ.*

## СИНОНИМЛАР

473. Синоним атамасининг маъноси нима?

*a) грекча – бир хил маънодаги ном;*

*b) лотинча – ҳар хил маънодаги ном;*

*c) инглизча – ўхшаш;*

*d) лотинча – қарши.*

474. Бир тушунча, ҳодиса, предмет, белгини ифодаловчи, маънолари ўхшаш ёки яқин бўлган, турли маъно оттенкаларини ва экспрессив стилистик бўёқларни фарқлаш учун хизмат қилувчи сўзлар нима дейилади?

*a) омонимлар;* *b) синонимлар;*

*c) омографлар;* *d) паронимлар.*

475. Бир синонимик қаторга кириш учун сўзлар... керак.

*a) бир хил ясалиши;* *b) бир туркумга кириши;*

*c) ўзаги бир хил бўлиши;* *d) янги сўзлар бўлиши.*

476. Синонимлар қандай типларга бўлинади?

*1) абсолют синонимлар;*

*2) стилистик синонимлар;*

*3) контекстуал синонимлар;*

*4) семантик синонимлар;*

*5) тўлиқ синонимлар;*

*6) тўлиқ бўлмаган синонимлар.*

*a) 1,3,5;* *b) 1,2 3,4;*

*c) 1,2,3;* *d) 4,5 6.*

477. Маъно оттенкасига путур етказмай, бир-бирининг ўрнида бемалол ишлатила олувчи сўзлар?

*a) стилистик синонимлар;* *b) абсолют синонимлар;*

*c) контекстуал синонимлар;* *d) семантик синонимлар.*

478. Қуйидаги сўзлардан қайсилари абсолют синонимларга мисол бўла олади?

*a) тилшунослик – лингвистика;* *b) ботир – қўрқмас;*
*c) афт – чеҳра;* *d) шоир – ёзувчи.*

479. Маъно оттенкаларида эмоционал-экспрессив ҳиссиётни ифодаловчи синонимлар?

*a) стилистик синонимлар;* *b) абсолют синонимлар;*
*c) семантик синонимлар;* *d) контекстуал синонимлар.*

480. Афт, чеҳра, турк қандай синонимларга киради?

*a) контекстуал синонимлар;* *b) семантик синонимлар;*
*c) стилистик синонимлар;* *d) абсолют синонимлар.*

## АНТОНИМЛАР

481. Антоним атамаси нима?

*a) грекча – зид, ном;* *b) лотинча – бир хил ном;*
*c) инглизча – ҳар хил ном;* *d) грекча – янги ном.*

482. Антонимлар қандай типларга бўлинади?

*a) лексик-семантик;* *b) лексик-грамматик;*
*c) грамматик-фонетик;* *d) семантик-фонетик.*

483. Грамматик антонимларга мисоллар келтиринг.

*a) тузли – тузсиз;* *b) чўзиқ – қисқа;*
*c) яхши – ёмон;* *d) оқ – қора.*

484. Конверсион антонимларга мисоллар келтиринг.

*a) ишли – ишсиз;* *b) қонуний – ноқонуний;*
*c) уруш – тинчлик;* *d) атака – контратака.*

485. Бадий адабиётда антонимларни қўллаш санъати нима дейилади?

*a) тажнис;* *b) антитеза;*
*c) ташхис;* *d) таносуб.*

## ТАБУ ВА ЭВФЕМИЗМ

486. Табу қайси тилдан олинган?

*а) полинезия;* *b) поляк;*
*с) мексика;* *d) грекча.*

487. Табу сўзининг маъноси нима?

*а) шахсий ва диний жиҳатдан бирор нарсани ман этиш;*
*b) ахлоқий ва маданий жиҳатдан ишлатиши ноқулай бўлган сўзларнинг ишлатилиши;*
*с) четдан кирган сўзларни ўрнида қўллаш;*
*d) шеваларнинг ишлатилиши.*

488. Эвфемизм ўзи нима?

*а) грекча – яхши, майин гапираман;*
*b) лотинча – ёмон гапираман;*
*с) инглизча – сўзлашув;*
*d) грекча – маъноли сўзлашиш.*

489. «У қилдинг, бу қилдинг – ишни расво қилдинг». Эвфемизмни топинг.

*а) расво;* *b) қилдинг;*
*с) у, бу;* *d) бу қилдинг.*

490. Ахлоқий ва маданий жиҳатдан айтилиши ноқулай деб топилган сўзлар ўрнида қўлланувчи сўз ва иборалар нима дейилади?

*а) эвфемизм;* *b) стилистика;*
*с) семалогия;* *d) табу;*

491. Қуйидагиларнинг қайсилари эвфемизмларга мисол бўла олади?

*а) чечак – гул;* *b) лола – лолақизғалдоқ;*
*с) чучмома – чечак;* *d) лола – гуллар.*

492. Ўзбек тилида чаённинг номи табуланиб, унинг ўрнига қандай сўзлар ишлатилади?

*а) эшак, беном;* *b) беном, ақраб;*
*с) номи йўқ, чаён;* *d) табуланмайди.*

493. Хотин сўзига мос эвфемизмни топинг.

*а) рафиқа;* *b) кампир;*
*с) жувон;* *d) келин.*

## ТЕРМИНОЛОГИЯ

494. Терминология сўзининг маъноси нима?

*a) грекча – атама;*

*b) лотинча – чегара, охирги нуқта;*

*c) грекча – майдон;*

*d) французча – тарихий сўз.*

495. Терминологияга берилган тўғри таърифни топинг.

*a) фан, техника, санъат ва маданиятга оид терминлар йиғиндиси;*

*b) тарихга оид сўзларнинг ўрнида ишлатилувчи сўзлар;*

*c) белгиларни ифодаловчи чизгилар;*

*d) ахлоқий нормага риоя қилувчи сўзлар.*

496. Терминлар бадиий асарларда қандай талабга кўра ишлатилади?

*a) стилистик;* *b) фонетик;*

*c) грамматик;* *d) семантик.*

497. Ўзбек тилининг ички ресурслари манбаида пайдо бўлган терминларни топинг.

*a) тўлдирувчи, қўшма гап;* *b) кесим, антоним;*

*c) ҳол, феъл;* *d) терминология, кесим.*

498. Ўзбек тилига ўзлашган сўзларни топинг.

*a) биология, она тили;* *b) физика, лотин;*

*c) химия, илдиз;* *d) грек, меҳнат.*

499. *Фазога илк бора қанот қоққанни,*
*Икар деб атамиш хаёлан инсон...*
Юқоридаги контекстда одам билан тенглаштирилган терминни топинг.

*a) Икар;* *b) қанот;*

*c) инсон;* *d) фазо.*

# ФРАЗЕОЛОГИЯ

500. Таркиби анча мураккаб бўлган турғун бирикмалар қандай бўлади?

*a) фонема;* *b) атама;*
*c) ибора;* *d) эвфемизм.*

501. Фразеология сўзи қайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади?

*a) лотинча (тузиш,қуриш);* *b) инглизча (фразема, сўз);*
*c) грекча (ибора, сўз);* *d) немисча (сўз).*

502. Фразеология тилшуносликнинг қайси соҳасига кирувчи бўлим сифатида қаралади?

*a) грамматика бўлимига киради, чунки маъноси бир гапга тенг;*
*b) лексикология бўлимига киради, чунки маъноси бир сўзга тенг;*
*c) тилнинг семасиология бўлимига киради;*
*d) тилнинг стилистика бўлимига киради.*

503. Икки ва ундан ортиқ сўзларнинг турғун боғланмаси бу…

*a) фразеологизмлар;* *b) фразалар;*
*c) терминологик сўзлар;* *d) вариантдош сўзлар.*

504. Фразеологизмларнинг таркибида нечта сўз иштирок этишига қарамай, улар ягона умумий маъно билан бирлашади ҳамда қандай маънони ифодалайди?

*a) турғун маъно;* *b) типологик маъно;*
*c) эквивалент маъно;* *d) эмоционал-экспрессив маъно.*

505. Фразеологизмлар бадиий адабиётда қандай вазифа бажаради?

*a) такрорийликни йўқотади;*
*b) образлилик ва тасирчанликни оширади;*
*c) муболағани кўрсатиб беради;*
*d) маънони кучайтиради.*

506. «Гапнинг индолосини айтмоқ» иборасида турғун бирикма қандай сўздан ташкил топмоқда?

*a) четдан кирган сўзлардан;* *b) архаик сўзлардан;*
*c) тақлид сўзлардан;* *d) ноадабий сўзлардан.*

# ЭТИМОЛОГИЯ

507. Тилшуносликнинг этимология бўлими қайси сўздан олинган ва қандай маънони англатади ?

*a) (грекча – etymon – шакл, logos – таълимот); сўзларнинг шакл ва маъно турларини;*

*b) (грекча – etymon – ҳақиқий, logos – таълимот); сўзларнинг келиб чиқиш тарихи;*

*c) (лотинча – etymon – тузиш, қуриш, logos – таълимот); сўзнинг грамматик қурилиши;*

*d) (лотинч – etymon – услуб, logos – таълимот); услубшунослик ҳақидаги фан.*

508. «Ҳар қандай қурувчи эмас, балки фақат ҳайкал қурувчи ёки бинонинг лойиҳасини чизувчи» маъноларини ифодаловчи «архитектор» сўзи қайси тилдан олинган?

*a) грекча;* *b) лотинча;*
*c) русча;* *d) инглизча.*

509. Сўзларнинг келиб чиқишини аниқлашда тўсқинлик қилувчи, уларни бир ўзакдан келиб чиқишини билиш учун қийинчилик туғдирувчи жараён нима деб юритилади?

*a) деэтимологизация;* *b) диахроника;*
*c) диалектизм;* *d) архив.*

510. «Дафтар» сўзи нечанчи аср уйғур манбаларида баъзи ўзгаришлар билан «тэптэр» формасида ишлатилган?

*a) X аср;* *b) XI аср;*
*c) IX аср;* *d) XIII аср.*

511. Бошқа тилдан ўзлашган сўзни тушунарсиз талаффуз этиш ва она тилидан бирор сўзга ўхшаш талаффуз қилиш жараёни қандай аталади?

*a) халқ этимологияси;* *b) умумий этимология;*
*c) хусусий этимология;* *d) ўзлаштирма этимология.*

512. Асли голландча бўлган қайси сўз унинг таркибидаги -ик элементи кичрайтириш аффикси деб фараз қилиниб, қисқартирилган шаклда ёзилади?

*a) ароматик;* *b) хроник;*
*c) зонтик;* *d) обётик.*

513. Халқ этимологиясига доир сўзлар бадиий адабиётда қандай мақсадда қўлланилади?

*a) персонаж нутқини жонлантириш учун;*

*b) муаллиф изоҳини тўлдириш учун;*

*c) такрорийликни йўқотиш учун;*

*d) асар мазмунини очиб бериш учун.*

## ТИЛНИНГ ЛУҒАТ ТАРКИБИ

514. Одатда луғат таркибидаги сўзлар ишлатилишига кўра нечта гуруҳга бўлинади ва улар қайсилар?

*a) аниқ ва ноаниқ;* *b) фаол ва пассив;*

*c) тўғри ва нотўғри;* *d) содда ва мураккаб.*

515. Замон, макон, объектив борлиқ каби терминлардан кимлар фойдаланадилар?

*a) этимологлар;* *b) файласуфлар;*

*c) биологлар;* *d) мантиқшунослар.*

516. Тилда мавжуд бўлган, лекин кундалик турмушда кам қўлланилувчи юҳо, мўнди, пўртана кабилар қандай сўзлар сирасига киради?

*a) актив;* *b) пассив;* *c) мураккаб;* *d) содда.*

517. Қуйидаги сўзлардан бир вақтлар актив луғатга мансуб бўлган, лекин кейинги пайтда пассив луғатга ўтган сўзларни аниқланг.

*a) миррих, моҳ, радио;*

*b) чекич, хокандоз, элликбоши;*

*c) қози, қул, омоч;*

*d) қози, омоч, элликбоши.*

518. Тилнинг луғат таркибини турли қаторлар ёки гуруҳларга ажратиб ўрганадиган бўлим номини топинг.

*a) лексикология;* *b) этимология;*

*c) грамматика;* *d) фразеология.*

519. Алоҳида гуруҳни ташкил этувчи диалектизмлар қандай сўзлар ҳисобланади?

*a) маълум бир услубга хос;*

*b) маълум бир ҳудудга доир;*

*c) маълум бир лаҳжага доир;*

*d) ноадабий қатламга хос.*

520. Тухум сўзи кипчоқ шевасида қандай юритилади?

*a) уруғ;* *b) маяк;* *c) юмуртқа;* *d) тухум.*

521. Қандай сўзлар экспресив бўёққа эга бўлмайди?

*a) эвфемизмлар;* *b) турғун бирикмалар;*

*c) терминлар;* *d) тарихий сўзлар.*

522. Экспрессив бўёққа эга бўлган сўзлар яна қандай аталади?

*a) стилистик маънода қўлланилувчи сўзлар;*

*b) семантик маънода қўлланилувчи сўзлар;*

*c) таъсирчанлик маъносида қўлланилувчи сўзлар;*

*d) қўшимча маънода қўлланилувчи сўзлар.*

523. Қайси стилда қўлланувчи сўзлар барча кишилар нутқидаги одатий сўзлардир? М: дарахт, овқат, ўрмон, тоғ кабилар?

*a) бадиий услуб;* *b) публицистик услуб;*

*c) сўзлашув услуби;* *d) расмий услуб.*

## ТИЛ ЛУҒАТ ТАРКИБИНИНГ ЎЗГАРИШИ

524. Тилда ҳосил бўлган сўзларни ифодаловчи неологизм термини қайси тилдан олинган бўлиб, neos – янги, logos – сўз деган маънони англатади?

*a) грекча;* *b) лотинча;*

*c) русча;* *d) инглизча.*

525. Неологизмлар тилдаги хусусиятларига кўра, аввало, 2 турга бўлинади. Булар қайсилар?

*1) лексик-семантик;*

*2) лексик-морфологик;*

*3) лексик-стилистик.*

*4) лексик-грамматик;*

*5) лексик-фразеологик;*

*a) 1,2;* *b) 1,4;*

*c) 2,5;* *d) 2,3.*

526. Ўзбек тилининг луғат таркибидаги эскирган сўзлар қандай атама билан номланади?

*a) архаизмлар;* *b) историзмлар;*
*c) эвфемизмлар;* *d) a ва b.*

527. Қайси сўз ўтмишда мавжуд бўлган нарса-ҳодисанинг тарихий номи ҳисобланади?

*a) историзм;* *b) архаизм;*
*c) эвфемизм;* *d) фразеологизм.*

528. Бугунги кунда мавжуд бўлган нарса-ҳодисаларнинг эски номи ҳисобланган архаизмлар термини қайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади?

*a) грекча – қадимий;* *b) французча – эски;*
*c) лотинча – тарихий;* *d) немисча – ўтмишга оид.*

529. «Ўмиз» сўзининг ҳозирги кундаги маъноси нима ва у қандай сўз?

*a) историзм (товон);*
*b) архаик (кўкрак);*
*c) историзм (тўпиқ);*
*d) ҳозирда маънога эга бўлмаган историзм.*

## ТИЛ ЛУҒАТ ТАРКИБИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ

530. Тил луғат таркиби тараққиётининг асосан тўрт усули мавжуд ва улар тўғри кўрсатилган жавобни топинг.

*1) фонетик усул;*
*2) морфологик;*
*3) стилистик;*
*4) семантик;*
*5) грамматик;*
*6) обривацион;*
*7) сўз ўзлаштириш.*

*a) 1,4,5,7;* *b) 2,3 4,6;*
*c) 3,4,5,7;* *d) 4,5.6,7.*

531. Қандай усул орқали сўз ясалганда сўз ясаш асоси, ясалган сўз ҳамда сўз ясовчи воситаларга кўра фарқ қилади?

*a) грамматик усул;* *b) морфологик усул;*

*c) фонологик усул;* *d) сўз ўзлаштириш усули.*

532. *Музёрар, темир йўл, сўз боши* каби сўзлар қайси усулнинг яққол намунасидир?

*a) грамматик усул;* *b) морфологик усул;*

*c) фонологик усул;* *d) сўз ўзлаштириш усули.*

533. Сўз қўшиш йўли билан сўз ясаш барча тилларга хосдир. Бу усул айниқса қўшимчаси бўлмаган қайси тилларда кенг ривожланган?

*a) венгер, ёқут;* *b) латиш, турк;*

*c) хитой, бирма;* *d) япон, тибет.*

534. Ўзбек тилида морфологик усул билан сўз ясашнинг уч тури мавжуд. *Давлат – бадавлат, ташвиш – беташвиш* каби сўзлар уч усулдан қай бирига мисол бўла олади?

*a) суффиксал усул;*

*b) префиксал усул;*

*c) суффиксал-префиксал усул;*

*d) инфиксал усул.*

535. *Серғаплик, бақувватлик* каби сўзлар қайси усулга хос?

*a) суффиксал усул;*

*b) префиксал усул;*

*c) суффиксал-префиксал усул;*

*d) фонетик усул.*

536. Суффиксал усулга мисол берилган қаторни топинг.

*a) бош-бошлиқ; b) гап-серғап; c) серҳосиллик; d) АҚШ, БМТ.*

537. «Янги» сўзининг одатдаги урғуси қандай грамматик маънони ифодалайди?

*a) от;* *b) равиш;* *c) сифат;* *d) боғловчи.*

538. «Янги» сўзининг ноодатий урғуси қандай грамматик маънони ифодалайди?

*a) от;* *b) равиш;* *c) сифат;* *d) боғловчи.*

**539.** *Батарея (техник термин – электр батареяси); батарея (ҳарбий термин)* каби омонимлик қайси усулга хос?

*a) грамматик;* *b) морфологик;*

*c) стилистик;* *d) семантик.*

## ЛЕКСИКОГРАФИЯ

540. Сўзларнинг бирор мақсадда тўпланиб, тартибга солинган йиғиндиси нима дейилади?

*a) сўзлар занжири;* *b) гап;*
*c) луғат;* *d) тил таркиби.*

541. Луғат тузишнинг назарий ва амалий принциплари ҳақидаги соҳа бу – ?

*a) лексика;* *b) лексикология;*
*c) лексикография;* *d) диалектика.*

542. Луғат тузувчи мутахассислар нима деб аталади?

*a) лексикологлар;* *b) лексикографлар;*
*c) тилшунослар;* *d) тилчилар.*

543. Луғатлар энциклопедик ва филологик бўлади. Фан, техника, маданиятнинг барча соҳаларига оид тушунчалар изоҳланса ... дейилади.

*a) энциклопедик луғат;* *b) филологик луғат;*
*c) чаппа луғат;* *d) этимологик луғат.*

544. Қандай луғатда сўз ва сўз бирикмасига асосий эътибор берилади?

*a) энциклопедик луғатда;* *b) тушунча луғатда;*
*c) филологик луғатда;* *d) таржима луғатда.*

545. Сўзларнинг қандай ҳарф билан тугаганига қараб алфавит тартибида тузилган луғат бу – ?

*a) морфемик луғат;* *b) чаппа луғат;*
*b) изоҳли луғат;* *c) таржима луғат.*

546. Изоҳли луғатлар тузилишига кўра алфавит ва уя тартибидаги луғатлардан иборат бўлади. Уя тартибидаги луғатда...

*a) фақат ўзакларгина алфавит тартибида жойлаштирилади;*

*b) барча сўзлар алфавит тартибида жойлаштирилади;*

*c) сўзларнинг тугаган ҳарфлари алфавит тартибида жойлаштирилади;*

*d) асосий терминлар алфавит тартибида жойлаштирилади.*

547. Сўзнинг келиб чиқишини кўрсатиш билан чегараланадиган луғатлар – ?

*a) таржима луғат;* *b) этимологик луғат;*

*c) морфемик луғат;* *d) синоним луғат.*

548. Соҳа луғатлари ичида кенг тарқалгани – ?

*a) изоҳли луғат;* *b) морфемик луғат;*

*c) терминологик луғат;* *d) тушунча луғат.*

549. Сўзларнинг қандай морфемалардан тузилганлиги алфавит тартибида изоҳланса – ?

*a) изоҳли луғат;* *b) морфем луғат;*

*c) таржима луғат;* *d) синоним луғат.*

550. «Лексикография» сўзи қайси тилдан олинган?

*a) лотинчадан;* *b) немисчадан;*

*c) арабчадан;* *d) грекчадан.*

551. Фан-техника ривожланиши лексикографияда қандай луғатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди?

*a) электрон луғатлар;* *b) синонимик луғатлар;*

*c) таржима луғатлари;* *d) сунъий тил луғатлари.*

## СЎЗНИНГ МАТЕРИАЛ СТРУКТУРАСИ

552. Маълумки, ҳар қандай сўз материал ва маъно томонларининг йиғиндисидан иборат. Мана шу гапдаги «материал» сўзининг луғавий маъносини топинг.

*a) сўзнинг товуш томони;*

*b) сўзнинг грамматик томони;*

*c) сўзнинг ёзилиш томони;*

*d) сўзнинг синтактик томони.*

553. Тилнинг энг кичик, бўлакларга бўлинмайдиган маъноли қисми – морфема эканлигидан фойдаланиб, «ишчиларимиздан» сўзида нечта морфема мавжудлигини аниқланг?

*a) 4 та: иш-чи-ларимиз-дан;*

*b) 3 та: ишчи-ларимиз-дан;*

*c) 5 та: иш-чи-лар-имиз-дан;*

*d) 6 та: иш-чи-лар-и-миз-дан.*

554. Морфемалар бўғинларга тенг келмайди. Лекин баъзида бу учраб туради. Қуйидаги қайси жавобда морфемалар бўғинларга мос келиб қолган?

*a) гул-лар-га;*

*b) о-там-дан;*

*c) синф-дош-ла-рим;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

555. Морфемалар англатган маъноларига кўра неча турли бўлади, уларни кўрсатинг?

*a) 2 хил: асос морфемалар, аффиксал морфемалар;*

*b) 3 хил: сўз ясовчи морфемалар, форма ясовчи морфемалар, аффиксал морфемалар;*

*c) фақат асос морфемалардан иборат;*

*d) 2 хил: аффиксал грамматик ва сўз ўзгартирувчи морфемалар.*

556. Асос морфемалар нарса, ҳодисаларни англатади. Қайси жавобда бунга тўғри мисоллар берилган?

*a) уй, китоб, иш, гул;*

*b) қизил, дафтар, курак;*

*c) юрак, терак, элак, ва;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

557. Гапни тўлдиринг: «Грамматик ўзак морфемалар...»

*a) лексик маънони англатиб, нарса, ҳодисаларни ифодалайди;*

*b) сўзларнинг грамматик формаларини ҳосил қилади. Сўзлар орасида грамматик муносабатлар ўрнатади;*

*c) мустақил маъно англатади;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

558. Сўзларнинг луғавий маъносини ўзгартирган аффиксал морфемалар қаторини топинг?

*a) уйлар, дафтарим, вазифанг;*

*b) ишчи, саволлар, ўқувчилар;*

*c) ақлсиз, гулзор, ишла;*

*d) a ва b жавоблар тўғри.*

559. Ўзбек, рус, инглиз, француз, немис тилларидаги кўплик англатувчи морфемалар, сифат ва равиш даражаларини ясайдиган морфемалар бу – ?

*a) сўз ўзгартирувчи аффиксал грамматик морфемалар;*

*b) сўз ясовчи аффиксал морфемалар;*

*c) асос морфемалар;*

*d) форма ясовчи аффиксал грамматик морфемалар.*

560. Аффиксал морфемалар ўзакка нисбатан жойлашиши нуқтаи назаридан префиксал, инфиксал ва постфиксал морфемаларга бўлинади. Қуйидаги қайси жавобда префиксал морфемалар ҳақида тўғри фикрлар бор?

*a) улар ўзакнинг ичида жойлашган бўлади. М: лотин тилидаги «findo» сўзидаги -n – ҳозирги замон қўшимчаси;*

*b) улар ўзакнинг олдига қўшилади. М: бефарқ, impossible;*

*c) префиксал морфемалар ўзакдан кейин жойлашади. М: синфдош, пахтадан;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

561. Постфиксал морфемалар ўзакдан кейин жойлашади. Қайси жавобда бу ҳодисага тўғри мисоллар берилган?

*a) ойнадек, пахтадан, бефарқ;*

*b) синфдош, ишчи, гулли, tables;*

*c) оппоқ, қордек, қишлоқ;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

## СЎЗ МАТЕРИАЛ СТРУКТУРАСИНИНГ ЎЗГАРИШИ

562. Сўз материал структурасининг ўзгариши қайси қаторда тўғри берилган?

*a) соддалашув, мураккаблашув;*

*b) соддалашув, мураккаблашув, қайта тузилиш;*

*c) соддалашув, мураккаблашув, қайта тузилиш, маъно кенгайтириш;*

*d) тўғри жавоб берилмаган.*

563. Сўзларнинг қўшилиш йўли билан ясалган қўшма сўзларнинг сўзларга ёки ўзакка, кўп морфемали сўзга ўтиш ҳодисалари нима дейилади?

*a) мураккаблашув;*

*b) қайта тузилиш;*

*c) соддалашув;*

*d) маънонинг кенгайиши.*

564. Ҳозирги ўзбек тилидаги *ковурга, качон, бўрсик* каби сўзлар илгари морфемаларга ажратилган. Ҳозир эса улар туб сўзлар

ҳисобланади. Бу ҳодиса қуйидагилардан қайси бирига мисол бўла олади?

*a) соддалашув;*

*b) мураккаблашув;*

*c) қайта тузилиш;*

*d) қайта бўлиниш.*

565. Сўзлар бир тилдан иккинчи тилга ўзлашганда қўшма сўзлар туб сўзлар сифатида ўзлашади. М: футбол -- туб сўз, лекин инглиз тилида: football – қўшма сўз. Бундай ҳодиса қуйидаги қайси ўзгаришга тегишли?

*a) мураккаблашув;*

*b) соддалашув;*

*c) қайта бўлиниш;*

*d) қайта тузилиш.*

566. Сўздаги морфемалар чегарасининг ўзгариши ва бунинг натижасида янги аффиксал морфемаларнинг пайдо бўлишига нима дейилади?

*a) мураккаблашув;*

*b) соддалашув;*

*c) қайта бўлиниш;*

*d) маъно кенгайиши.*

567. Ўзбек тилидаги «улар» сўзи асли «ул» ва «ар» дан иборат бўлган. Ҳозир эса у-лар деб морфемаларга ажратилади. Бу ҳодиса қуйидагилардан қайси бирига тегишли?

*a) маъно кенгайиши;*

*b) мураккаблашув;*

*c) соддалашув;*

*d) қайта бўлиниш.*

568. Аввал туб деб ҳисобланган сўзларнинг ясама ёки мураккаб сўзлар қаторига, бир морфемали сўзларнинг икки ва ундан ортиқ морфемали сўзларга ўтиб қолиши нима дейилади?

*a) мураккаблашув;*

*b) соддалашув;*

*c) қайта бўлиниш;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

569. Рус тилидаги «гравюра» сўзи дастлаб бир ўзак деб қабул

қилинган. Тил тараққиёти давомида у уч морфемалардан иборат: грав-юр-а деб қарала бошлади. Бу ҳодиса қуйидаги ўзгаришларнинг қайси бирига мисол бўлади?

*a) мураккаблашув;*

*b) соддалашув;*

*c) қайта бўлиниш;*

*d) маънонинг торайиши.*

*570. Сўз материал структурасининг ўзгариш ҳодисаларини аниқлашда қайси метод катта аҳамиятга эга?*

*a) трансформацион метод;*

*b) қиёслаш методи;*

*c) этимологик метод;*

*d) филологик метод.*

571. Тилшуносликда қуйидаги қайси ходиса қолганларига нисбатан камроқ учрайди?

*a) соддалашув;*

*b) қайта бўлиниш;*

*c) мураккаблашув;*

*d) a ва b жавоблар тўғри.*

## СЎЗ ЯСАШ

572. Сўз ясаш янги сўз ҳосил қилишдир. Унинг ўрганиш объектини топинг.

*a) сўз;* *b) тил;* *c) нутқ;* *d) гап.*

573. Қуйидаги қайси жавобда диахроник сўз ясалишига тўғри таъриф берилган?

*a) тил тараққиётининг маълум даврида сўзлар қандай ҳосил бўлганлигини, дастлабки ҳолати, ўзгаришларини ўрганади;*

*b) тил тараққиётининг ҳозирги босқичида сўз ясаш системасининг ўзгариши;*

*c) бошқа тиллардан сўз олиш, ундаги ўзгаришларни ўрганади;*

*d) b ва c жавоблар тўғри.*

574. Гапни тўлдиринг:

... асосий масала сўз ясалишининг мотивацияси, яъни ясалувчи

сўз билан ясалган сўзнинг маъноларида боғланишнинг бўлишлигидадир.

*a) синхроник сўз ясашда;*

*b) диахроник сўз ясашда;*

*c) бошқа тиллардан сўз олишда;*

*d) шевалардан сўз олишда.*

575. Бир канча сўзларнинг ясалиши учун асос бўлган сўзлар – сўз ясаш уяси дейилади: ўроқ, ўрокчи, ўроқчилик каби сўзлардаги сўз ясаш уясини топинг.

*a) ўроқ;*

*b) ўра;*

*c) ўр;*

*d) -оқ.*

576. Сўз ясаш тилшуносликнинг қайси қисмида ўрганилади?

*a) лексикологияда;*

*b) сўз ясалиши;*

*c) морфологияда;*

*d) лексикографияда.*

577. Қайси жавобда ясама сўзлар мавжуд?

*a) хизматчи, уруш, танкотар, келинчак;*

*b) қўғирчоқ, ўйинчоқ, синфдош, ўйин;*

*c) қурилиш, элак, тилак, қўзичоқ;*

*d) синфдош, танкотар, йўлдош, уруш.*

578. Ўзбек тилида аффиксация (қўшимчалар ёрдамида) ва сўз қўшиш кўпроқ ... учун характерлидир.

*a) отлар;* *b) феъллар;*

*c) сифатлар;* *d) сонлар.*

## ГРАММАТИКА

579. Грамматика (тилларнинг грамматик қурилишини ўрганади) икки қисмдан иборат. Уларни кўрсатинг.

*a) морфология ва синтаксис;*

*b) лексикология ва морфология;*

*c) лексикография ва морфология;*

*d) синтаксис ва пунктуация.*

580. Тилнинг грамматик қурилиши турли томондан ўрганилгани учун грамматиканинг бир неча турлари мавжуд. Бирон-бир тилнинг грамматик қурилишида рўй берган ўзгаришлар тараққиётини ўрганса, у...

*a) фалсафий грамматика;*

*b) қиёсий грамматика;*

*c) тарихий грамматика;*

*d) умумий грамматика.*

581. Қандай грамматиканинг асосий вазифаси тил ва тафаккур, логик ва грамматик категорияларнинг алоқа қонуниятларини ўрганади?

*a) умуий грамматика;*

*b) фалсафий грамматика;*

*c) қиёсий грамматика;*

*d) тарихий грамматика.*

582. Умумий грамматика нимани ўрганади?

*a) тиллар грамматикасини таққослаб, умумий ва хусусий белгиларни ўрганади;*

*b) ҳамма тилларга хос бўлган умумий хусусият ва қонуниятларни белгилайди;*

*c) бирор конкрет тил грамматик қурилишининг синхроник ҳолатларини ўрганади;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

583. Қайси олим ҳинд-европа тилларида феълларнинг тусланишини таққослаб, тарихини ўрганиб, тилшуносликда агглютинация назариясини яратади?

*a) Р.Раск;*

*b) Я.Гримм;*

*c) Л.Блумфилд;*

*d) Ф.Бопп.*

584. Қайси тилшуносликда тасвирий дескриптив грамматиканинг мақсад ва вазифаси бошқалардан фарқ қилади?

*a) Америка тилшунослигида;*

*b) анъанавий тилшуносликда;*

*c) Копенгаген тилшунослигида;*

*d) Прага тилшунослигида.*

585. Тилни илмий ўрганиш учун бир неча методлар мавжуд. Шулардан тилни анализ қилиш методлари қайси олимнинг асарида баён этилган?

*a) Л.Блумфилднинг «Тил» асарида;*

*b) З.Харриснинг «Структурал тилшуносликнинг методлари» асарида;*

*c) Я.Гриммнинг «Немис тили грамматикаси» асарида;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

586. Ўзбек тилида «китоб» сўзида *б* ва *п* товушлари эркин алмашади ёки инглиз тилида *-s* билан *of* предлоги эркин алмашади: *Ahmad's brother, the brother of Ahmad.* Ушбу мисоллар қайси методга тегишли?

*a) қўшимча дистрибуцияга;*

*b) контрол дистрибуцияга;*

*c) эркин алмашадиган дистрибуцияга;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

587. Қуйидаги қайси метод нотаниш ёзувга эга бўлган тилларнинг текстларини ўрганишда катта ёрдам беради?

*a) дистрибутив метод;*

*b) қиёсий метод;*

*c) трансформацион метод;*

*d) бевосита ташкил этувчиларга ажратиш методи.*

588. Америка дескриптив тилшунослигининг иш дастури қайси олим асарида учрайди?

*a) З.Харриснинг «Структурал тилшуносликнинг методлари» асарида;*

*b) Л.Блумфилднинг «Тил» асарида;*

*c) Я.Гриммнинг «Немис тили грамматикаси» асарида;*

*d) b ва c жавоблар.*

# ГРАММАТИКАНИНГ ТУРЛАРИ

589. Грамматиканинг турлари тўғри саналган қаторни топинг.

*а) тарихий, фалсафий, универсал, қиёсий, тасвирий, трансформацион;*

*b) тарихий, умумий, қиёсий, тасвирий, дескриптив;*

*с) тарихий, фалсафий, умумий, тасвирий, трансформацион;*

*d) тарихий, фалсафий, универсал, умумий, тасвирий.*

590. Қуйидаги таъриф грамматиканинг қайси турига мос келади: «Бир тилнинг грамматик қурилишида рўй берган ўзгаришлар тараққиётини ўрганади»?

*а) умумий;* *b) тарихий;*

*с) тасвирий.* *d) қиёсий;*

591. Фалсафий грамматикага доир «Тил фалсафаси» асари кимнинг қаламига мансуб?

*а) германиялик тилшунос Отто Есперсен;*

*b) даниялик тилшунос Отто Есперсен;*

*с) франциялик тилшунос Отто Есперсен;*

*d) италиялик тилшунос Отто Есперсен.*

592. Грамматиканинг қайси турида тилга хос бўлган умумий ва хусусий белгилар ўрганилади?

*а) умумий грамматика;*

*b) тарихий грамматика;*

*с) универсал грамматика;*

*d) қиёсий грамматика.*

593. «Ўтмишда бир неча тиллар учун умумий бўлган лингвистик элементларни аниқлайди». Бу таъриф грамматиканинг қайси турига тегишли?

*а) қиёсий;*

*b) қиёсий-типологик;*

*с) қиёсий-тарихий;*

*d) тасвирий.*

594. Расмус Раскнинг қайси асари орқали тилларнинг қардошлиги тилларда сўзларнинг ўхшашлигига эмас, балки грамматик формаларнинг ўхшашлигига асосланиш зарурлигини исботлаб берган?

*a) «Қадимги исланд тили ва исланд тилининг пайдо бўлиши»;*

*b) «Немис тили грамматикаси»;*

*c) «Тил фалсафаси»;*

*d) «Структурал тилшуноликнинг методлари».*

595. Тилни ўрганишда ва фаннинг предметини белгилашда ўзига хос янги оким ҳисобланган структурал йўналиш қайси методнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди?

*a) янги струстурал методларнинг пайдо бўлишига;*

*b) янги системани вужудга келишига ;*

*c) методларнинг бу соҳадан четлатилишига;*

*d) баъзи структурал методларнинг йўқ бўлишига.*

596. Дескриптив тилшуносликда тил элементлари орасида уч хил муносабат мавжуд деб ҳисобланади. Шу муносабатлар тўғри саналган қаторни топинг.

*a) эркин алмашиладиган дистрибуция, қўшимча дистрибуция, контраст дистрибуция;*

*b) эркин алмашиладиган дистрибуция, бевосита ташкил этувчи дистрибуция, контраст дистрибуция;*

*c) қўшимча дистрибуция, эркин алмашиладиган дистрибуция, контраст (ташкил этувчи);*

*d) контраст дистрибуция, қўшимча дистрибуция, бевосита ташкил этувчи;*

597. Бир хил шароитда қўлланиб, маъно ўзгартириш хусусиятларига эга бўлган лингвистик элементларнинг ўзаро муносабати дистрибуциянинг қайси турини ташкил этади?

*a) эркин алмашадиган дистрибуция;*

*b) қўшимча дистрибуция;*

*c) контраст дистрибуция;*

*d) бевосита ташкил топувчи дистрибуция.*

598. Трансформацион анализ нима?

*a) формаларни ядро гаплардан ҳосил бўлиши;*

*b) трансформаларни ядро гаплардан ҳосил бўлишини ўрганиш жараёни;*

*c) формалар ва трансформаларни ўрганувчи жараён;*

*d) трансформаларни текширувчи жараён.*

## ЛЕКСИК ВА ГРАММАТИК МАЪНО

599. Грамматик маъно ифода кила оладиган воситалар тўғри берилган қаторни топинг.

*a) аффиксация, интонация, мелодика, урғу, такрор;*

*b) ички флексия, мелодика, урғу, такт, фраза;*

*c) тўғри жавоб йўқ;*

*d) a ва b жавоблар тўғри.*

600. Такрор грамматик восита сифатида кўпроқ қайси тилларда ишлатилади?

*a) ҳинд, немис, рус тилларида;*

*b) немис, индонезия, хитой тилларида;*

*c) ҳинд, малай, хитой тилларида;*

*d) немис, француз, ҳинд тилларида.*

601. «Син» сўзи қайси тилга хос?

*a) хитой;*

*b) корейс;*

*c) ҳинд;*

*d) немис.*

602. Турли грамматик маъноларни ифодалаш учун сўз таркибидаги товушларни ўзгариши нима дейилади?

*a) товуш ўзгариши;*

*b) флексия (ички);*

*c) товушлар таснифи;*

*d) товушлар алмашинуви.*

603. Ички флексия қайси тилларда унумсиз ҳисобланади?

*a) хитой-тибет;*

*b) араб;*

*c) ҳинд-европа;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

604. Супплетивизм нима?

*a) бир сўзнинг турли грамматик формаларининг ҳар хил ўзаклардан ясалиши;*

*b) сўзларнинг маъноларини ўрганиш;*

*c) сўзларнинг грамматик маъноларини аниқлаш;*

*d) сўзларнинг лексик ва грамматик маъноларини аниқлаш.*

605. Туркий, фин-угор тилларида грамматик маъно ифода қилишнинг энг асосий воситаси?

*a) боғловчилар;*

*b) кўмакчилар;*

*c) аффикслар;*

*d) артикллар.*

606. Грамматик маънони ифодаловчи тил воситалари икки катта гуруҳга бўлинади ва улар қайсилар?

*a) синтетик ва аналитик воситалар;*

*b) ёрдамчи ва кўмакчи сўзлар;*

*c) синтактик ва грамматик воситалар;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

607. Синтетик тилларга қайси тиллар киради?

*a) форс тили;*

*b) француз тили;*

*c) қадимги ҳинд-европа тиллари;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

608. Нотўғри таъриф берилган қаторни топинг.

*a) агглютинацияда ўзак билан грамматик аффикслар орасидаги чегарани аниқлаш;*

*b) агглютинацияда сўз ўзаги грамматик аффиксларсиз қўлланилиши мумкин;*

*c) агглютинацияда супплетив формалар учрамайди;*

*d) агглютинацияда бир грамматик аффикс бир неча грамматик маъно англатади.*

609. Грамматик категориялар ифодаланиш усулига кўра неча қисмга бўлинади?

*a) 3;*

*b) 2;*

*c) 4;*

*d) 5.*

610. Аналитик грамматик категориялар нималар орқали ифода қилинади?

*a) фақат ёрдамчи сўзлар;*

*b) фақат аффикслар;*

*c) фақат аффиксал морфемалар;*

*d) ёрдамчи сўзлар ва аффикслар.*

611. Рус тилида отларнинг грамматик категориялар сони нечта?

*a) 3;*

*b) 2;*

*c) 4;*

*d) 6.*

612. Тўғри жавобни топинг.

*a) эгалик категорияси туркий тиллар учун хос эмас;*

*b) грамматик категорияларнинг сони ҳамма тилларда бир хил;*

*c) инглиз тилида эгалик маъносини ифодаловчи грамматик воситалар мавжуд;*

*d) рус тилида эгалик маъносини ифодаловчи грамматик воситалар йўқ.*

613. Нотўғри жавобни топинг.

*a) сон категорияси фақат отларга хос эмас;*

*b) сон категорияси сифатларга хос;*

*c) сон категорияси феълларга хос;*

*d) сон категорияси фақат отларга хос.*

614. Ҳинд-европа тилларида кишилик олмошларининг кўплик формаси қайси усул билан ифодаланади?

*a) аналитик;*

*b) семантик;*

*c) супплетив;*

*d) синтактик.*

615. «Брюки» сўзи қайси тилдан олинган?

*a) лотин;*

*b) рус;*

*c) француз;*

*d) инглиз.*

616. Аффиксациянинг аҳамияти бўлмаган тил қайси?

*a) ҳинд-европа;*

*b) хитой-тибет;*

*c) сомий;*

*d) фин-угор.*

617. Урғуси эркин бўлган тиллар қаторини топинг.

*a) рус, немис;*

*b) ўзбек, араб;*

*c) инглиз, араб;*

*d) француз, араб.*

618. Редупликация сўзининг маъноси?

*a) фарқлаш;*

*b) иккиланиш;*

*c) эркин урғу;*

*d) нусхалаш.*

619. Ички флексия юз берадиган сўзларни топинг.

*a) кўм-кўк, сап-сариқ;*

*c) ака-ука, оға-ини;*

*b) begin, find, bring;*

*d) руки, вода.*

620. Сўзларнинг грамматик маъносини супплетив усулда аниқлаш асосан қайси олмошларга хос?

*a) кўрсатиш;*

*b) сўроқ;*

*c) кишилик;*

*d) бўлишсизлик.*

621. «Агглютинация» назариясини яратган олим ким?

*a) Отто Есперсен;*

*b) Расмус Раск;*

*c) Я.Гримм;*

*d) Ф.Бопп.*

## СОН КАТЕГОРИЯСИ

622. Нарса ва предметнинг сонини бир ёки кўплигини қайси категория кўрсатади?

*a) грамматик сон категорияси;*

*b) замон категорияси;*

*c) келишик категорияси;*

*d) грамматик жинс категорияси.*

623. Сон категорияси отлардан ташқари яна қайси сўз туркумларига хос?

*a) сифат, от, олмош, феъл;*

*b) сифат, олмош, тил;*

*c) сифат, феъл, боғловчи;*

*d) олмош, феъл, кўмакчи.*

624. Ҳозирги тил нуқтаи назаридан қайси олмошлар бир морфема деб қаралади?

*a) у, бу, шу, ўша;*

*b) ўз, ўзлари, ўзиники;*

*c) мен, сен, биз, сиз;*

*d) ана шу, бу, биз, сиз.*

625. Ҳинд-европа тилларида фақат бирликда ёки фақат кўпликда ишлатиладиган отлар бор. Фақат бирлик формада ишлатиладиган отлар қандай номланади?

*a) singularia tantum;*

*b) pluralia tantum;*

*c) five apples;*

*d) dil brillen.*

626. Фақат кўплик формасида ишлатиладиган сўзлар қандай аталади?

*a) le rale pantelon;*

*b) les pantelons;*

*c) singularia tantum;*

*d) pluralia tantum.*

## КЕЛИШИК КАТЕГОРИЯСИ

627. Отларнинг бошқа сўз туркумидаги сўзларга нисбатан бўлган муносабатини кўрсатадиган категорияси ...

*a) замон категорияси;*

*b) сон категорияси;*

*c) шахс-сон категорияси;*

*d) келишик категорияси.*

628. Келишик категорияси борлиқдаги предмет, сифат ва ходисалар орасидаги ... кўрсатади.

*a) иш-ҳаракат муносабатларини;*

*b) ҳолат муносабатларини;*

*c) алоқа муносабатларини;*

*d) муомала муносабатларини.*

629. Келишик қўшимчалари қайсилар?

*a) -им, -ингиз, -и, -лари;*

*b) -нинг, -ни, -га, -да, -дан;*

*c) -дан, -зор, -бон, -истон;*

*d) -ча, -хон, -бек, -жон.*

630. Келишик маънолари грамматик аффиксал морфемалар орқали ифодаланади. Рус тилидаги мужской род бирлик формасининг қўшимчалари қайси қаторда тўғри берилган?

*a) -а, -у, -ом, -е;*

*b) -и, -е, -ой, -е;*

*c) -ов, -ам, -ами, -ах;*

*d) -а, -е, -ом, -ью.*

631. Нутқда келишикларнинг қўлланиши учун нечта сўз муносабатга кириши керак?

*a) бир сўз билан;*

*b) учта ва ундан ортиқ сўз билан;*

*c) учта сўз билан;*

*d) камида иккита сўз билан.*

632. Бир-бири билан богланган икки сўз бир жойда қандай кучга киради?

*a) морфологик кучга;*

*b) синтактик кучга;*

*c) семантик кучга;*

*d) грамматик мунсабатга.*

633. Инглиз тилида келишиклар нечта?

*a) 6 та;*

*c) 5 та;*

*b) 4 та;*

*d) 2 та.*

634. Хитой-тибет тилларида ва ҳозирги француз тилида нечта келишик шакли бор?

*a) 6 та;*

*b) 5 та;*

*c) 2 та;*

*d) йўқ.*

635. Умуман келишик йўқ тиллардаги гапларда сўзлар орасидаги муносабат қандай воситалар ёрдамида амалга оширилади?

*a) синтактик воситалар;*

*b) морфологик воситалар;*

*c) шахс-сон воситалари;*

*d) бошқа грамматик воситалар.*

636. Ўзбек тилида 6 та келишик шакли бор. Яна қайси тилда келишик шакллари 6 та?

*a) рус тилида;*

*b) инглиз тилида;*

*c) француз тилида;*

*d) испан тилида.*

637. Ўзбек тилидаги бош келишик шакли рус тилидаги қайси падежга мос келади?

*a) родительный;*

*b) именительный;*

*c) дательный;*

*d) предложный.*

638. Ўзбек тилида келишик категорияси қайси сўз туркумларига хос?

*a) от ва олмош;*

*b) от, сифат, олмош;*

*c) сифат ва олмош;*

*d) сон, олмош, от.*

639. Келишик категориясига тўғри таъриф берилган қаторни топинг.

*a) отларнинг бошқа сўз туркумидаги сўзларга нисбатан бўлган муносабатини кўрсатадиган категория;*

*b) тарихан ўзгарувчан бўлган категория;*

*c) тилнинг грамматик қурилиши билан боғлиқ бўлган категория;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

640. Ҳозирги немис тилида келаси замоннинг нечта тури мавжуд?

*a) 2;*

*b) 3;*
*c) 4;*
*d) 1.*

641. Эстон тилида келишик формалари нечта?
*a) 14;*
*b) 10;*
*c) 12;*
*d) 5.*

## ЗАМОН КАТЕГОРИЯСИ

642. Тилларда энг кўп тарқалган категория?
*a) сон категорияси;*
*b) келишик категорияси;*
*c) замон категорияси;*
*d) феъл категорияси.*

643. Замон категорияси неча турли бўлади?
*a) 3 турли;*
*b) 2 турли;*
*c) 1 турли;*
*d) замон категорияси турга бўлинмайди.*

644. Ҳозирги замон феъли ифодаланган жавобни белгиланг.
*a) мен газета ўқидим;*
*b) мен газета ўқияпман;*
*c) мен газета ўқимоқчиман;*
*d) мен газета ўқимоқчи эдим.*

645. Ҳозирги ўзбек тилидаги *эди* тўлиқсиз феъли қайси замон шаклини ташкил қилади?
*a) ҳозирги замон феъли;*
*b) ҳозирги-келаси замон феъли;*
*c) ўтган замон феъли;*
*d) келаси замон феъли.*

646. Инглиз тилида келаси замоннинг нечта тури бор ва улар қандай воситалар орқали ифодаланади?
*a) 4 тури, синтактик;*

*b) 3 тури, аналитик;*

*c) 3 тури, синтаксис;*

*d) 4 тури, аналитик.*

647. Ҳозирги замон немис тилида келаси замоннинг нечта тури мавжуд?

*a) 2 та;*

*b) 3 та;*

*c) 4 та;*

*d) 5 та.*

648. Немис тилидаги келаси замон шакллари қайсилар?

*a) shall, will;*

*b) I shall meet him tomorrov;*

*c) singularia tantum;*

*d) Futurum I, Futurum II.*

649. Келаси замон маъноси рус тилида қандай формалар орқали ифодаланади?

*a) синтетик ва аналитик;*

*b) фақат аналитик;*

*c) фақат синтетик;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

650. Ўзбек тилида келаси замон феъл формаси -(а)р аффикси ёрдамида ясалса, қандай маъно англатади?

*a) мақсадни;* *b) гумонни;*

*c) қиёслашни;* *d) ўхшатишни.*

## СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

651. Нуқталар ўрнига мос жавобни қўйинг: ... грамматиканинг бир қисми бўлиб, сўз туркумлари назарияси ҳақидаги таълимотдир.

*a) синтаксис;*

*b) лексикология;*

*c) пунктуация;*

*d) морфология.*

652. Сўзларни сўз туркумларига ажратиш назариясининг тамойиллари қайси жавобда тўғри берилган?

*a) сўз туркумларнинг категориал белгилари;*

*b) сўзларни туркумларга ажратиш принциплари;*

*c) турли тилларда сўз туркумлари;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

*653. Олимлар сўзларни туркумларга ажратиш учун асос бўладиган мезонларни ҳозирги даврга келиб шартли равишда нечта босқичга ажратишган?*

*a) 2 та*;

*b) 3 та;*

*c) 4 та;*

*d) 5 та.*

654. Сўзларни ажратишдаги асосий ғояларни билдирган инглиз олимини топинг.

*a) Ч.Фриз;*

*b) Ф.де Соссюр;*

*c) Ф.Бопп;*

*d) М.Ю.Лермонтов.*

655. *Woggles ugged diggles* сўзлари қандай маънони англатади.

*a) сўзларни гуруҳларга бўлиш;*

*b) морфология;*

*c) сўзларнинг лексик маъноси;*

*d) ҳеч қандай маъно англатмайди.*

656. Чарльз Фриз сўз туркумларини қай тартибда аниқлаган ва улар қайсилар?

*a) 6 та ёрдамчи сўз туркуми, 3 та мустақил сўз туркуми;*

*b) 4 та мустақил сўз туркуми, 15 та ёрдамчи сўз туркуми;*

*c) 5 та мустақил сўз туркуми, 5 та ёрдамчи сўз туркуми;*

*d) 6 та мустақил сўз туркуми, 5 та ёрдамчи сўз туркуми.*

657. Чарльз Фриз хисобича, 4 та мустақил сўз туркуми тилдаги сўзларнинг неча фоизини ташкил қилади?

*a) 60 % ни;*

*b) 65 % ни;*

*c) 70 % ни;*

*d) 67 %ни.*

658. Сўзларни туркумларга семантик, морфологик, синтактик ва сўз ясалиши каби белгиларига кўра ажаратилиши қайси олимларга

тегишли?

*a) инглиз;*

*b) ўзбек;*

*c) рус;*

*d) француз.*

659. Сўз туркумларининг ... деганда сўзларнинг конкрет маънолари эмас, балки уларни умумлашган маъноси назарда тутилади. Гап сўзларнинг қайси белгиси ҳақида кетяпти?

*a) семантик белгиси;*

*b) морфологик белгиси;*

*c) синтактик белгиси;*

*d) сўз ясалиши белгиси.*

660. Феъл сўз туркуми морфологик жиҳатдан қандай категорияларга эга?

*a) иш-ҳаракат ва ҳолатни ифода қилади;*

*b) замон, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик;*

*c) бўлишли-бўлишсиз, шахс-сон;*

*d) b ва c жавоблар тўғри.*

661. Туркий тилларда сифатдош ва равишдош тусланади, ҳаракат номи-чи?

*a) тусланади;*

*b) тусланади ва турланади;*

*c) фақат турланади;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

662. Чекмоқ, ўқимоқ, ёзмоқ, кўрмоқ сўзлари хусусиятига кўра қайси туркумга мансуб?

*a) феъл;*

*b) от;*

*c) олмош;*

*d) ҳаракат номи.*

663. От сўз туркуми гапда қайси гап бўлаги вазифасида келади?

*a) бош бўлаклар вазифасида;*

*b) иккинчи даражали бўлаклар вазифасида;*

*c) барча гап бўлаклари вазифасида;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

664. Структурализм вакилларидан қайси бири сўзларни туркумларга

ажратишда дистрибуцион методни асос қилиб олганлар?

*a) прагачилар;*

*b) дескриптивистлар;*

*c) функционалистлар;*

*d) глоссематиклар.*

665. Инглиз тилида қатъий сўз тартибини назарда тутиб, сўзларни гапда тутган ўрнига қараб янги дистрибутив усулда сўз туркумларига ажратган шахс ким?

*a) Чарльз Фриз;*

*b) Фердинанд де Соссюр;*

*c) Расмус Раск;*

*d) Отто Есперсен.*

666. «Сўзларнинг конкрет маънолари эмас, балки уларнинг умумлашган маъноси назарда тутилади». Бу таъриф сўз туркумларининг қайси белгисига хос?

*a) семантик;*

*b) умумий;*

*c) морфологик;*

*d) синтактик.*

667. Асосий сўз туркумлари қайсилар?

*a) от ва сифат;*

*b) сифат ва феъл;*

*c) от, сифат, феъл;*

*d) от ва феъл.*

668. Баъзи олимлар қайси тилда 12 та, ҳаттоки 15 та сўз туркуми мавжудлигини айтадилар?

*a) немис;*

*b) инглиз;*

*c) француз;*

*d) рус.*

## СИНТАКСИС

669. Тилнинг асосий вазифаси ...

*a) одамлар орасида фикр алмашиш қуроли;*
*b) одамлар орасида ахборот вазифаси;*
*c) одамлар орасида муомала вазифаси;*
*d) тўғри жавоб йўқ.*

670. Тилшуносликнинг синтаксис бўлими қайси бўлим билан боғлиқ?

*a) лексикология;*
*b) морфемика;*
*c) морфология;*
*d) фонетика.*

671. Тилшуносликнинг қайси соҳалари бир-бирини тўлдирувчи соҳа ҳисобланади.

*a) морфемика ва лексикология;*
*b) пунктуация ва морфемика;*
*c) синтаксис ва морфология;*
*d) стилистика ва фонетика.*

672. Синтаксис бўлимининг энг асосий қисмлари нечта гуруҳдан иборат.

*a) 6 та;*
*b) 7 та;*
*c) 5 та;*
*d) 4 та.*

## СИНТАКТИК МУНОСАБАТ ТУРЛАРИ

673. Предикатив ва нопредикатив боғланишлар қайси муносабат турига киради?

*a) морфологик муносабат;*
*b) лексикологик муносабат;*
*c) синтактик муносабат;*
*d) фонетик муносабат.*

674. Гапнинг стуруктур асосини нима ташкил қилади?

*a) предикативлик;*

*b) тенг боғланиш;*

*c) нопредикатив боғланиш;*

*d) тобе боғланиш.*

675. «*Мен университетда ўқийман*» гапи синтактик муносабатнинг қайси турига киради?

*a) предикатив муносабат;*

*b) нопредикатив муносабат;*

*c) синтагматик муносабат;*

*d) парадигматик муносабат.*

676. «Грамматик томондан бир-бирига тенг бўлган сўзлар ўзаро муносабатга киришади». Бу синтактик муносабатнинг тури бўлган нопредикатив боғланишнинг қайси турига тўғри келади?

*a) эргаш боғланиш;*

*b) эргаш боғланиш ва тенг боғланиш;*

*c) тенг боғланиш ва оҳанг;*

*d) тенг боғланиш.*

677. Тенглашиш муносабати қайси воситалар орқали ифодаланади ва уларга мисол беринг.

*a) аффикслар ва кўмакчилар: тиниқ сув; қўшиқ айтмоқ;*

*b) тенг боғловчилар ва санаш оҳанги: йигитлар ва қизлар; уруш ва тинчлик;*

*c) флексия ва сўз тартиби: менинг дафтарим; мен, сен;*

*d) оҳанг ва эргаштирувчи боғловчи: оқ от; бақириб гапирмоқ.*

678. «Грамматик томондан тенг бўлмаган сўзлар ўзаро муносабатга киришади. Бу ҳолда элементларнинг бири иккинчисига тобе бўлиб, уни аниқлайди, тўлдиради, аниқланаётган бўлак ҳоким, аниқлаётган бўлак эса тобе бўлади». Бу синтактик муносабатнинг тури бўлган нопредикатив боғланишнинг қайси турига тўғри келади?

*a) эргаш боғланиш;*

*b) эргаш боғланиш ва тенг боғланиш;*

*c) тенг боғланиш ва оҳанг;*

*d) тенг боғланиш.*

679. Тобеланиш муносабати қайси воситалар орқали ифодаланади ва уларга мисол беринг.

*a) аффикслар ва кўмакчилар: тиниқ сув; қўшиқ айтмоқ;*

*b) флексия ва сўз тартиби: оқ от; бақириб гапирмоқ;*

*c) тенг боғловчилар ва санаш оҳанги: йигитлар ва қизлар; уруш ва тинчлик;*

*d) a ва b тўғри.*

680. Синтактик муносабатнинг эргашиш усули неча хил?

*a) 2 хил;*

*b) 3 хил;*

*c) 4 хил;*

*d) 5 хил.*

681. «Ҳоким сўз қайси грамматик формада бўлса, тобе сўз ҳам шу формада бўлади. Масалан, рус тилида: красивая девушка, интересное представление». Ушбу таъриф ва мисол эргашиш услубининг қайси хилига тўғри келади?

*a) мослашув;*

*b) бошқарув;*

*c) битишув;*

*d) инкорпорация.*

682. «Гап келишикли ва кўмакчили бўлади. Бунда тобе бўлак ҳоким бўлак талаб қилган формани олади. Масалан, Зулфияга олдим – Зулфия учун олдим». Ушбу таъриф ва мисол эргашиш услубининг қайси турига тўғри келади?

*a) мослашув;*

*b) бошқарув;*

*c) битишув;*

*d) инкорпорация.*

683. «Ҳоким ва тобе бўлаклар ўзаро сўз тартиби ва оҳанг ёрдамида муносабатга киришади. Масалан, кичик бола йиқилиб тушди». Ушбу таъриф ва мисол эргашиш усулининг қайси хилига тўғри келади?

*a) мослашув;*

*b) бошқарув;*

*c) битишув;*

*d) инкорпорация.*

## СИНТАКТИК МУНОСАБАТЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАР

684. Синтактик муносабатлар турли грамматик воситалар орқали ифодаланади. Дунё тилларида бундай воситалар турличадир. Буларнинг асосийлари қайсилар?

*a) аффикслар ва ёрдамчи сўзлар;*

*b) сўз тартиби ва интонация;*

*c) такрор;*

*d) a ва b тўғри.*

685. Қайси восита сўз формалари билан биргаликда синтактик алоқани ифодалашда кенг қўланади ва туркий тилларда у синтактик алоқани ифодалашда асосий восита ҳисобланади?

*a) ёрдамчи сўзлар;*

*b) интонация;*

*c) аффикслар;*

*d) сўз тартиби.*

686. Ўзбек тилида: Талабалар билан ишладим. Мен катта одам бўламан. Рус тилида: рисовать на бумаге, ехать к родственникам. Бу гапларда қандай воситалар қўлланган?

*a) ёрдамчи сўзлар;*

*b) интонация;*

*c) аффикслар;*

*d) сўз тартиби.*

687. Қайси тилда артикль отдан ташқари сифат, сон билан ҳам кенг қўлланади?

*a) инглиз ва француз тилларида;*

*b) араб тилида;*

*c) ўзбек тилида;*

*d) рус тилида.*

688. Сўзларнинг синтактик функциялари маълум морфологик кўрсаткичлар билан ифодаланмаганда, қайси синтактик восита синтактик муносабатларни кўрсатувчи асосий восита ролини ўйнайди?

*a) аффикслар;*

*b) ёрдамчи сўзлар;*

*c) сўз тартиби;*

*d) интонация.*

689. Агар бирон бир тилда синтактик муносабат морфологик восита орқали ифодаланса (флектив тиллар), унда сўз тартиби синтактик восита сифатида кам ишлатилади ва аксинча, сўзнинг синтактик функцияси ўз морфологик кўрсаткичларига эга бўлмаса, бу ҳолда сўз тартиби асосий восита сифатида хизмат қилади (хитой, вьетнам, герман тиллари). Шунга кўра, сўз тартибининг синтактик восита сифатида қай даражада қўланиши тилнинг нимасига боғлик?

*a) фонетик қурилишга;*

*b) грамматик қурилишига;*

*c) лексик қурилишига;*

*d) семантик қурилишига.*

690. Интонация ҳам синтактик муносабат ифодалайдиган воситалардан бири бўлиб, уни ташкил этган компонентлар қайсилар?

*a) логик урғу, пауза, артикль, сўз тартиби;*

*b) мелодика, ритм, сўз тартиби, пауза;*

*c) ритм, пауза, мелодика, логик урғу;*

*d) сўз тартиби, аффикслар, урғу.*

## НОПРЕДИКАТИВ БИРЛИК

691. Семантик ва грамматик жиҳатдан ўзаро синтактик алоқага киришган икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзлар нима деб аталади?

*a) сўз бирикмаси;*

*c) гап;*

*b) қўшма сўз;*

*d) ибора.*

692. Сўз бирикмаси нутқ формаси бўлиб, кўп тилларда эргаш боғланиш орқали ҳосил бўлади. Бунда сўз бирикмалари қандай бўлаклардан ташкил топади?

*a) тенг боғловчилардан;*

*b) ҳоким ва тобе бўлаклардан;*

*c) кўмакчилардан;*

*d) b ва c жавоблар тўғри.*

693. Қандай сўзлар сўз бирикмаси компонентлари бўла олади?

*a) ёрдамчи сўзлар;*

*b) кўмакчи сўзлар;*

*c) мустақил сўзлар;*

*d) барчаси тўғри.*

694. Қайси каторда сўз ва сўз бирикмаси ўртасидаги фарқ тўғри кўрсатилган?

*a) сўз лексик ҳодиса, сўз бирикмаси грамматик ҳодисадир;*

*b) сўз предмет, белги, иш-ҳаракатни умумий ифодалашга хизмат қилади, сўз бирикмаси эса предмет, белги, иш-ҳаракатни шу хилдаги бошқа предмет, белги, иш-ҳаракатдан ажратиб ифодалайди;*

*c) сўз тарихий категория бўлиб, тил бирлигидир. Сўз бирикмаси эса нутқ жараёнида ҳосил бўлади, шунинг учун ҳам у нутқ бирлигидир;*

*d) барчаси тўғри.*

695. ... компонентлари ўртасида грамматик муносабат йўқ, улар ўз лексик-семантик мустақиллигини йўқотиб, бир бош урғу олиб, гапда бир синтактик вазифани бажаради. Фикрни тўлдиринг.

*a) сўз бирикмаси;*

*b) қўшма сўз;*

*c) турғун бирикма;*

*d) кетма-кет сўз.*

696. ... компонентлар ўртасида грамматик муносабат мавжуд, улар лексик-семантик мустақиллигини сақлаб, ўз урғусига эга бўлади, гапда бошқа-бошқа синтактик функцияни бажаради. Фикрни тўлдиринг.

*a) турғун бирикма;*

*b) қўшма сўз;*

*c) кетма-кет сўз;*

*d) сўз бирикмаси.*

697. ... сўзлар бутунлигича, яхлит ҳолда қўлланиб, тил бирлиги ҳисобланланади ва бундай сўзлар эса бутунича ўз маъносидан кўчган ёки компонентларининг бири ўз маъносини ўзгартириб юборган бўлади. Фикрни тўлдиринг.

*a) сўз бирикмаси;*

*b) қўшма сўз;*

*c) турғун бирикма;*

*d) кетма-кет сўз.*

698. Қайси қаторда гап ва сўз бирикмаси ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ тўғри кўрсатилган?

*a) сўз бирикмаси моделлари гап моделлари каби, тил бирлиги бўлиб, конкрет сўз бирикмаси ҳам конкрет гап каби нутқ бирлиги ҳисобланади;*

*b) сўз бирикмаси номинатив категория бўлса, гап коммуникатив категориядир;*

*c) сўз бирикмаси ва гап иккаласи битта нарса;*

*d) а ва b жавоблар тўғри.*

699. Ҳоким бўлакнинг қайси сўз туркумидан ифодаланишига қараб, сўз бирикмалари қандай турларга бўлинади?

*a) отли сўз бирикмаси;*

*b) феълли сўз бирикмаси;*

*c) равишли сўз бирикмаси;*

*d) барчаси тўғри.*

700. Отли сўз бирикмаси отдан ташқари яна қандай сўз туркумлари билан ифодаланади?

*a) олмош, сифат, феъл;*

*b) олмош, сон, равишдош;*

*c) олмош, сифатдош, сон;*

*d) феъл, сифат, равиш.*

701. Қайси қаторда отли сўз бирикмасига тўғри мисоллар берилган?

*a) укамнинг китоби, беш киши, кечиккан поезд;*

*b) сендан яхши, тез ишламоқ, дарахтдан баланд;*

*c) бу студент, ҳаётни севмоқ, одобли фарзанд;*

*d) вазифани бажариб, гулдан нозик, жуда иссиқ.*

702. Феълли сўз бирикмасида ҳоким бўлак вазифасида қандай сўз туркумлари келади?

*a) феъл ва от;*

*b) феъл ва сифат;*

*c) феъл ва олмош;*

*d) феъл ва равишдош.*

703. Қайси қаторда феълли сўз бирикмасига тўғри мисоллар берилган?

*a) ҳаётни севмоқ, met a bear, кулиб гапирмоқ;*

*b) a busy boy, гулдан нозик, жуда тез;*

*c) бу студент, ҳаётни севмоқ, written letter;*

*d) read two pages, беш киши, кечиккан поезд.*

704. Қайси қаторда равишли сўз бирикмасига тўғри мисоллар берилган?

*a) тошдан силлиқ, гулдан нозик, come to rest;*

*b) тез ишламоқ, дарахтдан баланд, five days ago;*

*c) вазифани бажариб, ҳаётни севмоқ, speak slowly;*

*d) жуда тез, дарахтдан баланд, very quikly.*

705. Сўз бирикмалари қайси бўлакнинг синтактик вазифасига кўра тўлдирувчили, аниқловчили, ҳолли сўз бирикмаларига бўлинади?

*a) тобе бўлакнинг;*

*b) ҳоким бўлакнинг;*

*c) кўмакчилик бўлакнинг;*

*d) барчаси тўғри.*

## ГАП

706. Кишиларнинг фикр алмашуви сўз ёки сўз бирикмаси орқали эмас, балки гап орқали амалга ошади. Шунинг учун гап синтактик бирлик сифатида сўз ва сўз бирикмаларидан нима жиҳатдан фарқ қилади?

*a) фонетик ва грамматик;*

*b) лексик ва фонетик;*

*c) грамматик ва семантик;*

*d) семантик ва лексик.*

707. Гапнинг табиати, моҳияти, унинг конструктив-грамматик белгилари, гапнинг сўз, сўз бирикмаси ва турғун бирикмалардан фарқи каби масалалар ҳар бир тилнинг грамматикасида ўрганилиши билан бирга, умумий тилшунослик учун ҳам ғоят муҳим масалалардир. Тилшунослик тарихида бу масалалар турлича талқин қилинган бўлиб, ҳозиргача унга нечтадан ортиқ таъриф

берилган?

*a) 200 дан;* *b) 300 дан;*

*c) 400 дан;* *d) 100 дан.*

708. Тилшуносликдаги логик оқим вакиллари ҳукм билан гапни, логик категориялар билан грамматик категорияларни кориштириб юбордилар. Уларнинг фикрича, гап ҳам ҳукмдагидек қандай элементларга эга бўлиши керак?

*a) субъект, боғлама, предикат;*

*b) предикат, субъект, объект;*

*c) боғлама, объект, предикат;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

709. Қайси оқим вакиллари гап фақат фикрни эмас, балки инсоннинг психик фаолиятини, ҳиссиётини, иродасини ҳам ифодалайди, деган эдилар?

*a) логик оқим вакиллари;*

*b) формал оқим вакиллари;*

*c) психологизм оқим вакиллари;*

*d) эстетик оқим вакиллари.*

710. Формал оқимга мансуб бўлган тилшунослар гапни ўрганишда қайси белгиларга аҳамият бера бошладилар?

*a) грамматик белгиларга;*

*b) морфологик белгиларга;*

*c) синтактик белгиларга;*

*d) лексик белгиларга.*

711. Қандай бирлик тилнинг энг кичик коммуникатив бирлигидир ва бу бирлик ёрдамида жамият аъзолари бир-бирлари билан фикр алмашадилар?

*a) сўз;* *b) сўз бирикмаси;*

*c) гап;* *d) турғун бирикма.*

712. Қайси тил бирлигига бир томондан, тил бирлиги, иккинчи томондан, нутқ бирлиги деб қараш мумкин?

*a) сўз бирикмаси;* *b) турғун бирикма;*

*c) сўз;* *d) гап.*

713. Объектив борлиқ ва унга бўлган муносабатни ифода қилиб, грамматик шаклланиб, нисбий тугал фикр ёки ҳис-туйғу англатиб, интонацион бутунликка эга бўлган сўз ҳамда сўзлар бирлашмаси

нима деб аталади?

*a) гап;* *b) сўз бирикмаси;*
*c) турғун бирикма;* *d) қўшма гап.*

714. Ҳар қандай қурилма гап бўлиб келиши учун нимага эга бўлиши керак?

*a) тугалланган интонацияга;* *b) урғуга;*
*c) грамматик марказга;* *d) шаклга.*

715. Жонли нутқда бир гап иккинчи бир гапдан тугаланган интонация билан ажралиб туради. Шундай экан, интонация ёзувда нима билан ифодаланади?

*a) ҳарф;* *b) тиниш белгилар;*
*c) қўшимчалар;* *d) барчаси тўғри.*

716. Гап сўзлар боғланмасидан иборат бўлганда, сўзлар маълум грамматик қонун-қоидалар асосида синтактик алоқага кирашади. Бу тип гапларда предикативлик нималар билан ифодаланади?

*a) майл, замон;*
*b) шахс-сон категориялари;*
*c) модал сўзлар;*
*d) барча жавоблар тўғри.*

717. Ҳар қандай гап ўз грамматик маркази, структура асосига эга бўлади. Бу гапнинг нимаси деб аталади?

*a) интонацияси;* *b) ёрдамчи бўлаклари;*
*c) грамматик асоси;* *d) грамматик формаси.*

718. Гап фикр формаларидан ҳисобланган ҳукм (муҳокама) билан узвий боғлиқдир. Ҳукм гап орқали ифодаланади. Шундай экан, ҳукм, асосан, қандай компонентлардан ташкил топган?

*a) субъект;* *b) боғлама;*
*c) предикат;* *d) a ва c тўғри.*

719. Гапнинг грамматик асоси қандай компонентдан ташкил топган?

*a) эга ва тўлдирувчи;* *b) кесим;*
*c) эга ва кесим;* *d) тўлдирувчи, кесим, эга.*

720. Гапнинг семантик структураси ҳам, формал қурилиши ҳам ҳукм структурасидан фарқ қилиши мумкин. Бу гапнинг иккинчи даражали бўлаклар билан кенгайиб келишида кўзга ташланади. Шундай экан, ҳукм ниманинг ўрганиш объекти, гап ниманинг

ўрганиш объекти?

*a) гап – логиканинг, ҳукм – грамматиканинг ўрганиш объектидир;*

*b) гап ҳам, ҳукм ҳам логиканинг ўрганиш объектидир;*

*c) гап ҳам, ҳукм ҳам грамматиканинг ўрганиш объектидир;*

*d) гап – грамматиканинг, ҳукм – логиканинг ўрганиш объектидир.*

721. Гаплар ифода мақсадига кўра қандай гапларга бўлинади?

*a) дарак гаплар;* *b) сўроқ гаплар;*

*c) буйруқ гаплар;* *d) барчаси тўғри.*

722. Гаплар эмоционаллигига кўра қандай гапларга бўлинади?

*a) эмоционал гаплар;* *b) ундов гаплар;*

*c) ноэмоционал гаплар;* *d) барчаси тўғри.*

723. Гаплар ифода мазмунига бўлган муносабатига кўра қандай гапларга бўлинади?

*a) бўлишли ва бўлишсиз гаплар;*

*b) икки таркибли ва бир таркибли гаплар;*

*c) содда ва қўшма гаплар;*

*d) тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар.*

724. Гаплар грамматик марказининг микдорига кўра қандай гапларга бўлинади?

*a) содда ва қўшма гаплар;*

*b) тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар;*

*c) икки таркибли ва бир таркибли гаплар;*

*d) бўлишли ва бўлишсиз гаплар.*

725. Гаплар грамматик марказининг таркибига кўра қандай гапларга бўлинади?

*a) тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар;*

*b) бўлишли ва бўлишсиз гаплар;*

*c) содда ва қўшма гаплар;*

*d) икки таркибли ва бир таркибли гаплар.*

726. Гаплар иккинчи даражали бўлакларнинг иштирокига кўра қандай гапларга бўлинади?

*a) тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар;*

*b) йиғиқ ва ёйиқ гаплар;*

*c) содда ва қўшма гаплар;*

*d) икки таркибли ва бир таркибли гаплар.*

727. Гаплар маълум фикрни ифода қилиш учун зарур бўлган бўлакларнинг иштирокига кўра қандай гапларга бўлинади?

*a) йиғиқ ва ёйиқ гаплар;*

*b) икки таркибли ва бир таркибли гаплар;*

*c) содда ва қўшма гаплар;*

*d) тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар.*

## ГАПНИНГ АКТУАЛ БЎЛИНИШИ

728. ... – гапнинг ифода асоси, маълум қисми, гапнинг ядроси, яъни нима хабар қилаётган қисми ҳисобланади.

*a) гапнинг актуал бўлиниши;*

*b) гапнинг формал бўлиниши;*

*c) замон формалари;*

*d) нисбат формалари.*

729. Гап актуал бўлинишда қайси жиҳатдан бўлинади?

*a) грамматик элементлар жиҳатидан;*

*b) маъно жиҳатидан;*

*c) структура жиҳатидан;*

*d) синтактик жиҳатдан.*

730. Гапнинг актуал бўлинишида фикрнинг маълум қисми нима деб юритилади?

*a) гапнинг ядроси;* *b) рема;*

*c) ифода асоси;* *d) эга ва кесим;*

731. Гапнинг актуал бўлинишида фикрнинг номаълум қисми нима деб юритилади?

*a) эга ва кесим;* *b) ифода асоси;*

*c) ифода маъноси;* *d) ифода ядроси;*

732. Университет талабалари «Тафаккур синовлари» танловининг Республика босқичида ғалаба қилдилар. Ушбу гапда фикрнинг маълум қисми – ифода асоси қайси?

*a) «Тафаккур синовлари» танловининг Республика босқичида;*

*b) ғалаба қилдилар;*

*c) спорт мусобақаларида;*

*d) университет талабалари.*

733. Юқоридаги гапда фикрнинг номаълум қисми – ифода ядроси қайси?

*a) «Тафаккур синовлари» танловининг Республика босқичида;*

*b) ғалаба қилдилар;*

*c) спорт мусобақаларида;*

*d) a ва b жавоблар.*

734. Тилнинг актуал бўлинмайдиган типлари қайсилар?

*a) бўлишли ва бўлишсиз гаплар;*

*b) бўлакларга ажралмайдиган гаплар, номинатив гаплар, тўлиқсиз гаплар;*

*c) дарак, сўроқ буйруқ гаплар;*

*d) эмоционал ва ноэмоционал гаплар.*

735. Ёзувда гапнинг ифода асоси ифода ядроси билан қайси тиниш белгиси орқали ажратилиши мумкин?

*a) вергул;* *b) қавс;*

*c) тире;* *d) икки нуқта.*

736. Интонация фанда қандай изоҳланади?

*a) лот. intonare – баланд товуш билан талаффуз этаман. Нутқнинг синтактик маънолари ва экспрессив эмоционал бўёқларни ифодалаш учун хизмат қилувчи ритмик-мелодик томони;*

*b) грек. intonare – баланд товуш. Нутқ оқимининг тез-секинлиги ва нутқ парчалари орасидаги пауза;*

*c) грек. intonare – баланд овоз. Фразадаги бирор сўзни таъсир этиш жиҳатдан ажратиб кўрсатувчи просодик восита;*

*d) лот. intonare – баланд товуш. Асосий овоз тонининг ҳаракатини кўрсатувчи восита.*

737. Огзаки нуткда гапнинг актуал бўлинишида асосий восита нима?

*a) оғзаки нутқда гапнинг актуал бўлиниш содир бўлмайди;*

*b) мелодия;*

*c) интонация;*

*d) оҳанг.*

738. Оҳанг актуал кўринишда қай ҳолатда бўлади?

*a) ифода асосида пасаяди, ифода ядросида кўтарилади;*

*b) ифода асосида кўтарилади, ифода ядросида пасаяди;*

*c) ҳар иккаласида ҳам пасаяди;*

*d) ҳар иккаласида ҳам кўтарилади.*

739. Актуал бўлинишда қайси қисм гап бошида келади?

*a) шахс-сон;* *b) замон, майл;*

*c) ифода ядроси;* *d) ифода асоси.*

740. Формал бўлинишда гап таркиби грамматик элементларга бўлинади. Актуал бўлинишда гап…

*a) морфологик жиҳатдан бўлинади;*

*b) маъно жиҳатдан бўлинади;*

*c) этимологияси жиҳатдан бўлинади;*

*d) генеологик жиҳатдан бўлинади;*

741. Актуал бўлинишнинг асосий элементлари қайси?

*a) гапнинг ифода асоси;*

*b) гапнинг ядроси;*

*c) грамматика;*

*d) a ва b жавоб тўғри.*

742. Гапнинг актуал бўлинишида фикрнинг номаълум қисми нима деб аталади?

*a) ифода ядроси;* *b) рема;*

*c) янгилик;* *d) барча жавоб тўғри.*

743. Актуал бўлинишда гап нечага бўлинади ва улар қайсилар?

*a) 2 га: бош ва иккинчи даражали бўлаклар;*

*b) 2 га: ифода асоси ва ифода ядроси;*

*c) 2 га: содда ва мураккаб;*

*d) тўғри жавоб йўқ.*

744. Актуал бўлинмайдиган гап типлари қайси қаторда берилган?

*a) бўлакларга ажралмайдиган гаплар;*

*b) номинатив гаплар;*

*c) тўлиқсиз гапларнинг баъзи турлари;*

*d) барча жавоб тўғри.*

745. Оҳанг актуал бўлинишнинг қайси қисмида кўтарилади?

*a) ифода ядросида;* *b) ифода асосида;*

*c) оҳанг кўтарилмайди;* *d) икки бўлиниш ўртасида.*

746. Ифода асоси гапнинг қайси қисмида келади?

*a) гап ўртасида;* *b) гап бошида;*

*c) гап охирида;* *d) ифода ядросидан кейин.*

747. Актуал бўлинишга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқланг.

*a) гапда сўзлар тартиби;*

*b) логик урғунинг ўзгариши;*

*c) фикр характери;*

*d) барча жавоблар тўғри.*

## ТИПОЛОГИЯ

748. Ҳозирги тилшуносликда тиллар нечта асосий оилага мансублиги ҳақида фикр билдирилади?

